

340.13053.1575.11

34
Ў32

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ВА ФАРМОНЛАР

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

2032826
ЗАКОНЫ И УКАЗЫ

ЎЗБЕКИСТОН

Библиотека ТЭИО

№ 347873

ТОШКЕНТ. "ЎЗБЕКИСТОН". 1992

У 32

Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар.— Т.: Ўзбекистон, 1992.— 382 б.

Тит. в. ва текст парал. ўзб. ва рус. тилларида.

ISBN 5-540-01410-5

Тўғламга Ўзбекистон Республикасининг кейинги вақтларда қабул қилинган ва Республиканинг тўла мустақиллигини амалга оширишга йўналтирилган қонунлар ҳамда фармонлар кирган. Нашр учун Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар танлаб олинган.

У кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

В сборник вошли законы и указы Республики Узбекистан, принятые в последнее время и направленные на практическую реализацию неограниченного суверенитета Республики. Для этого издания отобраны в основном документы, которыми регламентируется внешнеэкономическая деятельность Узбекистана.

Рассчитана на широкий круг читателей.

Республика Узбекистан: законы и указы.

ББК 67.99 (2)-3

№ 539--92

Навоий номли ЎзР
Давлат кутубхонаси

Ў 0503020904-84
М 351 (4)92 92

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1992 й.

Кейинги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини барпо этувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида, корхоналар тўғрисида, тадбиркорлик тўғрисида, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида, банклар ва банк фаолияти тўғрисида, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида, чет эл инвестициялари тўғрисидаги ва бошқа қонунлари кўп укладлилиқ асосларини белгилайди, мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилигини қарор топтиради, мулкдорларнинг ҳуқуқлари ҳимояланишига қатъий кафолат беради.

Республика ҳаётида янги босқични бошлаб берган фавақулдда муҳим воқеалар содир бўлди, ССР Иттифоқи барҳам топди, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистоннинг тўлиқ давлат мустақиллигини эълон қилди, "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Республика беқиёс эркинликка эга бўлди.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сув, табиий ва бошқа ресурслар, давлат мулки объектлари, барча давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотларининг мол-мулкни қўшган ҳолда, республика қонунларида белгиланганидек, фақат унинг мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон 120 та хорижий давлат томонидан халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида тан олинди. У Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Халқаро Валюта фондига, бошқа халқаро ташкилотларга қабул қилинди. Республика қонунларининг энг муҳим қоидаларидан бири халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормалари устуворлигини тан олишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳаётида рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда 1991 йилда қабул қилинган ва ушбу тўпلامда эълон қилинаётган қонунлар матнига зарур таҳририй ўзгаришлар киритилди.

В последнее время Верховным Советом Республики Узбекистан принят ряд законов, создающих правовую базу рыночной экономики.

Законы Республики Узбекистан о собственности, о предприятиях, о предпринимательстве, о разгосударствлении и приватизации, о банках и банковской деятельности, о налогах с предприятий, объединений и организаций, о внешнеэкономической деятельности, об иностранных инвестициях и другие устанавливают основы многоукладности, утверждают равноправие всех форм собственности, надежно гарантируют защиту прав собственников.

События исключительной важности предопределили переход к новому этапу в жизни республики. Прекратил существование Союз ССР, Верховный Совет Республики Узбекистан провозгласил полную государственную независимость Узбекистана, принят Закон "Об основах государственной независимости Республики Узбекистан". Республика обрела неограниченный суверенитет.

Земля, ее недра, воды, природные и другие ресурсы на территории республики, объекты государственной собственности, включая имущество всех государственных предприятий, учреждений, организаций, как установлено законодательством республики, составляют ее исключительную собственность.

120 иностранными государствами Узбекистан признан в качестве самостоятельного субъекта международного права. Он принят в Организацию Объединенных Наций, Международный Валютный Фонд, другие международные организации. Один из важнейших принципов республиканского законодательства состоит в признании примата общепризнанных норм международного права.

С учетом происшедших изменений в общественно-политической жизни Республики Узбекистан в тексты законов, принятых в 1991 году и публикуемых в настоящем сборнике, внесены необходимые редакционные поправки.



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ВА
ФАРМОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ДАВЛАТ ТАСАРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР БИЛАН КОРХОНАЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА. 1991 йил 12 НОЯБРЬ № 290

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги
Қонунига биноан киритилган ўзгартишлар билан)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий қоидаларини ва бу фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди. Қонун мулкчилик шаклларида қатъи назар, ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳуқуқлари, манфаатлари ва мол-мулки халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормаларига мувофиқ муҳофаза қилинишини таъминлайди, республика иқтисодиёти жаҳон иқтисодий системасига самарали равишда қўшилиши учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Ушбу Қонун ташқи иқтисодий алоқаларнинг барча турлари ва шаклларига, шу жумладан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликка, кадрлар тайёрлашга, ташқи савдо ва чегара савдосига, суғурта, банк, транспорт операцияларига, сайёҳликка ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги бошқа фаолиятга нисбатан амал қилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ташқи иқтисодий фаолият

Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъекти сифатида

Ўзбекистон Республикаси тасарруфига:

ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг қонун асосларини: белгилаш;

ташқи иқтисодий сиёсатни, шу жумладан валюта-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси валюта фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш;

ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни ижро этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида республиканинг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

республика ҳудудидан чет эллик инвесторлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро иқтисодий ташкилотлар ва бирлашмаларда вакиллик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган бошқа ваколатлар киради.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар билан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларининг асосий қоидалари

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни: барча давлатлар, юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликнинг ўзаро манфаатлилиги;

томонларнинг тенглиги;

ташқи иқтисодий алоқалар бўйича шерикларнинг ички ишларига аралашмаслик;

хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан битимлар бўйича қабул қилинган ўзаро мажбуриятларни ҳалол ва аниқ бажариш принципларига, ҳамма томонидан эътироф этилган бошқа халқаро нормалар, қоидалар ва шартларга риоя этган ҳолда амалга оширади.

4-модда. Ташқи иқтисодий фаолият объектлари

Ҳамма турдаги ресурслар, халқ хўжалигининг барча тармоқлари ва соҳаларида яратиладиган товарлар ҳамда кўрсатиладиган хизматлар, қимматбаҳо қоғозлар, фан-тех-

ника маҳсулотлари, интеллектуал ва бошқа бойликлар Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг объектларидир. Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиш ман этиладиган объектлар бундан мустасно.

5-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари

Мулкчиликнинг шаклларида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчилари сифатида рўйхатга олиниб, республика ҳудудида ёки унинг ташқарисида иш олиб бораётган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан ажнабий юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг субъектлари бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий алоқалар субъектларини рўйхатга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Рўйхатга олишни рад этиш конкрет иқтисодий ёки бошқа ҳисоб-китоблар ва далиллар билан асослаб берилиши керак.

6-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга соладиган қонун нормалари ва бошқа нормалар

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда битимлари, шунингдек халқаро нормалар, қоидалар ва шартлар билан тартибга солинади.

7-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва унинг қонунлари билан белгиланади.

II. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

8-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари

Мулкчиликнинг шакллари ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг турларидан қатъи назар, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти амал қилиб турган қонунлар доирасида ташқи иқтисодий алоқалардаги ўз иштирокининг турлари, шакллари ва йўналишларини мустақил белгилаши, ўз хоҳишига қараб ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахсларни белгиланган тартибда шартнома асосида ёки бошқача тарзда ҳақ тўлаб ёхуд тўламасдан жалб этиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳар бир субъекти Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига, шу жумладан чет эл валютасидаги даромадга эгалик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақлидир. Унинг қарорига кўра ташқи иқтисодий фаолиятнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқлари қонунларда белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказилиши ёхуд уларга ишониб топширилиши мумкин. Ҳуқуқлар ана шу тарзда ўзгага ўтказилган тақдирда томонлар ўзаро муносабатларни шартномалар (битимлар) асосида тартибга соладилар.

9-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг вазифалари

Ташқи иқтисодий фаолият субъекти:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиб турган қонун нормалари ва ўзга нормаларга, ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга риоя этиши;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий алоқаларнинг иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тақдим этиши;

халқаро ҳамкорлик доираларида бажарилаётган ишлар, қидирув ишлари ва лойиҳаларнинг санитария-гигиена, экология талаблари ва бошқа талабларга мувофиқлиги ҳақида экспертиза хулосасини олиши;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган ташқи иқтисодий фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиши шарт.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси банкларининг ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдаги иштироки

Ўзбекистон Республикасининг тўлов балансини тартибга солиш, чет эл валютасидаги маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш билан боғлиқ халқаро валюта-кредит ҳамда ҳисоб-китоб операцияларининг тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташқи иқтисодий фаолият субъектларига хизмат кўрсатиш бўйича ҳисоб-китоб-кредит, касса операциялари ва бошқа операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензиялари бўйича ажнабий юридик ва жисмоний шахслар учун сўм билан юритиладиган, ҳисоб рақамлари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун эса валюта билан юритиладиган ҳисоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган тижорат банклари, бошқа банклар ва банк муассасалари томонидан амалга оширилади.

11-модда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги иқтисодий фаолият

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва айрим фуқаролари- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, шу жумладан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхоналар, шунингдек шўъбалар, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар барпо этишга ҳақлидирлар. Уларни очиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан, шунингдек ҳудудида бу корхоналар иш олиб борадиган давлатнинг қонунлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида бевосита ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш мақсадида хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистон Республикасининг савдо ёки ўзга ваколатхоналари таъсис этилиши мумкин. Бу ваколатхоналар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, ўзлари тўғрисидаги Қизомга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳамда

ваколатхона жойлашган давлатлар иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга амал қилади. Ўзбекистон Республикасининг Чет элдаги ваколатхоналари тўғрисидаги низомни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аж-
набий субъектлар иштирокидаги ташқи
иқтисодий фаолият

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Респуб-
ликаси қонунларига мувофиқ чет эл инвестицияси ишти-
рокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси ва хори-
жий давлатлар юридик шахслари ҳамда фуқаролари
иштирокида халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар
тузилиши мумкин.

Чет давлатлар, фирмалар, банклар, халқаро ташкилот-
лар ҳамда ўзга юридик шахслар Ўзбекистон Республика-
сида ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи ўз
ваколатхоналарини, шўъбаларини ва ўзга тармоқ бў-
линмаларини таъсис этишлари мумкин.

Уларни очиш ва улар фаолиятини тўхтатиш тартиби
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар
Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар
тузилиши мумкин. Бу зоналарда хўжалик фаолиятини
амалга ошириш шартлари Ўзбекистон Республикаси қо-
нунлари билан белгиланади.

III. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

13-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат то-
монидан тартибга солиш шакллари

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартиб-
га солиш:

ташқи иқтисодий фаолият субъектларини рўйхатдан
ўтказишни;

табақалаштирилган солиқлар ва имтиёзлар системаси-
ни, шу жумладан валюта бўйича ҳам белгилашни;

ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот билан таъмин-
лашнинг давлат системасини яратишни;

айрим минтақалар, тармоқлар ва корхоналарнинг таш-
қи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва ривожланти-
риши учун дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюд-

жетдан қарз бериш тарзида молиявий ёрдам кўрсатишни, таваккалчиликни суғурта қилишни;

республика ташқи иқтисодий алоқаларининг турли шаклларини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, пул билан таъминлаш ва экспертиза қилишни;

Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган товарлар ва бошқа мол-мулкларни ҳужжатлаштиришни;

маҳсулотни (ишларни, хизматларни) экспорт ва импорт қилиш тартибини белгилашни;

валюта ва бошқа фондлар маблағларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланишни ўз ичига олади.

14-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида давлат идораларининг ваколатлари ва масъулияти

Ушбу Қонуннинг ижросини ташкил этишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ваколатли давлат идоралари орқали амалга оширади.

Бу идораларнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари ва масъулияти амалдаги қонунлар билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг хўжалик фаолиятига давлат ҳокимияти идоралари ва бошқарув идораларининг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ўз ваколат доирасидан ортиқроқ даражада аралашувига йўл қўйилмайди.

15-модда. Валюта билан ўз харажатини ўзи қоплаш

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг барча валюта харажатлари уларнинг валюта тушумлари, шунингдек чет эл валютасини олишнинг қонунларда рухсат этилган бошқа манбаларидан келган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ўз харажатини валюта билан ўзи қоплаши улар иштирокида яратиладиган уюшмалар, консорциумлар ва бошқа бирлашмалар доирасида таъминланиши мумкин.

IV. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ ВА УЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

16-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларининг кафолати

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонуний манфаатлари таъминланишига кафолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, улар келтирган зарар Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ суд тартибида шу идоралар томонидан ташқи иқтисодий фаолият субъектларига тўланади.

17-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятни тўхтатиб туриш ва тўхтатиш

Ушбу Қонуннинг 5-моддасида белгилаб қўйилган субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти уларни рўйхатга олган идоранинг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан 6 (олти) ойгача муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунлари бузилган, субъект синган ҳолларда ҳамда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа асосларга кўра субъектларнинг ташқи иқтисодий фаолияти мустақил равишда ёки суд қарори билан тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолларда зарарни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш ҳақидаги қарор устидан суд тартибида шикоят берилиши мумкин.

18-модда. Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг жавобгарлиги

Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси жавобгар бўлмайди. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар.

Шартнома мажбуриятларига риоя этмаган тақдирда ташқи иқтисодий фаолиятнинг субъектлари қонунларда ва тузилган шартномаларда кўзда тутилган мулккий ва бошқача тарзда жавобгар бўладилар.

Шартнома талабларини бузганлик учун жарималарни тўлаш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш айбдор томонни мажбуриятларни бажаришдан, башарти қонунда ёки шартномада ўзга ҳол назарда тутилмаган бўлса, озод этмайди.

19-модда. Низоларни ҳал этиш

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш натижа-сида келиб чиқадиган низолар судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва ҳамма томонидан эътироф этилган, халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

20-модда. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Ушбу Қонуннинг ва ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузганлик учун айбдорлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ гражданлик-ҳуқуқий, маъмурий тартибда ва жиноий жавобгар бўладилар.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 14 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги
Қонунига биноан киритилган ўзгартишлар билан)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ҳамда тартибини белгилаб беради. Қонун чет эл капиталига кафолатлар таъминлаб беради, Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантиришга, республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий системасига қушилишига кўмаклашиш мақсадида чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, хорижнинг замонавий технологияси ва бошқарув соҳасидаги тажрибасини жалб этишга ва улардан самарали фойдаланишга қаратилгандир.

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Чет эллик инвесторлар

Ўзбекистон Республикасида:

хорижий давлатлар;

ажнабий юридик шахслар;

ҳалқаро ташкилотлар;

ажнабий фуқаролар, фуқароларнинг уюшмалари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

чет элда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эллик инвесторлар бўлишлари мумкин.

2-модда. Чет эл инвестициялари

Чет эл инвестициялари деганда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига чет эллик инвесторлар қўшадиган барча турдаги мулккий, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Бундай бойликлар:

пул маблағлари, аниқ мақсадли банк омонатлари, улушлар, акциялар, суғурта полислари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлардан;

кўчар ва кўчмас мол-мулкдан (бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар ва бошқа моддий бойликлар);

муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган мулккий ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа интеллектуал бойликлардан;

Ўзбекистон Республикасининг, унинг юридик шахслари ва фуқароларининг эгалигидаги ердан, мол-мулкдан ҳамда табиий бойликлардан фойдаланишга чет эллик инвесторлар сотиб олган ижара ҳуқуқидан;

ўзга бойликлардан иборат бўлиши мумкин.

3-модда. Чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ҳамда фуқаролари билан биргаликда барпо этилган корхоналар, банклар, суғурта компаниялари ва бошқа ташкилотларда улуш қўшиб қатнашиш;


бутунлай чет эллик инвесторларга қарашли бўлган корхоналар, банклар, суғурта компаниялари ва бошқа ташкилотларни барпо қилиш;

мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш;

мустақил равишда ёки юридик ва жисмоний шахслар иштирокида мулккий ҳуқуқларни, шу жумладан ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан инвестицияларни амалга оширишлари мумкин.

4-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда чет эллик инвесторларнинг улушбай иштирокидаги (қўшма корхоналар) ва бутунлай чет эллик инвесторларга



қарашли корхоналар (чет эл корхоналари) тушунилади. Бундай корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган ҳар қандай шаклларда амал қилади.

5-модда. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари давлат-ҳуқуқий ҳимояси билан таъминланадилар. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари учун белгиланган тегишли режимга қараганда ноқулай бўлиши мумкин эмас.

Иқтисодиётнинг нуфузли тармоқларига йўлланадиган чет эл инвестициялари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қўшимча имтиёзлар белгилаши мумкин.

6-модда. Фаолият турлари

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган ва бундай корхоналарнинг уставларида назарда тутилган мақсадларга жавоб берадиган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ лицензия олиш керак бўлган фаолият турлари билан шуғулланиш учун чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда лицензия олиши шарт.

И Б Ў Л И М

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

7-модда. Чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари

1. Чет эллик инвестор амалга ошириладиган инвестицияларнинг ҳажмини, турини, йўналишини мустақил белгилайди ҳамда инвестицияларни амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларни ўз хоҳишига кўра жалб этади.

2. Чет эллик инвестор инвестиция объектлари ва натижаларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида такрорий инвестициялар ҳамда савдо операциялари натижаларига Ўзбекистон

Республикаси қонунларига — халқаро ҳуқуқ нормаларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ эгаллик қилишга, улардан фойдаланишга ва уларни тасарруф қилишга ҳақлидир.

Чет эллик инвесторнинг қарорига биноан инвестицияларга, уларнинг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Уқтириб ўтилган ҳуқуқларни ўтказиш вақтида томонларнинг ўзаро муносабатлари шартномалар асосида тартибга солинади.

8-модда. Чет эллик инвесторларнинг мажбуриятлари

Чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга ошириш чоғида:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қонунларга риоя этишлари;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ солиқлар тўлашлари, валюта ажратмалари ва ўзга тўловлари амалга оширишлари;

инвестиция лойиҳаларида санитария-гигиена, экология ва Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқадиган ўзга талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олишлари шарт.

Ш БЎЛИМ

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

9-модда. Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида инвестиция фаолияти амалга оширилаётганда чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳамма томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимоя қилинишига кафолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг кейин қабул қилинган қонунлари инвестициялаш шароитларини ёмонлаштирган тақдирда чет эл инвестицияларига нисбатан ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида инвестицияни рўёбга чиқариш пайтида амал қилиб турган қонунлар қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилгани тақдирда, уларга етказилган зарар ана шу идоралар томонидан суд йўли билан тўланади.

Давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда амалга ошираётган хўжалик фаолиятига аралашिशга ҳақли эмас.

10-модда. Национализация ва реквизиция қилинишдан кафолат

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари национализация қилинмайди.

Чет эл инвестициялари реквизиция қилинмаслиги керак, табиий офат, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар бундан мустасно. Реквизиция қилиш ҳақидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади. Бундай ҳолларда чет эллик инвесторга тўланадиган товон тўлаш бошқаларга тўланадиган товон пули билан баб-баравар бўлиши лозим.

11-модда. Фойдани ва пулни чет эл валютасида ўтказилишининг кафолатлари

Чет эллик инвесторларга уларнинг қонуний фаолият натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларнинг чет элга ўтказилиши кафолатланади.

12-модда. Фойдани тасарруф этиш кафолатлари

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасида олган фойдаси республика ҳудудида такрор инвестиция қилиниши ёки мулк эгасининг ихтиёрига кўра ўзгача тарзда фойдаланилиши мумкин. Чет эллик инвесторлар республика банкларида исталган валютада юритиладиган ҳисоб рақамларига ҳеч қандай чеклашсиз эга бўлишлари мумкин.

Чет эллик инвесторлар ўз ҳисоб рақамларидаги сўмлардан валюта олди-сотдисининг рухсат этилган шакллари доирасида қарор топадиган курслар бўйича чет эл валютаси харид қилиб олишда фойдаланишлари мумкин.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДА КОРХОНАЛАР БАРПО ЭТИШ

13-модда. Қўшма корхона тузиш

Қўшма корхоналар янги юридик шахс ташкил этиш йўли билан ёки чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб турган корхонада улуш сотиб олиши йўли билан барпо этилади.

Қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги қарорни чет эллик инвестор ва Ўзбекистон Республикасидаги корхона эгаси қабул қиладилар.

14-модда. Қўшма корхонанинг устав фондига улуш қўшиш

Қўшма корхонанинг устав фондига ҳар бир қатнашчининг улуш қўшиш муддатлари, ҳажмлари, бу улушни қўшиш ва баҳолаш тартиби таъсис ҳужжатларида назарда тутилади. Қўшма корхонанинг қатнашчилари томонидан корхона устав фондига улуш сифатида қўшилаётган мол-мулкнинг қиймати қатнашчилар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади.

Қўшма корхонанинг қатнашчилари ушбу корхонанинг таъсис ҳужжатларида белгиланган муддатларда корхона устав фондига улуш тўлиқ ўтказилишини таъминлашлари керак.

Қўшма корхона рўйхатга олинганидан кейин бир йил ўтгач ҳар бир қатнашчи томонидан таъсис ҳужжатларида кўрсатилган улушнинг 50 фоизи устав фондига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаса, ушбу қўшма корхонани рўйхатга олган идора корхонани рўйхатга олинмаган деб топади ва уни қўшма корхоналарнинг реестридан чиқаради. Қўшма корхона реестрдан чиқарилганлиги тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

15-модда. Чет эл корхонаси очиш

Бир ёки бир нечта чет эл инвестори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл корхонасини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ очиши мумкин.

16-модда. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатга оли-

ниши лозим ва у рўйхатга олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

У Б У Л И М

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

17-модда. Филиаллар ва ваколатхоналар

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шуъба корхоналар, шунингдек юридик шахс бўлмаган филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари очилиши мумкин.

18-модда. Корхоналарнинг хўжалик уюшмалари

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ихтиёрий асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уюшмалар, концернлар, консорциумлар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин.

19-модда. Валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаши

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг чет эл валютасидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари ҳисобидан, шунингдек чет эл валютасини олишнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида рухсат этилган бошқа манбалари ҳисобидан таъминланиши керак. Уларнинг валюта билан ўз харажатларини ўзи қоплаши ташкил этилаётган бирлашмалар, консорциумлар ва бошқа ташкилий структуралар доирасида ҳам таъминланиши мумкин.

20-модда. Маҳсулотни экспорт ва импорт қилиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилишга ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда ички бозорда реализация қилиш учун маҳсулот импорт қилишга ҳақлидир. Ўзи ишлаб чиқарган, экспортга етказиб берилмайдиган маҳсулотни ҳамда ўзининг эҳтиёжлари учун корхона томонидан импорт қилинадиган маҳсулотни аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси товар яратилишининг жаҳон амалиётига монанд қоидалари асосида белгилаб беради.

Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилишдан олинган валюта тушумлари белгиланган солиқлар ва ажратмалар тўланганидан кейин тўлиқ корхонанинг тасарруфида қолади.

21-модда. Бож олиш

Инвесторнинг қўшадиган ҳиссаси сифатида Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган мол-мулк божхона пошлиналари тўлашдан озод қилинади ва унга импорт солиғи солинмайди.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг ажнабий ходимлари Ўзбекистон Республикасига ўз эҳтиёжлари учун олиб кирадиган мол-мулк божхона пошлиналари тўлашдан озод қилинади.

22-модда. Суғурта

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг мол-мулкни ва таваккал ҳаракатини суғурта қилиш унинг хоҳишига қараб амалга оширилади.

23-модда. Солиқ солиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлайдилар. Солиқларга доир қонунларда назарда тутилган имтиёзлардан ташқари республика ҳудудида уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

24 - модда. Чет эл инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини назорат қилиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлари талабларига риоя этишини назорат қилиш бўйича махсус вазибаларни бажарувчи солиқ ва бошқа давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида назорат қиладилар.

Корхоналар мазкур идораларга назорат қилиш учун ўз фаолиятлари тўғрисида зарур ахборот берадилар. Назорат қилувчи идора тижорат сири сақланишини таъминлаши шарт. Тижорат сирини ошкор қилиш қонун билан таъқиб этилади.

Солиқ солиш мақсадида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ инспекцияси бундай текширишни ўтказиш учун вакил қилган аудитор ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

25 - модда. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида белгиланган тартибда ҳисоб ва ҳисоботни олиб боради.

26 - модда. Мажбуриятларнинг таъминланиши

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ўзига қарашли мол-мулкдан ўзининг барча турдаги мажбуриятларини, шу жумладан қарз маблағларини жалб этишни таъминловчи сифатида фойдаланиши мумкин. Унинг биноларга, иншоотларга, асбоб-ускуналарга нисбатан мулккий ҳуқуқлари, шунингдек бошқа мулккий ҳуқуқлари ўз мажбуриятларини таъминловчи сифатида амал қилиши мумкин, ерга ва бошқа табиат ресурсларига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқи бундан мустасно.

27 - модда. Интеллектуал мулк

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўз ҳужжатлари билан тасдиқланган топшириқларга мувофиқ яратилаётган интеллектуал мулк объектлари хусусида ўз ходимлари билан шартномалар тузади.

Ўзбекистон Республикасидаги чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар ихтироларга патент олиш ҳамда саноат намуналарини жорий этишни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширадилар.

28 - модда. Меҳнат муносабатлари

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонада ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, шу жумладан ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш, меҳнат ва дам олиш режими, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, кафолатлар ва товонлар жамоа шартномаси (битими) ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат шартномалари (контрактлари) билан тартибга солинади.

Жамоа ва (ёки) якка тартибдаги меҳнат шартномаларида кўзда тутилган шартлар ушбу корхона ходимларининг аҳволини Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган шартларга қараганда ёмонлаштириши мумкин эмас.

29 - модда. Ажнабий ходимларни жалб этиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари, маъмурияти, назорат кенгаши аъзолари таркибига ажнабий фуқаролар кириши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг ажнабий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга, уларга отпускалар беришга, уларнинг пенсия таъминотига доир масалалар ҳар бир ходим билан якка тартибда тузилган меҳнат шартномаларида (битимларида) ҳал этилиши лозим. Бу ходимлар оладиган иш ҳақларини ва қонуний йўл билан топилган бошқа даромадларини чет давлатларга ўтказишлари мумкин.

30 - модда. Ижтимоий суғурта ва таъминот

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимларини ижтимоий суғурта қилиш ва уларнинг ижтимоий таъминоти (ажнабий ходимларнинг пенсия таъминотидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона ажнабий ходимларнинг пенсия таъминоти учун ана шу ходимлар доимий истиқомат қилувчи мамлакатнинг тегишли фондларига валютада тўловлар ўтказилади.

Корхона Ўзбекистон Республикаси ходимларининг ва чет эллик ходимларнинг давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ажратмаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ходимларининг пенсия таъминотига ажратмаларни амалдаги қонунларга мувофиқ тўлайди.

31-модда. Қўшма корхонанинг фондлари

Қўшма корхоналарда уларнинг фаолияти, жамоани ижтимоий ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун заҳира фонди ва бошқа фондлар яратилади. Заҳира фонди устав фондининг 25 фоизигача миқдорда тузилади. Заҳира фонди ҳар йили ҳам рубль, ҳам чет эл валютасида пул ажратиш ҳисобига ташкил этилади. Заҳира фондига йиллик ажратмаларнинг миқдори ва валютанинг тури қўшма корхона томонидан мустақил белгиланади.

Бошқа фондларнинг рўйхати, уларни тузиш ва харажат қилиш тартиби қўшма корхона томонидан мустақил тарзда белгиланади.

32-модда. Қайта ташкил этиш ва тугатиш

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона мустақил равишда ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона тўплаган активларга корхона тугатилган вақтда уларнинг реал қиймати бўйича солиқ солиниши керак.

Мол-мулкнинг қолган қисми, агар таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг қатнашчилари ўртасида корхона мол-мулкидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда ишдан бўшатилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қонунларга мувофиқ рўйжа этиш кафолатланади.

33-модда. Қўшма корхонадан чиқишда мол-мулкни тақсимлаш

Чел элик инвестор қўшма корхонадан бутунлай чиққанда ёки бу корхона тугатилган тақдирда корхона мол-мулкидаги ўз улушини бозор қийматида мувофиқ пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда бошқа қатнашчиларга қўшма корхонадан чиқаётган ажнабий қатнашчининг улушини сотиб олиш ҳуқуқи берилмайди.

**ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОРЛАРНИНГ ҚИММАТБАҲО
ҚОҒОЗЛАР СОТИБ ОЛИШИ**

34-модда. Давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш

Чет эллик инвестор давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини қонунларда белгилаб қўйилган тартибда сотиб олади.

35-модда. Юридик шахсларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш

Чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга ҳақлидирлар. Уларни сотиб олиш тартиби ва шартлари қонунлар билан белгилаб қўйилади.

**ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОРЛАРНИНГ ЕРДАН
ФЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ ОЛИШИ.
ИЖАРА ВА КОНЦЕССИЯ ШАРТНОМАЛАРИ**

36-модда. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини олиш

Чет эллик инвесторларга ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга шартнома шартларида кўрсатилган муддатга ер ижарага берилиши мумкин.

Бинолар ва иншоотларга эгалик қилиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган вақтда шу объектлар билан бирга ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланадиган тартибда ва шартлар билан бошқа шахсга ўтади.

37-модда. Ижара

Чет эллик инвесторларга мол-мулкни ижарага бериш ижарага берувчи томонидан шартномалар асосида ҳамда қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ булган умум-республика мулкни ижарага бериш ана шу мулкни идора этишга вакил қилинган давлат идорасининг рухсати билан амалга оширилади.

38 - модда . Концессия шартномалари

Чет эллик инвесторларга табиат ресурсларини қидириш, олиш ва улардан фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун концессия бериш чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг ваколатли идоралари билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузадиган концессия шартномалари асосида амалга оширилади.

Башарти, шартномада бошқача ҳол қайд этилган бўлмаса, концессия шартномаси талабларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

VIII БЎЛИМ

НИЗОЛАРНИ ҚАРАБ ЧИҚИШ ВА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

39 - модда . Низоларни қараб чиқиш тартиби

Чет эллик инвесторлар билан Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари ўртасидаги низолар, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси судларида кўрилиши керак.

Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси корхоналари, жамоат ташкилотлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслари билан низолари, инвесторлар билан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўртасидаги улар фаолияти билан боғлиқ масалаларга доир низолар Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судларида, шунингдек томонларнинг келишувига мувофиқ холислар текшируви тартибида, шу жумладан чет элда қараб чиқилиши лозим.

40 - модда . Халқаро шартномалар

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагига қараганда бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартноманинг қоидалари қўлланилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 14 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУЛКЧИЛИК ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодийнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилишига қонун кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси мулкдорга қарашли бўлган мол-мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Мулкчилик муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу қонун билан ҳамда уларни ривожлантириш юзасидан чиқарилган қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОНДАЛАР

1-модда. Мулккий ҳуқуқ

1. Ўзбекистон Республикасида мулккий ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади.

2. Мулкдор ўз ихтиёрига кўра ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади.

Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишдан фойдаланиши мумкин.

3. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга беришга фақат ўзи ҳақлидир. Ўзбекистон

Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда, мулкдорнинг зиммасига бошқа шахсларнинг унинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйиш вазифаси юкланиши мумкин.

4. Мулкдор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар ва доира чегарасида ўзига тегишли мулккий ҳуқуқни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида улар билан шартнома тузишга ҳақлидир.

Фуқаронинг меҳнатидан фойдаланишга асос бўлган мулкнинг қай шаклда эканидан қатъи назар, фуқарога амалдаги қонунлар кўзда тутилган меҳнат ҳақи бериш ва меҳнат шартномага яратиш, шунингдек бошқа ижтимоий-иқтисодий кафолатлар билан таъминланади.

5. Мулккий ҳуқуқнинг амалга оширилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва давлатнинг ҳуқуқларини бузмаслиги ҳамда қонун билан мўҳофаза қилинадиган манфаатларига путур етказмаслиги керак.

2-модда. Мулккий ҳуқуқ объектлари

1. Қуйидагилар мулк объектларидир:

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар; инсоннинг унумли ва ижодий меҳнат қилиш қобилияти;

2. Ихтиролар, кашфиётлар, фан, адабиёт, санъат асарлари, ахборот, илмий ғоялар, техник ишланмалар ва ақлий ижоднинг бошқа объектларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш хусусидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг махсус Қонунлари билан тартибга солинади.

3. Тарих ва маданият ёдгорликларига мулккий ҳуқуқни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари билан белгиланиб берилади.

4. Мол-мулкдан хўжаликда фойдаланиш натижалари (маҳсулот ва даромадлар), қонун ёки шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, шу мол-мулк эгасига тегишлидир.

3-модда. Мулккий ҳуқуқ субъектлари

Ўзбекистон Республикасида давлат, жумҳурият фуқаролари, коллективлар, уларнинг уюшмалари, жамоат ва

диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва бошқа бирлашмалари, халқ депутатларининг барча Советлари уларнинг ўзи вакил қилган органлар сиймосида, ажнабий давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа хорижий юридик шахслар ва фуқаролар мулкӣ ҳуқуқ субъектларидир. Турли юридик шахслар ва фуқаролар битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин.

4-модда. Мулк шакллари

1. Ўзбекистон Республикасида мулк қуйидаги шаклларда бўлади:

фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки;

коллектив (ширкат) мулки, шу жумладан оилавий, маҳалла, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акциядорлар жамияти, давлат корхонаси коллективининг, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар концерн (консорциум)ларининг мулки, турли хўжалик бирлашмалари ва уюшмалари мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки;

Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-территориал тузилмалар (коммунал) мулкидан иборат давлат мулки;

аралаш мулк;

қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, ташкилотлар ва давлат, шунингдек ажнабий юридик шахслар мулки шаклида юзага чиқади.

2. Ўзбекистон Республикасида мулкнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқлидир.

5-модда. Ҳақ ундириб олишни мулкдорнинг мол-мулкига қаратиш

1. Юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириб олиш мулк ҳуқуқи, тўла хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган мол-мулкка қаратилиши мумкин.

Мулкдор ўзи вужудга келтирган юридик шахсларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, бу юридик шахслар эса мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Фуқаролар ўз мажбуриятлари бўйича мулкӣ ҳуқуқ асосида ўзларига тегишли бўлган мол-мулк билан жавоб берадилар.

Фуқароларнинг қарз берувчилар даъволарига биноан ҳақ ундириш тарзида олиб қўйилиши мумкин бўлмаган

мол-мулклари рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

И Б У Л И М

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУЛКИЙ ҲУҚУҚИ

6-модда. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг мулки яқка тартибдаги мулк: шахсий ва хусусий мулкдан иборат бўлади. Мулкнинг бу шакллари фуқароларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан ҳамда кредит муассасаларга қўйилган маблағдан олган даромадларидан, акциялардан ва бошқа қимматли қоғозлардан, мерос буйича ёки қонун йўл қўядиган бошқа асосларга мувофиқ вужудга келади ва кўпайиб боради.

2. Фуқаро меҳнат шартномасига биноан ўзи ишлаб турган корхона, бошқа хўжалик ташкилоти мол-мулкига мулкдорнинг розилигига асосан ўз пулини ёки бошқача ҳиссасини қўшишга ва бундай корхонанинг олган фойдасини (даромадини) тақсимлашда шу ҳисса миқдорини ҳисобга олган ҳолда қатнашишга ҳақлидир.

3. Шахсий ёрдамчи хўжалик, боғдорчилик-полизчилик хўжалиги юритиш, уй-жой бинолари қуриш ва уларга қараб туриш, қонунда кўзда тутилган бошқа эҳтиёжларни қондириш учун фуқароларга умрбод эгалик қилиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер берилади.

4. Фуқароларнинг мол-мулкни умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи эътироф этилади ва қонун билан муҳофаза қилинади.

7-модда. Фуқароларнинг шахсий мулки

1. Уй-жойлар, дала ҳовлилар, боғ уйлари, ер участкасидаги дов-дарахтлар, уй ҳайвонлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, уй-рузғор ва шахсий истеъмол буюмлари, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритиш, боғдорчилик, полизчилик учун керакли мол-мулклар, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шунингдек истеъмолга мўлжалланган бошқа мол-мулк фуқаролар мулки бўлиши мумкин.

Фуқаро ўзининг меҳнат қилиш қобилияти — иш кучига фақат ўзи эгалик қилади. У бу ҳуқуқни мустақил равишда ёки меҳнат шартномаси асосида амалга оширади.

2. Уй-жой кооперативининг, уй-жой қуриш, дала ҳовли, гараж кооперативи ёки бошқа кооперативнинг

аззоси фойдаланиш учун ўзига бериб қўйилган хонадон, дала ҳовли, гараж, бошқа иморат ёки бино учун пай бадалини батамом тўлагач, шу мол-мулкнинг эгаси ҳуқуқини олади.

Давлат ва жамоат уй-жой фондининг уйидан турар жойни ижарага олган киши ва унинг оила аъзолари мулкдордан тегишли хонадон ёки уйни сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур мол-мулкни мулк қилиб сотиб олганидан кейин фуқаро уни ўзи хоҳишига кўра тасарруф этишга — сотишга, васият қилиб қолдиришга, ижарага беришга, унинг юзасидан қонунга зид бўлмаган бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

8-модда. Хусусий мулк

Хусусий мулк даромад олиш мақсадида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини ифодалайди.

Ҳар қандай шаклдаги хусусий мулк мулкдорнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ўз меҳнатидан фойдаланиш ёки ёлланма меҳнатни қўллашликка асосланади. Хусусий мулк давлат, кооператив ёки бошқа корхоналарнинг мулкни тўлиқ ёки қисман сотиб олишликка, ижара мулкни сотиб олиш, ёки қонун йўл қўйган асосда эгалик қилишликдан иборат.

Хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

Ш БЎЛИМ

КОЛЛЕКТИВ (ШИРКАТ) МУЛКИ

9-модда. Умумий қоидалар

1. Коллектив (ширкат) мулки оила, маҳалла мулки, шунингдек кооперативлар мулкни, ижарага олинган акцияли ҳамда коллектив корхоналарнинг мулкни, ижтимоий ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва уюшмаларнинг ҳамда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа бирлашмаларнинг мулкни ўз ичига олади.

2. Коллектив мулкнинг ҳосил бўлиши ва кўпайиб бориши давлат корхоналарини ижарага бериш, меҳнаткашлар коллективларига олинган даромадлардан давлат мол-мулкни сотиб олиш учун фойдаланиш имконини бериш билан, давлат корхоналарини акциядорлар жами-

ятларига айлантириш билан, фуқароларнинг ва юридик шахсларнинг мол-мулкни кооперативлар, акциядорлар жамияти ва бошқа хўжалик жамиятлари ҳамда ширкатларини тузиш учун ихтиёрий бирлаштириш билан таъминланади.

3. Коллектив мулкнинг турли шаклларига берилмайдиган корхоналар ва ишлаб чиқаришларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан аниқланади.

10-модда. Оилавий мулк

Оила аъзоларининг мулки оилавий мулкдир. Бу мулк оиланинг яшаши учун, оила аъзоларининг биргаликдаги эҳтиёжларини қондириш, уй-рўзғор ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳамда даромад олиш мақсадидаги қонун рухсат берган фаолият учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларини ва истеъмол буюмларини, яратилган маҳсулотни ўз ичига олади.

Оилавий мулк ҳуқуқи ўз субъектларининг ҳар бирига айнан тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкдан иборат бўлиши мумкин.

11-модда. Маҳалла мулки

1. Ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг бошланғич бўлинлари — маҳаллалар эгалик қиладиган, фойдаланиладиган ва тасаруф этадиган мол-мулк маҳалла аҳолисининг биргаликдаги меҳнат фаолияти ёки уларнинг муштарак даромадлари, шунингдек мазкур мол-мулкдан хўжалик мақсадларида фойдаланишдан келган тушумлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ихтиёрий тўловлари ва моддий ёрдамлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари берадиган молиявий маблағлар асосида вужудга келтирилган мол-мулкдан иборат.

2. Маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли маҳалла мулкнинг субъектидир. Ўзи сайлаб қўйган органлар — маҳалла мулкни тўла хўжалик юритиш асосида эгаллайди, ундан фойдаланади ва тасаруф этади.

12-модда. Кооператив мулк

1. Хўжаликни биргаликда юритиш ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш учун аъзолик ихтиёрий бирлашган фуқароларнинг биргаликдаги мулки — кооператив мулкдир.

2. Кооператив мулк унинг аъзолари берган пул ёхуд бошқа мол-мулк шаклидаги бадаллар, улар ишлаб чиқарилган маҳсулот ва уни сотишдан ҳамда кооператив

уставида назарда тутилган бошқа фаолиятдан келадиган даромад ҳисобига ташкил топади ва кўпайиб боради.

3. Кооператив тугатилган тақдирда бюджет, банклар ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулк кооператив аъзолари ўртасида тақсимланади.

13-модда. Ижарага олинган корхона мулки

Ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромадлар ва ижарага олинган корхона маблағи ҳисобидан қўлга киритилган бошқа мол-мулк шу корхона коллективининг мулкидир.

Ижарага олинган корхона меҳнат коллективи аъзоларининг коллектив ишларини идора қилишда иштирок этиш ҳамда фойда (даромад)ни тақсимлаш тартиби ва шартлари ижара тўғрисидаги қонун асосида белгиланади.

14-модда. Коллектив корхонасининг мулки

1. Коллектив корхонасининг мулки давлат корхонасининг бутун мол-мулки меҳнат коллективининг мулкига ўтган, ижарага олинган мол-мулк сотиб олинган ёки қонунда кўзда тутилган бошқа усуллар билан мол-мулк қўлга киритилган тақдирда вужудга келади.

Коллектив корхонасининг мол-мулки, шу жумладан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадлар коллективнинг умумий мулкидир.

2. Коллектив корхонасининг мол-мулки таркибида унинг ходимлари қўшган ҳиссалар белгилаб қўйилади. Бундай ҳисса таркибига ходимларнинг коллектив корхонаси вужудга келишига асос бўлган давлат корхонаси ёки ижарага олинган корхона мулкига қўшган умумий суммаси, шунингдек мазкур корхона вужудга келтирилганидан кейин ходим корхона мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улушлари киради.

Ходимнинг мол-мулкни кўпайтиришга қўшган улуши миқдори корхона фаолиятида ўз меҳнати билан иштирок этганига қараб аниқланади ҳамда хўжалик фаолияти натижаларига асосланиб шу улушга меҳнат коллектив белгилайдиган миқдорда процентлар ажратилади ва тўланади.

Корхона билан меҳнат муносабатларини тўхтатган ходимга, шунингдек вафот этган ходимнинг ворисларига қўшилган ҳиссасининг қиймати берилади.

Коллектив корхонаси тугатилган тақдирда ҳиссанинг қиймати ходимларга (уларнинг ворисларига) бюджет,

банклар билан ва бошқа қарз берувчилар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкдан тўланади.

15-модда. Акцияли жамиятнинг мулки

1. Акцияли жамият акциялар сотиш ҳисобига ҳосил бўлган, шунингдек ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган ва қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкнинг эгасидир.

2. Корхона, муассасалар, ташкилотлар, давлат идоралари, Ўзбекистон Республикаси, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек юридик шахслари, қонун ҳужжатларида ёки жамиятнинг уставига бошқа тартиб кўзда тутилган бўлмаса, акция эгалари бўлиши мумкин.

3. Меҳнат коллективи ҳамда ваколат берилган давлат органининг биргаликдаги қарорига асосан, давлат корхонаси корхонанинг бутун мол-мулки қиймати миқдорида акциялар чиқариш йўли билан акцияли жамиятга айлантирилиши мумкин. Акцияларни сотишдан олинган маблағ давлат корхонасининг қарзлари қопланганидан кейин тегишли бюджетга тушади.

16-модда. Хўжалик жамияти ва ширкатининг мулки

1. Юридик шахслар ҳисобланган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг мулки улар иштирокчиларининг қўшган ҳиссаси ҳисобидан, хўжалик фаолияти натижасида олинган ҳамда улар томонидан қонунда йўл қўйиладиган бошқа асосларда қўлга киритилган мол-мулкдан ҳосил бўлади.

2. Хўжалик жамияти ва ширкати қатнашчиси қўшган ҳисса таркибига асосий ва оборот фондлар, пул маблағлари ва қимматли қоғозлар, шунингдек мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи кириши мумкин.

3. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат идоралари, шунингдек фуқаролар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, хўжалик жамиятининг ва ширкатининг иштирокчилари бўлиши мумкин.

17-модда. Хўжалик уюшмалари (бирлашмалари)-нинг мулки

1. Корхона ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмаси (шу жумладан концерн, тармоқ, тармоқлараро ва территориал бирлашма) унга корхона ва ташкилотлар ихтиёрий равишда берган, шунингдек унинг ўз хўжалик фаолияти натижасида олинган мол-мулкнинг эгасидир.

2. Хўжалик уюшмаси унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас.

3. Хўжалик уюшмасининг фаолияти тўхтатилгандан кейин қолган мол-мулк унга кирган корхона ва ташкилотлар ўртасида келишув асосида ҳамда уларнинг қўшган ҳиссаларини (улушларчини) эътиборга олган ҳолда тақсимланади.

18-модда. Жамоат бирлашмаларининг мулки

1. Жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, шу жумладан халқ фронтлари, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ветеранлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар, ижодий иттифоқлар, фондлар, уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари)нинг мулкида улар уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, асбоб-ускуналар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадларига хизмат қиладиган мол-мулк, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар ва мол-мулк бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари мулкида, шу бирлашмалар маблағлари ҳисобидан уларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ вужудга келтириладиган корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари аъзо бўлиш ва аъзолик бадалларидан, агар уларни тўлаш уставларда кўзда тутилган бўлса; ихтиёрий бадаллар, хайр-эҳсонлар; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт ва бошқа тadbирлардан, лотереялардан тушган маблағлар; ишлаб чиқариш-хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинган даромадлар; қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

Уюшмалар ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг шу уюшмаларга қарашли мол-мулкдан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги ваколатлари уюшмалар ва бирлашмаларнинг уставлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ жамоат уюшмаларининг мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамоат уюшмалари ўз уставларида ёзиб қўйилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ҳамда қонунларда белгиланадиган тартибда чет элдан келадиган пул

маблагларини ҳамда бошқа мол-мулкни олишлари мумкин.

Сиёсий мақсадларни кўзлайдиган партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар хорижий ташкилотлар ва фуқаролардан молиявий ва ўзга моддий ёрдам олишга ҳақли эмаслар.

2. Жамоат уюшмалари тугатилганидан кейин қолган мол-мулк унинг уставида кўзда тутилган мақсадларда ишлатилади.

19-модда. Диний ташкилотларнинг мулки

1. Диний ташкилотларнинг мулкида бинолар, диний буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ҳайрия аҳамиятига эга бўлган объектлар, диний ташкилотларнинг фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағларига сотиб олган ва барпо этган, фуқаролар, ташкилотлар эҳсон қилган ёки давлат томонидан берилган ва қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар чет элдан келадиган ва чет элда бўлган мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳайрия мақсадларида мол-мулк беришга йўл қўйилади.

Диний ташкилотлар ихтиёрий суратда молиявий ва бошқа хайр-эҳсон қилишни сўраб мурожаат этишга ва уларни олишга ҳақлидирлар.

2. Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мол-мулк тарзидаги хайр-эҳсонлар, шунингдек фуқаролардан келадиган пул тушумларининг ҳамма турларига солиқ солинмайди.

IV БЎЛИМ

ДАВЛАТ МУЛКИ

20-модда. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси мулки, маъмурий-территориал тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради. Давлат мулкини халқ номидан (маъмурий-территориал тузилма аҳолиси номидан) тегишли халқ депутатлари Советлари ва улар ваколат берган давлат органлари тасарруф этадилар ва бошқарадилар.

Давлат мулкининг эгалари ўртасидаги келишувга биноан бу мулк уларнинг умумий мулки бўлиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг, маъмурий-территориал тузилманинг бюджет ёки бошқа маблағлари ёхуд улар ихтиёридаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маблағи ҳисобига ҳосил қилинади ёки сотиб олинadиган мулк тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг, Қорақалпоғистон Республикасининг мулки ёки маъмурий-территориал тузилманинг мулки бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва маъмурий-территориал тузилмаларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-территориал тузилма эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

21-модда. Республика мулкининг объектлари

Ўзбекистон Республикасининг мутлақо мулкига:

ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, республика ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва идора органларининг мол-мулки;

республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари;

республика бюджетининг маблағлари, республика ва давлат аҳамиятидаги банклари, суғурта, резерв фондлари ва бошқа давлат фондлари.

Давлат мулки асосида вужудга келган корхоналар ва халқ хўжалиги комплекслари (ёқилғи-энергетика, кон-металлургия, машинасозлик, нефть-газ, химия-ўрмон, агро-саноат, транспорт комплекси), давлат олий ўқув юртлари, ижтимоий-маданий соҳа объектлари ҳамда республиканинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминладиган бошқа мол-мулклар кирadi.

22-модда. Республика мулкининг субъекти

Халқ республика мулкининг субъектидир. Мулкчилик ҳуқуқини халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва маҳаллий ҳокимият идоралари амалга оширадilar.

23-модда. Ўзбекистон Республикасининг республикадан ташқаридаги мулки

Бошқа республикалар ва хорижий давлатларда бўлган давлат, кооператив мол-мулкдан, жамоат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг

нинг мол-мулкига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда мол-мулк жойлашган давлатларнинг қонунлари билан, шунингдек халқаро ҳуқуқ нормалари ва шартномалар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси бу мулк эгаларига уни ҳимоялашда кўмаклашади.

24 - модда. Ерга ва бошқа табиий бойликларга мулкчилик

1. Ер ва ер ости бойликлари, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумҳурият ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси Ўзбекистон Республикасининг мустасно мулкидир.

2. Ўзбекистон Республикаси номидан ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий бойликларга эгалик қилиш ҳуқуқини барча даражадаги халқ депутатлари Советлари уларга берилган ваколатлар асосида амалга оширадилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси томонидан умумреспублика эҳтиёжларини таъминлаш учун ер, ер участкалари ва бошқа табиий объектларни бериб қўйиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги битим билан белгиланади.

25 - модда. Қорақалпоғистон Республикасининг мулкый ҳуқуқи

Қорақалпоғистон Республикасининг мулкый муносабатлари "Қорақалпоғистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

26 - модда. Давлатлараро мулк

Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан бир-галликда давлатлараро мулкни вужудга келтириши мумкин.

Бу мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳар бир давлатнинг қўшган ҳиссалари (улушлари) асосида амалга оширилади.

Сув ресурсларидан, ҳаво ҳавзасидан ва давлатлараро манфаатларга дахлдор бўлган бошқа мулк турларидан фойдаланиш қатъиян шу республикалар ўртасидаги битим асосида олиб борилади.

27 - модда. Маъмурий-территориал тузилма мулкнинг объектлари (коммунал мулк)

Қуйидагилар область, район, шаҳар ёки бошқа маъмурий-территориал тузилма мулкнинг объектларидир: ҳо-

кимият ва бошқарув идораларининг, маъмурий-территориал тузилмаларнинг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, халқ депутатлари маҳаллий Советининг уй-жой фонди ва турар-жой-коммунал хўжалиги, шунингдек саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо-сотиқ, маиший хизмат, транспорт корхоналари, бошқа корхона ва комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда территорияни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш учун ва тегишли маъмурий-территориал тузилмалар олдида турган бошқа вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ўзга мол-мулклар. Республика мулкани коммунал мулкка ўтказиш тартиби ҳар икки томоннинг келишувига биноан белгиланади.

28-модда. Маъмурий-территориал тузилма мулкнинг субъектлари (коммунал мулк)

Тегишли маъмурий-территориал тузилманинг аҳолиси коммунал мулкнинг субъектидир. Аҳоли ўзининг мулккий ҳуқуқини амалга оширишни маҳаллий идораларга беради.

29-модда. Давлат корхонасининг мол-мулки

1. Давлат мулки бўлган ва давлат корхонасига бириктириб қўйилган мол-мулк хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Корхона ўз мол-мулки билан тўла хўжалик юритиш ҳуқуқини амалга оширар экан, мазкур мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади, унга нисбатан ўз хоҳиши билан Қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Тўла хўжалик юритиш ҳуқуқига нисбатан, башарти қонунларда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

2. Давлат мол-мулкни бошқариш ваколати берилган давлат идоралари корхоналарини вужудга келтириш, унинг фаолият мақсадларини аниқлаш, уни қайта тузиш ва тугатиш масалаларини ҳал этадилар, уларга ишониб топширилган давлат мол-мулқидан самарали фойдаланилишини назорат қиладилар ҳамда ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар.

3. Давлат мол-мулкни бошқариш ваколати берилган давлат идораси давлат корхонасини қайта тузиш, жузъийлаштириш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур корхона ночор (банкрот) деб топилган

қоллардан ташқари, меҳнат коллективи корxonани ижарага топшириш ёки уни коллектив мулкка асосланган бошқа корxonага айлантиришда имтиёзли ҳуқуқга эгадир. Бундай ҳолларда давлат идораси билан меҳнат коллективи ўртасида чиққан баҳслар ҳакамлик суди томонидан ҳал этилади.

30-модда. Давлат корxonаси меҳнат коллективи аъзоларининг мулки

1. Давлат корxonасининг солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлаб бўлгандан кейин қоладиган фойдаси (соф фойда) корxonа меҳнат коллективининг мулкига ўтади ва корxonа уставига ҳамда қонунларга мувофиқ фойдаланилади.

2. Меҳнат коллективининг аъзосига тегишли фойда миқдори унинг улуши бўлади.

Корxonа тугатилган тақдирда улуш суммаси (акциялар қиймати) меҳнат коллективи аъзоларига (ворисларга) бюджет, банклар билан ва корxonанинг бошқа қарз берувчилари билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мулкдан тўланади.

31-модда. Давлат муассасасининг мол-мулки

1. Давлат мулки бўлган ва мулкдор томонидан давлат бюджетида турувчи давлат муассасасига (ташкilotига) бириктириб қўйилган мол-мулк шу муассаса (ташкilot)нинг оператив бошқарувида бўлади.

2. Давлат бюджетида турувчи ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик фаолиятни амалга оширишлари мумкин бўлган давлат муассасалари (ташкilotлари) ана шундай фаолиятдан келган даромадларни ва шу даромадлар ҳисобидан орттирилган мол-мулкларни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Давлат муассасаси (ташкilotи) ўз мажбуриятлари юзасидан ўз эгалигидаги пул маблағлари билан жавоб беради. Давлат муассасасининг (ташкilotининг) маблағи етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича тегишли мулкнинг эгаси жавобгар бўлади.

АРАЛАШ МУЛК

32-модда. Аралаш мулк ҳуқуқи

Мулкнинг аралаш шакллари қонунда эътироф қилинган мулкдорларнинг моддий ва пул маблағларини бирлаштириш йўли билан ҳосил қилинади. Аралаш мол-мулкка эгалик қилиш ҳиссавий этиш принципи асосида ҳам, шунингдек ўз маблағларини бирлаштирган мулкдорлар ўртасида даромадларни қўшган улушига қараб тақсимлаш асосида ва томонларнинг келишуви билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Аралаш мулкнинг ўз маблағларини бирлаштираётган мулкдорларнинг мақоми билан белгиланадиган ҳар хил турлари бўлади. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг, турли юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси территориясидаги мол-мулкни бирлаштиришга йўл қўйилади.

ҚЎШМА КОРХОНАЛАР, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАР,
ТАШКИЛОТЛАР ВА ДАВЛАТЛАРНИНГ МУЛКИ

33-модда. Қўшма корхоналарнинг мулки

Ўзбекистон юридик шахслари ва ажнабий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акцияли жамиятлар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари шаклида тузилади ҳамда таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилиши мумкин.

34-модда. Ажнабий фуқароларнинг мулки

Ушбу қонуннинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мулкига тааллуқли қоидалари хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мулкига ҳам тегишлидир.

35-модда. Ажнабий юридик шахсларнинг мулки

Ажнабий юридик шахслар хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саноат корхоналари ҳамда бошқа корхоналарга, бинолар,

иншоотлар, тоат-ибодат, зиёратга хизмат қилувчи объектлар ва бошқа мол-мулкларга эгалик қилишга ҳақлидирлар.

36-модда. Ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мулки

Ажнабий давлатлар ва халқаро ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро шартномаларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда дипломатик, консуллик, ижтимоий-маданий ва бошқа халқаро муносабатларни амалга ошириш учун зарур мол-мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

VIII БЎЛИМ

МУЛКИЙ ҲУҚУҚНИНГ КАФОЛАТИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

37-модда. Мулкий ҳуқуқнинг кафолати

1. Ўзбекистон Республикаси ушбу Қонун билан белгиланган мулкчилик муносабатларининг барқарорлигига кафолат беради. Шунга мувофиқ равишда мулкдорнинг мол-мулкни мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди. Қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

2. Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуқни бекор қиладиган қонун ҳужжатларини қабул қилган тақдирда ана шу ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида мулкдорга етказилган зарар ихтиёрий суратда ёки суд қарори билан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларга, ташкилотларга ва бошқа мулкдорларга уларнинг мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиши учун тенг шароитларни яратиб беради.

38-модда. Мулкий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши

1. Мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф равишда эгаллаб олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қонунларига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкин.

3. Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд, ҳакамлик суди ёки бошқа бетараф суд томонидан амалга оширилади.

4. Ушбу моддада кўзда тутилган ҳуқуқлар гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, мулкдан тўла хўжалик юритиш, уни оператив бошқариш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки қонунда ёхуд шартномада кўзда тутилган бошқа ҳолларда, мол-мулкка эгалик қилувчи шахсга ҳам тааллуқлидир. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

39 - модда. Мулкдорнинг ҳуқуқи қонуний равишда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш

1. Мулкдорга қарашли уй, бошқа бинолар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқи тўхтатилиши оқибатида отказилган зарар мулкдорга батамом тўланади.

Мулкдор норози бўлган тақдирда низо суд, ҳакамлик суди ёки бошқа бетараф суд томонидан ҳал этилмагунича, мулк ҳуқуқининг тўхтатилишига олиб борадиган қарор амалга оширилиши мумкин эмас. Мулкдорга отказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ барча масалалар ҳам низони кўриб чиқиш жараёнида ҳал этилади.

2. Мулкдор мол-мулкнинг давлат томонидан олиб қўйилишига мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириш шу мулкка қаратилган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда, шунингдек реквизиция ва мусодара тартибда йўл қўйилади.

Табиий офатлар, фалокатлар, юқумли касалликларнинг тарқалиши, ҳайвонларда касалликнинг кенг ёйилиши ва фавқулодда рўй берадиган бошқа ҳолатларда мол-мулк давлат ҳокимияти идораларининг қарорига биноан жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда мулкдорлардан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар билан мажбурий тарзда олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин ва унга мулкнинг қиймати тўланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда суднинг, ҳакамлик судининг қарорига биноан мол-мулк мусодара қилиниши мумкин.

40 - модда. Мулкдорларнинг ҳуқуқини бузувчи ҳуж-
жатларнинг ҳақиқий эмаслиги

Давлат бошқаруви идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг ва бошқа шахсларнинг ўзларига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш борасидаги ҳуқуқлари бузилган тақдирда бундай ҳужжат мулкдорнинг ёки ҳуқуқи бузилган шахснинг даъвосига биноан суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилади.

Мазкур ҳужжатларни чиқариш оқибатида фуқароларга, ташкилотлар ва бошқа шахсларга етказилган зарарлар тегишли ҳокимият ёки идора органи ихтиёридаги маблағ ҳисобидан тўла-тўқис қопланиши шарт.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1990 йил 31 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ Қ О Н У Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДА

І. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди ва унинг ташқарисиди ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади.

2-модда. Тенг фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар барча учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкый ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенгҳуқуқлиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаросидир.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида қабул этилган ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг шу Қонунга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса — туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг намуналарини, уларни бериш тартиби ва шартларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

6-модда. Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда фуқароликнинг сақланиб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди.

7-модда. Чет элда яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшашаи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига олиб келмайди.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда давлат томонидан ҳимоя қилиниши

Чет элда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси, унинг дипломатия ваколат-хоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўзлари борган мамлакат қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароси борган давлат қатнашаётган шартномалар ҳамда халқаро одатлар билан бериб қўйилган ҳамма ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чоралар кўришлари, уларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишлари, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришлари шарт.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

Алоҳида ҳолларда, хорижий давлат фуқаролари бўлмиш ватандошлар, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ёки бувилари бир вақтлар мавжуд тузум туфайли ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, ўз илтимосларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши махсус комиссиясининг хулосасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ҳам қабул қилинишлари мумкин.

11-модда. Фуқаролиги бўлмаган шахслар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб ҳисобланади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ

12-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади:

- 1) туғилганда;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
- 4) Ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

13-модда. Ота-онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги

Туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

14-модда. **Онаси ёки отаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги**

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган қуйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса;

2) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгилаиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

15-модда. **Фуқаролиги бўлмаган шахслар болаларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши**

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

16-модда. **Ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги**

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик.

Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганлигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасида катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

18 - модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш

Илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкин.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

19 - модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилиши асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- 1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;
- 4) Ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхталишига сабаб бўлади.

20 - модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбуриятларини бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишни илтимос қилувчи шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсиз-

лиги манфаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

21 - модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш

Қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларига ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади.

IV. ОТА-ОНАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАНДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

22 - модда. Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда болалар фуқаролигининг ўзгариши

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтганда ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Агар боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, ана шу ота ёки онанинг фуқаролиги ўзгарганида 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам тегишли суратда ўзгаради.

23 - модда. Васийлик ёки ҳомийликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз отаси ё бўлмаса онаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқсалар ва айни вақтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар,

ота-она, васий ёки ҳомийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

24 - модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган тақдирда болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

25 - модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилиши мумкин.

26 - модда. Бола фарзандликка олинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Фуқаролиги бўлмаган, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

27-модда. Фарзандликка олинган тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, болани фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

28-модда. Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида улар розилик беришининг зарурлиги

Ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек болалар фарзандликка олинган тақдирда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг фуқаролиги ушбу Қонуннинг 34-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

**V. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ
ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТУВЧИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ
ИДОРАЛАРИ ВА УЛАРНИING ВАКОЛАТЛАРИ**

29-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

30-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

2) чет элда яшаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишли илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш тўғрисида;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисида қарор қабул қилади.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва тегишли ваколатлар берилган унга бўйсунувчи идоралар:

1) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризани зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллайди;

4) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган ҳолларни қайд этади.

32 - модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари:

1) чет элларда доимий яшаб турган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қилади;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;

3) фуқаролик масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллайди;

4) чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайди;

5) чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини қайд этади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшаб турган фуқароларини ҳисобга олади.

VI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АРИЗАЛАР ВА ТАҚДИМНОМАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

33-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризалар топшириш тартиби

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

Чет давлат фуқароси бўлган шахс ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятига мазкур давлатнинг муносабатини кўрсатувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

34-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларнинг шакли

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар аризачининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар хусусидаги илтимосномалар улар вакилларининг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқариш тўғрисида ариза топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Вояга етмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши тўғрисида илтимоснома топширганда, башарти унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, унинг ўз боласининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига муносабати билдирилган аризаси ҳам тақдим этилиши керак. Бундай ариза нотариус томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан бошқа киши аризани имзолайди, бу ҳақда ички ишлар идораси, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага ёзиб қўйилади.

35-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлаш

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза унинг доимий истиқомат жойида ички ишлар идорасига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлашда шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғланаётган вазият бошланган пайтда амал қилиб турган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

36-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни расмийлаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан мурожаат этган тақдирда унинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Узрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар идоралари, тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахслар ёки почта орқали юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар берилганда давлат божи тўланади, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

37-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан хулосалар

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар идораси ёки тегишли дипломатия

ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан асосланган хулосасини чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хулосаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси номига юбордилар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хулосаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг фуқаролар ёхуд давлат, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари муҳим манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкый мажбуриятлари хусусидаги, уни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги, ёхуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукми мавжудлиги ҳақидаги ё бўлмаса мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

38-модда. Аризалар ва тақдимномаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясида дастлабки тарзда кўриб чиқиши

Ушбу Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган фуқароликка оид масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фуқаролик масалалари комиссиясини тузади.

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хулосаларини, бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлар кўрсатмаларини атрофлича баҳолайди.

Башарти, шахс Қорақалпоғистон Республикасига бориб яшамоқчи бўлса, комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг уни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул этиш ёки унинг фуқаролигини тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги, шу жумладан Республикада унга иш, турар-жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрини эътиборга олади.

Комиссия ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан талаб қилиб олишга ҳақлидир, бу давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари эса комиссия белгиланган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар кирилади.

Комиссиянинг қарори баён билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисда қатнашган барча аъзолари имзолайдилар.

39 - модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг қабул этилиши

Фуқаролик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти фармонлар чиқаради.

Агар Фармонда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, фуқароликдаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқарилган кундан бошланади.

Фуқаролик масаласига оид такрорий ариза, қоида тариқасида, шу масалага оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда такрорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

40 - модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИ

41 - модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, чет элда яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипло-

матия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зим-
масига юклатилади.

42-модда. Паспортлар ва истиқомат учун гувоҳ- номалар бериш

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республи-
каси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон REPUB-
ликасининг ички ишлар идоралари ёки дипломатия
ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан
Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти топши-
рилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига
уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансуб-
лиги ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган, лекин Ўзбе-
кистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа
давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар идораси
томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган
истиқомат гувоҳномаси берилади.

43-модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорлар- нинг ижросини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига
оид қарорлар ижроси Ўзбекистон Республикасининг Пре-
зиденти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси
томонидан, шунингдек бошқа ваколатли идоралар томо-
нидан ўз ҳуқуқлари доирасида назорат этилади.

VIII. МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД НОҲАҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

44-модда. Мансабдор шахсларнинг фуқаролик ма- салаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилиш-
дан асоссиз бош тортганлик, аризани кўриб чиқиш
муддатлари бузилганлик, шунингдек мансабдор шахслар-
нинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш
тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни
ижро этиш тартибини бузадиган бошқа ноҳақ хатти-
ҳаракатлари хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор
шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят
қилиниши мумкин.

IX. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

45-модда. Халқаро шартномаларнинг қўлланилиши

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда баён этилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1992 йил 2 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун самарали, ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани ўзгартиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

1-модда. Асосий тушунчалар

Давлат тасарруфидан чиқариш — давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир.

Хусусийлаштириш — фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

2-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан, мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарорларидан ҳам иборат бўлади.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарни ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

3. Ўзбекистон Республикасининг республика ҳудудидан ташқаридаги мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ушбу Қонун ва давлатлараро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

3-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари

Қуйидагилар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари ҳисобланади:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топширишни қўшиб олиб бориш;

пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари тенглиги;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида барча фуқаролар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш;

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тадбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини йўлга қўйиш;

монополияга қарши қонунлар талабларига риоя этиш.

4-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектлари

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектлари тўлиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилади ва хусусийлаштирилади.

2. Қуйидаги объектлар: ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, маданият бойликлари ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди.

3. Давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар ва мол-мулкларнинг турлари ҳамда гуруҳларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши белгилайди.

4. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қишлоқ ҳужалигида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг "Ер тўғрисида"ги Қонундан келиб чиқадиган хусусиятларни ҳисобга олади.

5-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида мулкни олувчи субъектлар

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш чоғида:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;
давлатга тааллуқли бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этган юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ажнабий юридик шахслар, фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкни олувчи субъектлар бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштирилаётган объектларни сотиб олишлари, танлов ва ким ошди савдосида харидор сифатида қатнашишлари, хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишлари мумкин эмас.

6-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллари ва шартлари

1. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш:

давлат корхонасини жамоа корхонасига, акцияли жамиятга, бошқа йўсиндаги хўжалик жамияти ёки ширкатига айлантириш;

ижарага олинган мулкни келгусида ҳақ тўлаб сотиб олиш эҳтимоли билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш;

давлат мол-мулкни танлов йўли билан ва ким ошди савдосида давлатга тааллуқли бўлмаган юридик ва жисмоний шахсларга сотиш шаклида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин.

2. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қуйидаги шартларга риоя этган ҳолда амалга оширилади:

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шаклларини меҳнат жамоаларининг мустақил аниқлаши;

— давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинишини таъминлаш;

— бошқа республикалар ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилаётган объектларни, улар-

нинг акцияларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан ёки у вакил қилган идора томонидан белгиладиган квоталар бўйича сотиб оладилар;

— давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг тўла ошкоралиги ҳамда бу ҳақда ахборот эълон қилиш, корхоналар ходимлари томонидан, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотлар ҳамда халқ депутатлари Советлари томонидан назорат қилиш.

7-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган идоралар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталари ўз ҳуқуқ доираларида ҳақиқий шароитни ҳисобга олиб ишлаб чиқадилар ва бу дастурларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ёки халқ депутатлари маҳаллий Советлари тасдиқлайдилар.

8-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш юзасидан қарор қабул қилиш тартиби

1. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ёки у вакил қилган идораларга берилади.

Коммунал мулк объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия қўмиталарига берилади.

Бундай қарорларни қабул қилишга ҳуқуқ берилган идоралар матнда бундан кейин давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар деб юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкини республика мулкига ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкига (коммунал мулкка) ажратишни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига биноан у ваколат берган идора амалга оширади.

2. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига фуқаролар, давлатга тааллуқли бўлмаган юридик

шахслар, меҳнат жамоалари, давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар эгадирлар.

Буюртма:

республика мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид бўлса — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига;

коммунал мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга оид бўлса, мулк эгаси бўлган халқ депутатлари тегишли маҳаллий Совети ижроқўмига берилади. Буюртманинг шакли ва давлат божининг миқдори Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўрнатадиган тартибда белгиланади.

3. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи давлат мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига киритилган объектлар бўйича харидорлардан буюртма ва меҳнат жамоасининг қарори бор-йўқлигидан қатъи назар, хусусийлаштиришни амалга оширади.

4. Давлат тасарруфидан чиқаришни, хусусийлаштиришни ўтказиш ёки бундай қилишни рад этиш тўғрисидаги қарорни давлат мулки объектларини тасарруф этувчи буюртма тушган пайдан бошлаб икки ой ичида қабул қилади ҳамда уни буюртма берган ва давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхонанинг меҳнат жамоасига ёзма равишда етказди.

5. Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш:

башарти, корхона давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган корхоналар рўyxатига киритилган бўлса;

башарти, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг корхоналарнинг мазкур тури учун назарда тутилган хусусиятлари ҳисобга олинмаётган бўлса;

башарти, рад этиш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи рад этишни асослаш билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришни амалга ошириш мумкин бўлган шартлар ва муддатларни кўрсатмоғи зарур.

9-модда. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш

1. Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш иши давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган мол-мулк таркибини

аниқлашни, унинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини инвентаризациядан ўтказишни, корхонанинг активлари ва пассивларини баҳолашни, меҳнат жамоасида тушунтириш ишлари олиб боришни, бошқа масалаларни ҳал этишни, шу жумладан яккаҳокимликка қарши қонунлар талабларини инобатга олган ҳолда ҳал этишни ўз ичига олади.

2. Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар комиссиялар тузади, бу комиссиялар барча зарур ишларни олиб борадилар. Комиссия таркибига давлат мулки объектларини тасарруф этувчиларнинг, маъмуриятнинг, корхона меҳнат жамоасининг, унинг касаба уюшмаси ташкилотининг ёки ўзга жамоа ташкилотларининг, молия идорасининг, банкнинг, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вакиллари, бошқа мутахассислар киритилади.

Давлат тасарруфидан чиқариш комиссияси давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхона маблағи ҳисобидан пул тўлаш шарти билан ишнинг айрим йўналишлари бўйича экспертлар гуруҳларини тузиши, маслаҳат берувчи, аудитор ва бошқа ташкилотларни бу ишга жалб этиши мумкин.

Комиссия корхона маъмурияти билан биргаликда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган корхона тўғрисида давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштиришда қатнашаётган субъектлар учун, шунингдек жамоатчилик учун белгиланган нусхада зарур ахборот тайёрлайди.

3. Комиссия корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади ва давлат мулки объектларини тасарруф этувчига тасдиқлаш учун тақдим этади, бу режа:

давлат тасарруфидан чиқаришни ёки хусусийлаштиришни ўтказиш муддатларини;

объектнинг қийматини;

корхонани қайта ташкил этишнинг зарурат бўлганда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектларидан фойдаланишнинг мавжуд тартиби ва шартларини сақлаб қолишни ҳам назарда тутувчи лойиҳасини;

ҳисоб-китобларнинг тавсия этиладиган шакл ва муддатини;

имтиёзлар бериш, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган мол-мулкнинг бир қисмини бепул бериш имкониятини ўз ичига олади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ёки хусусийлаштириш режасига бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

10-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектининг сотув нархи

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектининг сотув нархини давлат мулки объектларини тасарруф этувчи белгилайди. Бу нарх объект қийматининг комиссия чиқарган дастлабки баҳосидан кам бўлиши мумкин эмас ва унда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ўтказилаётган пайтда қарор топган ҳақиқий бозор баҳоси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

2. Давлат мулки объекти қийматининг дастлабки баҳосини комиссия ҳақ тўлаб сотиб олинадиган, сотиладиган, акцияли жамиятга ва масъулияти чекланган жамиятга айлантириладиган давлат корхоналари ва ташкилотларининг мол-мулки қийматини баҳолаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низом асосида чиқаради.

3. Давлат корхонаси жамоа корхонасига айлантириладиганида корхона балансида бўлган ижтимоий инфраструктура ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектиларининг қиймати объектининг савдо баҳосига киритилмайди.

11-модда. Ижарага олинган давлат корхонаси мол-мулкни сотиб олиш тартиби

1. Ижарачи давлат мулки объектларини тасарруф этувчи розилиги билан ўзи ижарага олган мол-мулкни ҳақ тўлаб (тўлиқ ёки қисман) сотиб олиши мумкин.

2. Ижарага олинган мол-мулкнинг баҳоси ҳақини тўлаб олинадиган, сотиладиган, акцияли жамиятларга ва масъулияти чекланган жамиятларга айлантириладиган давлат корхоналари ва ташкилотлари мол-мулкнинг қийматини баҳолаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаб берадиган Низомга мувофиқ чиқарилади.

3. Мол-мулкни жамоа мулки учун сотиб олишда жамоа корхонасининг Уставида ҳар бир ходимнинг мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги улуши унинг иш стажини, иш ҳақи миқдори ва бошқа омилларини ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

12-модда. Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш

1. Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш давлат мулкни меҳнат жамоаси аъзолари томонидан (бир йўла ёки бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаб) сотиб олиш орқали ёки бу мулкни уларга текинга бериш орқали амалга оширилади.

2. Меҳнат жамоаси томонидан тасдиқланадиган жамоа корхонасининг Уставида ҳақ тўлаб сотиб олинган мол-мулкнинг қийматини ходимлар ўртасида тақсимлаш тартиби кўзда тутилади.

13-модда. Давлат корхоналарини акцияли жамиятларга, ўзга хўжалик жамиятларига ва ширкатларга айлантириш

1. Давлат корхонасини акцияли жамиятга, ўзга хўжалик жамиятига ёки масъулияти чекланган жамиятга айлантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар давлат акцияли жамиятларининг муассислари бўладилар, улар акцияларни тарқатиш тартиби ва шартларини белгилайдилар.

Қуйидагилар акциялар эгаси бўлиши мумкин;

меҳнат жамоасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари, ўзга суверен давлатларнинг фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг юридик шахслари;

давлат бошқарувининг республика ва маҳаллий идоралари.

14-модда. Давлат мулки объектини танлов бўйича сотиб олиш

1. Давлат мулки объектлари танлов бўйича сотилиши мумкин.

2. Танловни ўтказиш шартлари, тартиби ва муддатини давлат мулки объектларини тегишли тасарруф этувчи тайинлайдиган танлов комиссияси белгилайди.

15-модда. Давлат мулки объектини ким ошди савдосида сотиш

1. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган корхоналарни ким ошди савдосида сотишга қўйиш тўғрисидаги қарорни давлат мулки объектини тасарруф этувчи қабул қилади.

2. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларнинг ким ошди савдосини ўтказиш учун давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар ким ошди савдоси хизматларини ташкил этадилар, бу хизматлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ иш кўради.

3. Харидор томонидан сотиб олинмаган объект республика (коммунал) мулки бўлиб туради. Бундай ҳолларда давлат мулки объектларини тасарруф этувчи корхонани тугатиб, унинг мол-мулкни бўлак-бўлак қилиб сотиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

16-модда. Битимларни расмийлаштириш тартиби

1. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи мол-мулкни янги мулкдорга топшираётганда унга мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ордер беради. Ордернинг нусхаси, давлат божининг миқдори ва уни тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

2. Давлат корхоналари ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиб олинган тақдирда мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ордер ҳақнинг биринчи бадали тўлангач берилади. Корхонанинг қиймати бутунлай тўлаб бўлингунга қадар давлат мулки объектини тасарруф этувчи мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши, шу жумладан давлат мулки объектларини тасарруф этувчининг розилигисиз бу мулкни сотишни ва текинга беришни тақиқлаб қўйиши мумкин.

17-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун маблағлар манбаи

1. Қуйидаги маблағлар мол-мулкни сотиб олиш учун манба бўлади:

жисмоний шахсларнинг шахсий маблағлари, давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг ўз маблағлари, кредитлар, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган усуллар билан олинган бошқа молиявий маблағлар.

2. Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат корхонаси меҳнат жамоасининг аъзолари корхонани қўйидаги манбалар ҳисобига сотиб олишлари мумкин:

соф фойданинг меҳнат жамоаси аъзолари мулки бўлган қисми;

амортизация ажратмалари ҳамда меҳнат жамоасининг мулки бўлган ва давлат корхонасида ишлатиладиган мол-мулкни сотишдан келган тушум;

қимматли қоғозлар чиқариб жалб этилган маблағ;
банк кредитлари ва ўзга қарз маблағлари;
меҳнат жамоаси аъзоларининг шахсий маблағлари;
давлат мулки бўлмаган бошқа маблағлар.

3. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан давлат мулкни сотиб олиш манбаи сифатида фойдаланиш мумкин эмас.

18-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланиш

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан олинган маблағ Ўзбекистон Республикасининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг давлат мулки ҳисобланади.

2. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келган даромадлар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш махсус фондларида жамланади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш фондларини тузиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

19-модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектларининг ўзаро мажбуриятлари

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида давлат мулки объектларини тасарруф этувчи билан янги мулкдор ўртасида ўзаро мажбуриятлар ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилаётган ёки хусусийлаштирилаётган объект фаолиятининг шартлари ҳақида, шу жумладан:

муайян давргача корхона ихтисосини, ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб қолиш;

иш жойларини сақлаб қолиш ёки ўзгартириш;

маҳсулотни маълум истеъмолчиларга етказиб бериш;

ишловчиларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ижтимоий-маиший объектларни сақлаш, уларнинг ишлаш шароитларини сақлаб қолиш;

ходимларни ижтимоий-маиший таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари;

ўзга мажбуриятлар ҳақида муайян даврга мўлжалланган битим тузилиши мумкин.

2. Битимнинг шартлари корxonани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш даврида белгиланади ҳамда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш субъектларига сотилажак нарх билан бирга маълум қилинади.

20 - модда. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корxonаларнинг ходимларига бериладиган энгилликлар ва кафолатлар

1. Давлат корxonалари давлат тасарруфидан чиқарилаётганда ва хусусийлаштирилаётганда шу ердан пенсияга кетган меҳнат фахрийларига ҳамда корxonада камида 10 йил ишлаган меҳнат жамоасининг аъзоларига акциялар ва бошқа мулк бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш орқали сотилиши мумкин.

2. Давлат корxonаларининг мол-мулкани сотиб олиш чоғида меҳнат жамоасининг аъзолари, улар томонидан тузилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлар бошқа шароитлари тенг бўлганида ўзга фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари эса бошқа харидорларга нисбатан устивор ҳуқуққа эга бўладилар.

3. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш оқибатида қайта тузилган корxonаларга Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ солиқ тўлашда энгилликлар берилиши мумкин.

4. Давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корxonалар меҳнат жамоаларининг аъзоларига қуйидаги кафолатлар берилди:

давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилаётган даврда корxonа маъмурияти илгари тузилган жамоа шартномасининг барча қоидаларига риоя этишга мажбурдир;

эгалит ҳуқуқи янги мулкдорга ўтган кундан бошлаб олти ой давомида мулкдор билан корхона меҳнат жамоаси ўртасида янги жамоа шартномаси тузилади.

5. Бўшатилаётган ходимларни ишга жойлаштириш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги ҳамда иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

**21 - модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусу-
сийлаштиришни назорат қилиш**

Давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар жамоатчилик билан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни, шу жумладан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида фойдаланиладиган пул маблағларининг келиб чиқиши устидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлат ва жамоат назорати ўрнатилишини таъминлайдилар.

**22 - модда. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусу-
сийлаштириш масалалари юзасидан баҳс-
ларни ҳал этиш**

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалалари юзасидан баҳслар суд тартибида ҳал этилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 19 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ КОРХОНАЛАР ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун товар-пул муносабатлари ривожланаётган ва бошқариладиган бозор шароитида мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналарни барпо этиш, улар фаолиятининг, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини белгилаб беради.

Қонун фойда олишни кўзлаб иш олиб борадиган корхоналарнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулиятини белгилайди, бошқа корхоналар ва ташкилотлар, халқ депутатлари Советлари, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

I БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Корхона ва унинг асосий вазифалари

1. Ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган, ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади.

2. Корхонанинг фаолияти мақсадларини рўёбга чиқаришга ўз маҳсулоти, ишлари ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳамда ана шу асосда меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини ҳамда корхона мол-мулки эгасининг манфаатларини таъминлаш йўли билан эришилади.

3. Корхона хўжалик фаолиятининг ҳар қандай турларини, агар улар қонун ҳужжатларида тақиқлаб қўйилган бўлмаса ва корхона Уставида кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларига мувофиқ келса, амалга ошириш ҳуқуқига эга.

2-модда. Корхонанинг турлари

1. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилган мулк шакллариغا мувофиқ қуйидаги турдаги корхоналар иш олиб бориши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек ажнабий фуқароларнинг индивидуал (хусусий ва шахсий) мулкига асосланган корхоналар;

жамоа (ширкат) мулкига асосланган жамоа, оила, маҳалла корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари; кооперативларга қарашли корхоналар, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, ўзга хўжалик жамиятлари ёки ширкатларига қарашли корхоналар; жамоат ташкилотларининг корхоналари, диний ташкилотларнинг корхоналари ва жамоа мулкчилигининг бошқа шакллариغا асосланган корхоналар;

давлат мулкига асосланган республика давлат корхонаси, Қорақалпоғистон Республикаси давлат корхонаси, вилоятлараро, вилоят, ноҳиялараро, ноҳия, шаҳар давлат корхонаси ва корхоналарнинг бошқа турлари;

тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма корхоналар) республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, ажнабий ҳуқуқий шахслар, фирмалар ва давлатлар мулки бўлган корхоналар;

мулкчиликнинг аралаш шакллариغا асосланган корхоналар.

2. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхона ишловчилар сонига қараб кичик корхоналар жумласига киритилиши мумкин, бундай корхоналарни барпо этиш ва улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, мақоми, уларни рўйхатга олиш шартлари, шунингдек корхоналарни бу турга киритиш тартиби, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарнинг бошқа турлари, шу жумладан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда тузилган ижара корхоналари ҳам иш олиб бориши мумкин.

3-модда. Корхоналарнинг хўжалик уюшмалари

1. Корхоналар ихтиёрийлик асосида фаолиятни мувофиқлаштириш, ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, тегишли давлат идоралари ва бошқа идораларда, шунингдек халқаро ташкилотларда умумий манфаатларни ифода этиш мақсадида хўжалик уюшмаларига: иттифоқларга, концернларга, консорциумларга ҳамда тармоқ принциплари, ҳудудий ёки бошқа принциплар асосида ўзга бирлашмаларга уюшишлари мумкин. Кўрсатиб ўтилган таркибий бўлинмаларни барпо этиш тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган монополияга қарши талаблар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Кўнгилли хўжалик уюшмалари давлат рўйхатидан ўтиши керак ва уларнинг фаолияти ушбу Қонун билан тартибга солинади.

2. Уюшма, бирлашма уни таъсис этувчилар тасдиқлайдиган устав асосида иш олиб боради. Уюшмалар таркибига кирган корхоналар ўз мустақилликларини, ҳуқуқий шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар ва ушбу Қонун уларга nisbatan ҳам амал қилади.

3. Уюшма, бирлашма ўз таркибига кирувчи корхоналар мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, корхоналар эса, таъсис шартномаси (устава) ўзга ҳолат кўзда тутилган бўлмаса, уюшма мажбурияти юзасидан жавоб бермайди.

4. Уюшмага кирган корхоналар уюшма таркибидаги корхоналар олдидаги мажбуриятларини тузилган шартномаларга мувофиқ сақлаб қолган ҳолда унинг таркибидан чиқишга ҳақлидир.

5. Уюшма, бирлашма унга кирган корхоналарнинг қарорига мувофиқ тугатилади. Уюшма корхонани тугатиш учун белгилаб қўйилган тартибда тугатилади. Уюшма тугатилгандан кейин қолган мол-мулк уюшманинг уставига мувофиқ унинг қатнашчилари ўртасида тақсимланади.

4-модда. Корхона тўғрисидаги қонунлар

1. Корхоналарни барпо этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда унинг асосида чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатлари билан, ушбу ҳужжатларда кўзда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ҳам тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида корхоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолияти, уларни қайта ташкил этиш ва

тугатишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

2. Фаолияти ишни ташкил этишга ва унинг хавфсизлигига оширилган талаблар қўйиш билан боғлиқ бўлган, технология жараёнлари узлуксиз давом этадиган, шунингдек бошқарув вазифаларини марказлаштириш зарурати билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг айрим турлари учун ушбу Қонунни қўллаш хусусиятларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

3. Ўзбекистон Республикаси мулки, ажнабий ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг тўла ёки улушбай мулки бўлган корхоналарни (қўшма корхоналарни) барпо этиш ва улар фаолиятларининг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

И Б Ў Л И М

КОРХОНАНИ БАРПО ЭТИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5-модда. Корхонани барпо этишнинг умумий шартлари

1. Корхона мол-мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) вакил қилган идора, корхона, ташкилот қарорига ёки меҳнат жамоасининг қарорига мувофиқ, ё бўлмаса таъсис этувчилар гуруҳи ва айрим таъсис этувчи шахслар қарори билан ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда барпо этилиши мумкин.

2. Корхона ишлаб турган корхоналар, ташкилотлар таркибидан битта ёки бир нечта таркибий бўлинманинг шу бўлинма (бўлинмалар) меҳнат жамоаси ташаббуси билан ажралиб чиқиши натижасида, агар бундай ажралиб чиқиш учун корхона мол-мулки эгасининг (у вакил қилган идора, корхона ва ташкилотнинг) розилиги бўлса ва корхона илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланса, тузилиши мумкин.

3. Корхонани барпо этиш ва унинг фаолияти учун ер участкаси, бошқа табиат ресурслари талаб қилинадиган ҳолларда улардан фойдаланишга рухсатномани ҳокимият идораси, тегишли қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда эса экология экспертизасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирда табиатдан фойдаланувчи тегишли бош-

ланғич ташкилот томонидан ҳам берилади. Ер участкаси ва бошқа табиат ресурсларини бериш рад этилганида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олади.

6-модда. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш

1. Корхона, агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, корхона жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ягона давлат реестрига киритиш учун ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хабар қилинади.

2. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси бу корхонани барпо этиш тўғрисидаги қарор, устав ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб қўядиган рўйхат бўйича бошқа ҳужжатлар тақдим этилади.

Корхона тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига зарур ҳужжатлар илова қилиниб ариза топширилган пайтдан бошлаб узоғи билан 30 кунда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

3. Корхонани барпо этишнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиби бузилганлиги, шунингдек таъсис ҳужжатлари қонун талабларига мос келмаслиги сабабларига кўра корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин. Корхонани барпо этиш мақсадга мувофиқ эмаслигини важ қилиб, уни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Агар корхона белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлмаса ёки таъсис этувчи корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлиги сабабларини асоссиз деб ҳисобласа, у судга мурожаат қилиши мумкин.

Суд корхонани рўйхатдан ўтказиш рад этилганлигини асоссиз деб топса, бу ҳол корхонани рўйхатдан ўтказмаган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасининг моддий жавобгарлигига (суд чиқимларидан ташқари) сабаб бўлади.

Моддий жавобгарликнинг миқдори суд томонидан аниқланади ва қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4. Корхонани давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган миқдорда ҳақ олинади. Олинган маблағ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси томонидан корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги ноҳия, шаҳар, шаҳардаги ноҳия бюджетига ўтказилади.

7-модда. Шўъба корхоналар ва корхоналарнинг алоҳида бўлинмаларини барпо этиш

1. Корхона ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган шўъба корхоналар, шунингдек филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ҳамда жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа алоҳида бўлинмалар тузиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди.

2. Бундай корхоналар ва бўлинмаларни жойлаштириш масаласи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан амалдаги қонунларда корхоналар тузиш учун белгиланган тартибда келишиб олинади.

8-модда. Фаолият турларига лицензия олиш

1. Лицензия олиниши керак бўлган фаолият турларини амалга ошириш учун корхона зарур лицензияни олиши шарт.

2. Корхонанинг лицензия олиниши керак бўлган фаолиятига рухсат бериш ва бундай рухсатни ҳақиқий эмас деб топиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

9-модда. Корхона устави

1. Корхона устав асосида иш олиб боради. Уставни корхонани таъсис этувчи (таъсис этувчилар) тасдиқлайди.

2. Корхона уставида қуйидагилар белгилаб қўйилади: корхонанинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, фаолият тури ва мақсадлари, унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколати, корхона мол-мулкни ташкил этиш ва фойдани (даромадни) тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари.

Уставга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, қонунларга зид келмайдиган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

КОРХОНАНИНГ МУЛҚДОРИ ВА МОЛ-МУЛКИ

10-модда. Корхонанинг мулкдори

1. Корхонанинг мулкдори (мулкдорлари) ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Мулкдор (мулкдорлар) ўз мол-мулкига нисбатан Қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни қилишга ҳақли. Улар мол-мулкдан қонунда тақиқлаб қўйилмаган ҳар қандай хўжалик фаолиятини ёки ўзга фаолиятни амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин. Давлат корхона эгасининг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат беради.

2. Корхона мулкдори (мулкдорлари) ўзининг (ўзларининг) мулкчилик ҳуқуқини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган шартлар асосида ва шу шартлар доирасида фуқаролар билан уларнинг меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида шартномалар тузишга ҳақлидир.

11-модда. Мол-мулкни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш шартлари

1. Асосий фондлар ва оборот маблағлари, шунингдек қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этадиган бошқа бойликлар корхона мулкни ташкил этади.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва корхона уставига мувофиқ корхонанинг мол-мулки мулкчилик ҳуқуқи ёки тула хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлиши мумкин.

3. Қуйидагилар корхона мол-мулкни ташкил этувчи манбалардир:

таъсис этувчиларнинг пул ва моддий бадаллари;
маъсулот, ишлар, хизматларни реализация қилишдан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинган даромадлар;

қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар;

банк ва бошқа қарз берувчиларнинг кредитлари;

капитал маблағ ва бюджетдан дотациялар;

ташкilotлар, корхоналар ва фуқароларнинг текинга ва ҳайрия мақсадларида берган бадаллари, ионалари, шунингдек мерос тариқасида, айирбошлаш ва совға қилиш йўли билан оладиган даромадлари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ўзга манбалар.

4. Корхона ўзига қарашли мол-мулкни бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сотиш ҳамда топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиш учун бепул бериш ёки қарзга беришга, шунингдек, агар қонун ҳужжатларида ва корхона уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, уларни баланс ҳисобидан чиқаришга ҳақлидир.

5. Агар уставда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, корхона ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа моддий бойликларни фуқароларга сотишга, бепул беришга, ижарага беришга ҳақли, қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаронинг мулки бўла олмайдиган ёки у фойдалана олмайдиган ишлаб чиқариш воситалари ва ўзга моддий бойликлар бундан мустасно.

12-модда. Табиат ресурсларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш

1. Корхона белгиланган тартибда ҳақ эвазига ер ва бошқа табиат ресурсларига эгалик қилади ва улардан фойдаланади. Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

2. Корхона ўз ишлаб чиқаришининг табиий муҳитга салбий таъсирини камайтиришга ва бу таъсирнинг ўрнини қоплашга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириши шарт. Бундай тадбирлар ўз маблағлари ёки ўзга манбалар ҳисобидан пул билан таъминланиши мумкин.

Корхона Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ер, сув, ер ости бойликлари, ўрмонлар ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва муҳофаза қилиш талаблари ҳамда нормаларига риоя этилиши учун жавобгардир, шунингдек ўз фаолияти натижасида етказган зарарни, шу жумладан табиатни муҳофаза қилиш органларининг хулосасига кўра маҳсулотни кам олиш, ишлар ва хизматларни кам бажариш билан боғлиқ зарарни тўлайди.

13-модда. Корхонанинг ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар маблағини жалб этиши

1. Корхона ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштириш, меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантириш мақсадларида қимматли қоғозлар чиқариш ҳамда

сотиш йўли билан ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг қўшимча пул маблағларини жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

2. Корхонанинг қимматли қоғозлар чиқариш ва сотиш тартибини, уларнинг турлари ҳамда бундай қимматли қоғоз эгаларининг ҳуқуқларини қонунлар билан белгилади.

14-модда. Корхона мулкӣ ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига кафолат беради. Давлатнинг корхонага қарашли асосий фондларни, оборот маблағларни ва бошқа мол-мулкни тортиб олишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Фуқаролар, ҳуқуқий шахслар ва давлат идоралари томонидан корхонанинг мулкӣ ҳуқуқларини бузиш натижасида унга стказилган зарар суд ёки давлат ҳакамлиги қарорига мувофиқ корхонага тўланади.

IV БЎЛИМ

КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

15-модда. Корхонани бошқаришни ташкил этишнинг умумий қоидалари

1. Корхона ўз уставига мувофиқ бошқарилади. Корхона бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлайди, штатларни белгилайди.

Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти корхонани бевосита ёки ўзи ваколат берган идоралар орқали бошқаради. Мулкдор ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти ёхуд у ваколат берган идоралар ана шу ҳуқуқларни корхона кенгашига (идорасига) ё бўлмаса корхона уставида кўзда тутилган ҳамда мулкдор ва меҳнат жамоаси манфаатларини ифода этадиган бошқа идорага топшириши мумкин.

2. Корхона раҳбарини ёллаш (тайинлаш, сайлаш) ва бўшатиш корхона мулки эгасининг ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни улар бевосита, шунингдек ўзлари вакил қилган идоралар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа идоралар орқали амалга оширадилар.

16-модда. Корхонанинг раҳбари

1. Корхона раҳбари лавозимига ёллаш (тайинлаш, сайлаш) чоғида номзод шахс билан битим (шартнома, келишув) тузилади, унда корхона раҳбарларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти, унинг моддий таъминоти ҳамда эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган кафолатларни ҳисобга олган ҳолда белгилаб қўйилади.

2. Корхона раҳбари корхона фаолияти билан боғлиқ масалаларни мустақил ҳал қилади, ушбу Қонунда меҳнат жамоаси ва корхона кенгаши умумий йиғилиши (конференцияси)нинг мутлақ ваколатига топширилган масалалар бундан мустасно, корхона номидан ишонч қоғозисиз иш олиб боради, мамлакатдаги ва чет элдаги барча корхоналарда, фирмалар ва ташкилотларда шу корхона манфатларини ҳимоя қилади, корхона мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузади, ишонч қоғозлари беради, банкларда ҳисоб рақамлари ва бошқа рақамлар очади, маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланади, дирекциянинг ижроия аппарати штатларини тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

3. Корхона раҳбари ўз ўринбосарларини, бошқарув аппарати раҳбарларини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини мустақил тайинлайди ва ишдан озод қилади.

4. Корхона раҳбари шартномада ёки амалдаги қонунларда кўзда тутилган асосларга мувофиқ шартнома муддати тугамай туриб, эгаллаб турган лавозимидан бўшатилиши мумкин.

17-модда. Корхона кенгаши (бошқаруви)

1. Корхона кенгаши мулкдор корхонани бошқариш соҳасидаги ўз ваколатларини кенгашга топширган тақдирда тузилади.

Корхона кенгаши (бошқаруви)да, корхона уставида ўзга ҳоллар кўзда тутилган бўлмаса, корхона мол-мулкнинг эгаси ёки ҳужаликни тўла юритиш ҳуқуқи субъекти томонидан тайинланадиган ва шу корхона меҳнат жамоаси томонидан сайлаб қўйиладиган вакиллар сони барабар бўлади.

2. Корхона кенгаши (бошқаруви)нинг ҳуқуқ ва бурчлари мулкдор ёки ҳужаликни тўла юритиш ҳуқуқи

субъекти ёхуд у вакил қиладиган идора томонидан тасдиқланадиган кенгаш (бошқарув) тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

У БЎЛИМ

КОРХОНА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

18-модда. Корхона оладиган фойда

1. Ҳамма турдаги корхоналарда хўжалик фаолиятининг молиявий натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич фойдадир.

2. Солиқларни ва бюджетга бошқа тўловларни тўлашдан кейин корхонада қолган фойда (соф фойда) тўла-тўқис унинг тасарруфига ўтади. Корхона, агар уставда ўзга ҳол кўзда тутилган бўлмаса, соф фойдани қайси соҳаларга ишлатишни мустақил белгилайди.

Соф фойдани ишлатиш йўллари танлашга давлат солиқлар, солиқ имтиёзлари, шунингдек, иқтисодий чоралар орқали таъсир кўрсатади.

3. Қонун ҳужжатларида ёки корхона уставда кўзда тутилган ҳолларда соф фойданинг бир қисми корхона меҳнат жамоаси аъзоларига мулк қилиб топширилади.

19-модда. Корхона ходимининг меҳнат даромадлари

1. Корхона туридан қатъи назар, ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари корхона ишининг пировард натижалари ҳисобга олиниб, ходимнинг меҳнатга қўшган шахсий улуши билан белгиланади, солиқлар билан тартибга солинади ва энг кўп миқдори чеклаб қўйилмайди.

2. Барча турдаги корхоналар ходимлари меҳнат ҳақининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари, системалари ва миқдорини, шунингдек ходимлар даромадларининг бошқа турларини корхона мустақил белгилайди.

20-модда. Корхона фаолиятини режалаштириш

1. Корхона ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва хом ашё ресурслари ва материалларнинг мавжудлигини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини белгилайди.

2. Корхона давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида ишлар бажаради, маҳсулот сотади ва хизмат кўрсатади.

21-модда. Корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар билан хўжалик муносабатлари

1. Хўжалик фаолиятининг барча соҳаларида корхонанинг бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар билан муносабатлари шартнома негизида қурилади.

2. Корхоналар нима ҳақда шартнома тузишни танлашда, мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг қонунларга зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини аниқлашда эркиндир.

3. Корхона ўз маҳсулоти ва мол-мулкни, башарти қонунларга зид бўлмаса, ўз хоҳишига кўра сотади, шунингдек ўз хоҳиши билан хизматлар кўрсатади.

4. Корхона истеъмолчининг манфаатларини ҳамда унинг маҳсулот, ишлар ва хизматлар сифатига қўядиган талабларини ҳисобга олади. Истеъмолчининг манфаатлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинади.

Эркин реализация қилиш тақиқлаб ёки чеклаб қўйилган маҳсулотлар, ишлар, хизматлар турларининг рўйхати қонунлар билан белгилаб қўйилади.

22-модда. Улгуржи савдо, ишлаб чиқаришни таъминлаш ва маҳсулотни сотиш

1. Корхона бозор талабларини, эҳтимол тутилган шерикларнинг имкониятларини ўрганиш, нарх-навоининг ўзгариши тўғрисидаги ахборот асосида ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини, бозорларда (товарлар, хизматлар, молия бозорларида) монополияга қарши қонунларнинг талабларини назарда тутган ҳолда бевосита ёки воситачи орқали олди-сотдини, маҳсулот сотишни ва ўз ишлаб чиқаришининг таъминотини мустақил амалга оширади.

2. Бозорга ўтиш даврида давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулот етказиб бераётган корхоналарни давлат шу ишларни бажариш ва маҳсулотни етказиб бериш учун моддий-техника ресурслари билан таъминлайди.

23-модда. Нарх-наво ва нарх белгилаш

Корхона ўз маҳсулотини, ишларини, хизматларини, ишлаб чиқариш чиқитларини мустақил ёки шартнома асосида белгиланадиган нархлар ва тарифларда сотади. Корхона бозорда яққаҳоқимлик мавқеини эгаллаган ҳолларда давлат фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш

мақсадларида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ нархларни тартибга солади.

24-модда. Молия ва кредит муносабатлари

1. Фойда, амортизация ажратмалари, қимматли қоғозларни сотишдан тушган пул, меҳнат жамоаси аъзоларининг, корхоналар, ташкилотлар, фуқароларнинг пай ва ўзга бадаллари, шунингдек, бошқа тушумлар корхона молиявий ресурсларини ташкил этувчи манбалардир.

2. Корхона тижорат шартномаси асосида банк кредитидан, бошқа корхоналарнинг кредитларидан фойдаланади.

3. Корхона пул маблағларини сақлаш ҳамда барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш учун корхона рўйхатга олинган жойдаги ҳар қандай банкда, бошқа жойдаги банкда эса — шу банкнинг розилиги билан ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очишга ҳақлидир.

4. Иш ҳақи тўлаш ва бюджетга тўловлар барча корхоналар учун биринчи галдаги тўловдир. Ҳисоб-китобларнинг бошқа турларини корхона календарь тартибга мувофиқ амалга оширади.

5. Корхона харидор (истеъмолчи)га қарзга олинган маблағ учун фойда тўлаш тартибида қарзга маҳсулот етказиб бериши, ишни бажариши ва хизмат кўрсатиши мумкин. Бундай савдо битимларини расмийлаштириш учун корхона хўжалик оборотида векселни қўллаши мумкин. Корхона фоиз тўлаш шарти билан бошқа корхоналарга кредит бериши мумкин.

6. Корхона кредит шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этилиши учун тўла жавобгардир. Ҳисоб-китоб қилиш юзасидан ўз мажбуриятларини мунтазам бажармайдиган корхона банк томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиниши мумкин. Бундай корхоналарга таъсир ўтказиш чоралари ва уларни қўллаш тартиби банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

25-модда. Капитал қурилиш

1. Корхона Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси айрим ҳудуд зоналари бўйича белгилайдиган ҳар хил ишлаб чиқариш турларини жойлаштириш ҳақидаги қонунларга, норматив талабларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига, квоталар ва лицензияларга риоя этган ҳолда республика ҳудудида қурилиш жойини танлаб олишда эркиндир.

2. Корхона қурилиш олиб бориш учун ҳар қандай шерикларни танлаб олишда, пудратчи ташкилотлар кон-курсини ташкил этишда эркиндир, зарур ҳолларда тегиш-ли қонунларда тасдиқлаб қўйилган қурилиш нормалари ва қоидаларига амал қилиб, қидирув ишларини олиб боради, қурилиш-монтаж ишларини лойиҳалаш ва бажа-ришни ўзи амалга оширади.

3. Ҳамма ҳолларда қурилиш лойиҳаси вилоят ёки республика эксперт идоралари даражасида давлат экспер-тизасидан ўтказилиб, пухталиги, чидамлилиги, расман тасдиқланган хавфсизлик қоидаларига, меҳнатни ва ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилган-лиги баҳоланади.

26 - модда. Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти

1. Корхона қонунларга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

2. Олинган валюта корхонанинг валюта баланси ҳисобига ўтказилади ва ундан корхона мустақил фойда-ланади. Корхонанинг валюта тушумидан мазкур корхона ўз валюта маблағи ҳисобидан қилган бевосита валюта харажатлари чегириб ташлангандан сўнг республика ва маҳаллий бюджетларга валюта ажратмалари ўтказилади.

Республика ва маҳаллий бюджетларга ажратмалар миқдори Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Корхонанинг валюта маблағини ўзга йўл билан тортиб олиш тақиқланади.

VI БЎЛИМ

КОРХОНАНИНГ ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРИ

27 - модда. Корхонанинг ижтимоий фаолияти

1. Ижтимоий тараққиёт масалалари, шу жумладан меҳнат шароитларини яхшилаш ва иш вақтининг узунлиги масалалари, меҳнат жамоаси аъзолари ва улар оилаларининг дам олиш, турмуш шароитларини ва сиҳат-саломат-лигини яхшилаш масалалари, корхонанинг истеъмол фон-ди ҳисобидан амалга ошириладиган мажбурий тиббий суғурта кафолатлари масалалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат жамоаси томонидан корхоналар маъмурияти иштирокида ҳал қилинади.

Корхона амалдаги қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда давлат ижтимоий суғурта фондига ва пенсия фондига пул ўтказиши шарт.

2. Корхона бу ерда ишловчи барча ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга мажбур бўлиб, уларнинг саломатлигига ва меҳнат қобилиятига етказилган зарар учун қонунларда белгилаб қўйилган тартибда жавобгар бўлади.

3. Пенсияга чиққунга қадар корхонада меҳнат қилган пенсионерлар тиббий хизмат, уй-жой билан таъминланиш, соғломлаштириш ва профилактика муассасаларига йўланмалар олиш борасида корхонадаги мавжуд имкониятлардан, шунингдек жамоанинг умумий йиғилиши (конференцияси) қарорига мувофиқ бошқа ижтимоий хизматлар ва имтиёзлардан унинг ходимлари билан баравар фойдаланадилар.

4. Корхона хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини мунтазам яхшилашга, ёш болали аёлларни иш куни қисқартирилган асосан кундузги иш билан таъминлашга, ҳомиладор аёлларни меҳнат шароити зарарсиз енгилроқ ишга ўтказишга, шунингдек, аёлларга қонунларда кўзда тутилган бошқа имтиёзларни беришга мажбурдир. Меҳнат шароити зарарли бўлган корхона меҳнат жамоасининг розилиги билан хотин-қизларга енгилроқ иш бериш учун цехлар, участкалар барпо этиши мумкин.

5. Корхона меҳнат жамоасига хизмат қиладиган ва унинг таркибига кирмайдиган тиббий муассасалар ходимларини, болалар, маданий-маърифий, соғломлаштириш, ўқув ва спорт муассасалари, умумий овқатланиш ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини моддий рағбатлантириши мумкин.

6. Фуқароларнинг, халқ депутатларининг корхонага илтимослари ва мурожаатларига доир масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш фақат корхона маъмуриятининг вазифаси бўлиб, бу иш фуқароларнинг ўз зиммасига юклаб қўйилиши мумкин эмас.

28 - модда. Корхонанинг меҳнат жамоаси, унинг ваколатлари

1. Ўз меҳнати билан корхона фаолиятида меҳнат шартномаси (битими, келишуви), шунингдек ходимнинг корхона билан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бошқа шакллар асосида қатнашувчи барча фуқаролар шу корхонанинг меҳнат жамоасини ташкил этадилар.

2. Корхоналар меҳнат жамоаси ваколатларини амалга оширишнинг асосий шакли умумий йиғилиш (конференция)дир.

29-модда. Корхона меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси)

Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси):

корхона мол-мулкани сотиб олиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузиш зарурлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилади, бундай шартнома (битим) лойиҳасини кўриб чиқади ва уни меҳнат жамоаси номидан имзолаш учун касаба уюшмаси қўмитасига ёки бошқа органларга ваколат беради;

корхона кенгашига вакиллар сайлайди (уларни чақириб олади), уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

ўз ходимлари учун қўшимча отпускарлар, қисқартирилган иш куни ва ишлаб топилган ҳамда истеъмолга сарфланадиган маблағлар доирасида бошқа ижтимоий имтиёзлар белгилайди.

30-модда. Жамоа шартномаси (битими)

Жамоа шартномаси (битими) ҳамма турдаги корхоналарда тузилиши мумкин ва у амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги лозим.

Корхонадаги ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, жамоанинг ижтимоий тараққиёти ва жамоа аъзоларининг саломатлиги масалалари жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

Жамоа шартномаси (битими) тузиш ёки уни бажариш чоғида келишмовчилик чиққан тақдирда бу келишмовчилик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

VI БЎЛИМ

КОРХОНА ВА ДАВЛАТ

31-модда. Корхоналар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

1. Давлат корхона ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишига кафолат беради.

Корхона хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни амалга ошириш чоғида ўз ташаббуси билан амалдаги қонунларга зид келмайдиган ҳар қандай қарорларни қабул қилишга ҳақлидир.

Корхонанинг хўжалик фаолияти ва ўзга фаолиятига қонунларда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат, жамоат ва кооператив идораларининг аралашшига йўл қўйилмайди.

2. Республика ва маҳаллий давлат ҳамда жамоат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари корхонага дахлдор қарорларни қабул қилиш чоғида ва ўзларининг шу корхона билан муносабатларида ушбу Қонун қоидаларига риоя этилиши учун жавобгардирлар.

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг қонунларда белгилаб қўйилган ваколатларига мувофиқ тарздагина корхонага кўрсатма беришлари мумкин. Давлат идоралари ёки ўзга идоралар ўз ваколатларига ёки қонун талабларига мос келмайдиган ҳужжатни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисида ариза билан суд ёки давлат ҳакамлик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Корхона ҳуқуқини бузган давлат идораси ёки ўзга идора ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага нисбатан қонунда кўзда тутилган бурчларини тегишлича амалга оширмаганликлари оқибатида корхонага стказилган зарар ана шу идоралар томонидан тўланиши керак. Зарарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки давлат ҳакамлик суди ўз ваколатларига мувофиқ ҳал қилади.

32-модда. Корхона хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлари

1. Давлат корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжалик юритишнинг тенг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини таъминлайди.

2. Давлат бозорни ривожлантиришга кўмаклашади, монополияга қарши тадбирларни амалга оширади, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлайди.

Рақобатчининг обрўсини туширишга қаратилган хатти-ҳаракатларга, ишлаб чиқариш квоталари, сотиш ва таъминот бозорларини бўлиб олиш, эркин рақобатни чеклаш мақсадида корхоналар ўртасида монопол нарх-на-вони ушлаб туриш ҳақидаги ҳар қандай тил бириктириш-

ларга йўл қўйилмайди. Акс ҳолда корхона монополияга қарши қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Давлат қонун асосида, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва молия органлари орқали рақобат қилиш эркинлигини таъминлайди, истеъмолчиларни уларнинг ҳуқуқлари камситилишидан, хўжалик фаолиятининг ҳар қандай соҳасида монополизм кўринишларидан муҳофаза қилади.

3. Корхона хўжалик оборотига киритаётган буюмлар фирма белгисини ёки буюмнинг рамзини, буюмни таърифлайдиган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда маркировка қилиниши шарт. Ўзга фирма ва товар белгиларини, шунингдек, бир ишлаб чиқарувчининг буюмларини ишлаб чиқарувчиларнинг буюмлари билан чалкаштириб юборишга (ўхшатишга) имкон берадиган ҳар қандай маълумотларни ўзлаштириб олишга йўл қўйилмайди. Бу масалаларда чиққан низолар суд тартибида ҳал қилинади.

33-модда. Ҳисоб ва ҳисобот

1. Корхона ўз иши натижаларининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ҳисоботи олиб боради.

Давлат статистика ҳисоботи шаклларини давлат статистика идоралари белгилайди ва у фақат амалий маълумотларни, шунингдек бундай маълумотлар қаерга ва қайси муддатда тақдим этилишини белгилаб беради. Ушбу Қонунда белгиланган тартибни бузган ҳолда статистика ҳисоботини тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

2. Корхонанинг мансабдор шахслари давлат ҳисоботини бузиб кўрсатганликлари учун қонунларда белгилаб қўйилган интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

34-модда. Корхонанинг тижорат сирини

1. Корхонанинг тижорат сирини деганда корхонанинг ишлаб чиқариши, технология ахбороти, бошқаруви, режалаштириши, молияси ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамда эълон қилиш (топшириш, очилиб қолиши) унинг манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сирини бўлмаган маълумотлар тушунилади.

2. Тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар таркиби ва ҳажми, уларни ҳимоя қилиш тартиби корхона раҳбари томонидан белгиланади.

Корхона фаолиятининг турларини (агар улар ҳақидаги маълумотлар тижорат сири бўла олмаса) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси корхоналар атроф-муҳитни ифлослантираётганлиги ёки жамиятга зарар келтириши мумкин бўлган бошқа салбий фаолиятлар тўғрисидаги маълумотларни яширишининг олдини олиш мақсадида белгилаб қўяди.

3. Корхонанинг тижорат сири бўлган маълумотларни эълон қилганлик, бундай маълумотларни сақлаш тартиб-ни бузганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

35 - модда. Корхонанинг масъулияти

1. Шартнома мажбуриятларини, кредит — ҳисоб-китоб ва солиқ интизомини, маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларни, хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун корхона қонунларда кўзда тутилгандек тўла мулкый жавобгар бўлади.

2. Корхона ер ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш талабларига амал қилмаслик, уни ифлослантириш ва бошқа зарарли таъсирлар оқибатида ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидаларини, санитария-гигиена нормаларини ҳамда корхона ходимларини, аҳолининг ва маҳсулот истеъмол қилувчиларнинг саломатлигини ҳимоя қилиш талабларини бузганлик оқибатида етказилган зарарни қоплаши, шунингдек қонунларда белгиланган миқдорда жарима тўлаши шарт.

Табиатдан фойдаланиш режимини бузаётган корхона фаолияти йўл қўйилган камчиликлар тугатилгунига қадар қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда тўхтатиб қўйилиши мумкин.

36 - модда. Корхона фаолиятини назорат қилиш

1. Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти мулкдорнинг ташаббуси билан ва бир йилда кўпи билан бир марта тафтиш қилиниши мумкин.

2. Қонун ҳужжатлари билан корхоналар фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш вазифаси юкланган солиқ ва бошқа давлат идоралари бундай текширувларни зарурат тугилганида ва қатъиян ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари мумкин. Корхона ана шу идораларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан мазкур идо-

раларнинг талабларини бажармасликка ва назорат соҳасига кирмаган материаллар билан уларни таништирмасликка ҳақлидир.

3. Барча турдаги текширувлар ва тафтишлар корхонанинг нормал ишлашига халақит бермаслиги керак. Тафтишлар ва текширувларнинг натижалари корхонага хабар қилинади.

37-модда. Корхонанинг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан муносабатлари

1. Корхонанинг давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ўзаро муносабатлари ушбу Қонунга ҳамда ана шу идораларнинг ваколатларини белгилаб берувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

2. Корхона маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳудудни комплекс иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш бўйича маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган ишларда ихтиёрий равишда шартнома асосида қатнашади.

Корхона маҳаллий ҳокимиятнинг ёки бошқа ваколатли давлат идораларининг қарори билан шу идоралар маблағлари ҳисобидан меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун махсус иш жойларини барпо этиши шарт.

3. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг корхонага қарашли уй-жой ва ишлаб чиқариш майдонини, айрим объектларни тортиб олишига йўл қўйилмайди.

VIII БЎЛИМ

КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

38-модда. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш шартлари

1. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил этиш (бирлаштириш, қўшиш, бўлиб юбориш, ажратиш, қайтадан тузиш), корхона мол-мулки эгасининг ёки шундай корхоналарни тузишга ваколатли бўлган идоралар қарорига биноан ёхуд суд ёки ҳакамлик судининг қарорига биноан

амалга оширилади. Синган корхоналарни тугатиш қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида ишдан бўшатилаётган ходимларга қонунларга мувофиқ уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишига кафолат берилади.

3. Корхона давлат рўйхати реестридан чиқариб юборилган пайтдан бошлаб қайта ташкил этилган ёки тугатилган ҳисобланади.

4. Корхона бошқа корхона билан қўшилган тақдирда мазкур корхоналарнинг ҳар бирига тааллуқли барча мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар қўшилиш натижасида вужудга келган корхонага ўтади.

Бир корхонанинг бошқа бир корхонага қўшилиши чоғида унинг барча мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қўшиб олган корхонага ўтади.

5. Корхона бўлиб юборилган тақдирда қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу бўлиб юбориш натижасида вужудга келган янги корхоналарга бўлиб юбориш ҳужжатлари (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда ўтади.

Корхонадан битта ёки бир нечта янги корхонани ажратиб чиқариш чоғида қайтадан ташкил этилган корхонанинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўлиб юбориш ҳужжати (баланси)га мувофиқ тегишли қисмларда уларнинг ҳар бирига ўтади.

6. Бир корхонани бошқа корхона қилиб ўзгартириш чоғида аввалги корхонанинг барча мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қайтадан ташкил этилган корхонага ўтади.

39-модда. Тугатиш комиссияси

1. Корхона мулкдор ёки у ваколат берган идора тузган корхона синган тақдирда эса суд ёки ҳакамлик тузган тугатиш комиссияси томонидан тугатилади. Уларнинг қарорига биноан корхонани унинг бошқарув идораси тугатиши мумкин.

Корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган мулкдор суд (ҳакамлик суди) ёки корхонани барпо этишга ваколатли бўлган идора тугатиш тартиби ва муддатини, шунингдек, қарз берганларнинг даъво қилиш муддатларини белгилайди. Бу муддат тугатиш эълон қилинган кундан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

2. Тугатиш комиссияси ёки корхонани тугатишни амалга ошираётган бошқа идора корхона жойлашган

ердаги расмий матбуотда уни тугатиш ва қарз берганларнинг даъволарини қабул қилиш тартиби ва муддати тўғрисида эълон беради. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) ана шу эълон билан бир қаторда корхонага дебиторлик қарзини ундириб олиш ва қарз берганларни корхона тугатилганидан хабардор қилиб, уларнинг даъволарини аниқлаш ишларини бажариши шарт.

Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга ошираётган идора) тугатилаётган корхонанинг мол-мулкини баҳолайди ва қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилади, тугатиш балансини тузади ва уни эгалик қилувчига ёки тугатиш комиссиясини тайинлаган идорага тақдим этади. Тугатиш комиссияси ўз айби билан етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Зарарни ундириб олиш миқдорлари ва тартибини давлат ҳакамлик суди ёки суд белгилайди.

40-модда. Қарз берганларнинг даъволарини қондириш

1. Тугатилаётган корхонага қарз берганларнинг даъволари ана шу корхонанинг мол-мулкидан қондирилади. Бунда биринчи навбатда бюджет олдидаги қарзлар қондирилади ва тугатилаётган корхона тасарруфида бўлган ерларни қайтадан тиклаш харажатлари қопланади.

2. Даъво қилиш учун белгиланган муддат ўтгандан кейин аниқланган ва қилинган даъволар биринчи навбатдаги даъволар, аниқланган даъволар, шунингдек, белгиланган муддатда маълум қилинган даъволар қондирилгандан кейин корхонанинг қолган мол-мулкидан қондирилади.

3. Мол-мулк етишмаганлиги учун қондирилмаган даъволар бекор қилинган деб ҳисобланади. Тугатиш комиссияси (тугатишни амалга оширган идора) тан олмаган даъволар ҳам, агар қарз берувчилар даъвони тўла ёки қисман тан олмаслик тўғрисидаги хабарни олган кундан эътиборан бир ой муддат ичида ўз талаблари қондирилиши тўғрисида суд ёки давлат ҳакамлигига даъво қилмаган бўлсалар, бекор қилинган деб ҳисобланади.

4. Корхонани тугатиш чоғида фуқаронинг шикастланганлиги ёки саломатлигига бошқа хил зарар етганлиги ёхуд ўлими муносабати билан шу корхонадан ундирилган вақтинчалик тўловларга пул ажратилади.

5. Корхонани тугатиш чоғида меҳнат жамоаси аъзосининг қўшган ҳиссаси қарз берганларнинг даъволари уставда кўзда тутилган шартлар асосида ва тартибда

қондирилгандан сўнг унга пул шаклида ёки қимматли қоғозлар билан берилади.

6. Қарз берганларнинг ва меҳнат жамоаси аъзоларининг даъволари қондирилгандан кейин қолган мол-мулкдан мулкдорнинг кўрсатмасига биноан фойдаланилади.

7. Корхона қайтадан ташкил этилганида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисларига ўтади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 15 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТУҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги
Қонунига биноан киритилган ўзгартишлар билан)

1 БЎЛИМ

УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Банк тушунчаси

Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайта-ришлик, тўлашлик ва муддатлилик шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир. Банк юридик шахсдир.

2-модда. Банк операциялари

1. Банклар пул омонатларини қабул қиладилар ва жойлаштирадидилар, кредитлар берадилар ҳамда жалб этадилар, мижозлар ва гумашта банкларнинг топшириғига кўра ҳисоб-китобларни амалга оширадидилар ва уларга касса хизматини кўрсатадилар.

Банклар қонунга хилоф бўлмаган ва ўз уставларида кўзда тутилган бошқа операцияларни ҳам, жумладан қуйидаги операцияларнинг ҳаммасини ёки айримларини, чунончи:

а) мижозлар ва гумашта банкларнинг ҳисоб рақамини юритишни;

б) инвестицияга сарфланадиган маблағлар эгасининг ёки уларни тасарруф этувчиларнинг топшириғига кўра капитал маблағларни пул билан таъминлашни;

в) тўлов ҳужжатлари ва бошқа хил қимматли қоғозлар (чеклар, аккредитивлар, векселлар, акциялар, облигациялар ва шу кабилар) чиқаришни;

г) давлат тўлов ҳужжатлари ва бошқа қимматли қоғозларни харид қилиш, сотиш ва сақлаш ҳамда улар билан боғлиқ бўлган бошқа ишларни;

д) учинчи шахслар учун пул шаклида ижро этишни назарда тутувчи кафиллик, кафолат бериш ва бошқа мажбуриятлар олишни;

е) товарлар стказиб бериш ва хизмат курсатиш юзасидан келиб чиқадиган тўловни талаб қилиш ҳуқуқини олиш, бундай талабларнинг бажарилишини ва уларнинг инкассациясини таваккал қилиб ўз зиммасига олишни (факторинг);

ж) асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар сотиб олиш ва уларни ижара шартлари асосида ўтказишни (лизинг);

з) чет эл валюталарини ташкилотлар ва фуқаролардан харид қилиб олиш ҳамда уларни сотишни;

и) чет элда қимматбаҳо металллар, табиий қимматбаҳо тошлар, шунингдек қимматбаҳо металллардан ҳамда қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни харид қилиш ва сотишни;

к) қимматбаҳо металлларни ҳисоб рақамларига ва омонатларига жалб этиш ҳамда жойлаштириш ва халқаро банк амалиётига мувофиқ равишда ана шу бойликлар билан боғлиқ бўлган бошқа операцияларни бажаришни;

л) мижозларнинг топшириғига кўра маблағларни жалб этиш ва уларни жойлаштириш, қимматли қоғозларни бошқариш ҳамда бошқа ишларни бажаришни;

м) банк фаолиятига боғлиқ бўлган масалалар юзасидан маслаҳатлар беришни амалга оширишлари мумкин.

2. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг топшириғига биноан республика бюджетининг бажарилиши бўйича касса операцияларини амалга оширишлари шарт.

3. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколати доирасида берадиган рухсатга кўра бошқа операцияларни бажаришлари мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган операциялар республика ҳудудида муомалада бўлган пул бирликларида ўтказилади.

4. Банк операцияларини амалга оширишга ваколати бўлмаган шахслар ва идоралар томонидан бажарилган банк операциялари ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

3-модда. Фирма номи

Фирмани номлашда ёки реклама мақсадларида "банк" атамасидан ёки таркибига шу атама кирган сўз бирикмасидан, мазкур Қонунга мувофиқ, банк операцияларига ваколати бўлган муассасаларгина фойдаланадилар.

4-модда. Республика ва банкларнинг масъулияти-ни чегаралаш

Ўзбекистон Республикасида банклар Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар, Ўзбекистон Республикаси ҳам банкларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмасдир, ушбу Қонунда, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига ана шундай масъулиятни олган ҳоллар бундан мустасно.

II БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БАНК СИСТЕМАСИ

5-модда. Банк системасининг таркибий қисмлари

1. Ўзбекистон Республикасининг банк системасига қуйидагилар киради:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга тобе бўлган муассасалар;

б) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки;

в) республика акцияли-тижорат саноат-қурилиш банки;

г) республика акцияли-тижорат агросаноат банки;

д) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредитлар бериш давлат-тижорат банки;

е) пай, акция асосида, шунингдек чет эл капитали иштирокида тузилган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари;

ж) кооператив ва хусусий банклар.

Тижорат, кооператив ва хусусий банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларини шартнома асосида қурадилар.

2. Ҳар бир банкнинг вазифалари банклар томонидан ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки рўйхатидан ўтказиладиган ўз уставлари билан белгиланади.

3. Тижорат банкларининг фаолияти республика Марказий банки томонидан улар учун иқтисодий нормативлар белгилаб берилиши ва уларнинг фаолияти устидан назорат қилиниши йўли билан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан бошқа республикаларда ва чет

элларда кредит муассасалари, банк филиаллари очиш ҳуқуқи берилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл банкларининг филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги банклар очишга рухсат бериш ҳуқуқига эгадир.

4. Банклар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида уюшмалар, ассоциациялар, холдинг компаниялари ва ўзга хил ташкилотлар тузишлари мумкин.

6-модда. Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикасининг банклари ўз фаолиятларида мазкур Қонунга, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, ўз уставларига амал қилдилар.

Банклар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва ўз уставларига мувофиқ келмайдиган кўрсатмалар ҳамда талабларни бажаришга ҳақли эмаслар.

Ш БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАРКАЗИЙ БАНКИ

7-модда. Банкнинг мақоми

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки республиканинг давлат, эмиссион ва заҳира банки ҳисобланади ҳамда ушбу Қонун асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлаган ўз уставига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузиладиган шартномалар ва банклараро битимлар асосида рубль зонасида қирувчи давлатларнинг миллий ва марказий банклари ҳамда бошқа хорижий давлатларнинг банклари билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро молия ташкилотларининг авуарлари учун депозитарий ҳисобланади.

Давлат бошқарув идоралари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколати доирасида амалга оширадиган иш фаолиятига аралашишга ҳақли эмасдир.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

пул муомаласи, кредит бериш, маблағ билан таъминлаш, ҳисоб-китоб қилиш ва ташқи иқтисодий алоқа соҳаларида республика иқтисодий ва валюта ишлаб чиқиш ҳамда сиёсатини амалга ошириш;

ҳисобга олишнинг, ҳисоб беришнинг, ҳисоб-китоб-ссуда ва валюта операцияларини амалга оширишнинг ягона қоидалари ва нормаларини белгилаш;

ссуда — депозит операцияларини тартибга солиш ва умумий пул муомаласини бошқаришнинг нормативларини ўрнатиш;

барча банклар ҳамда кредит муассасалари пул-кредит ва валюта операцияларига доир қонунлар ва қоидаларга риоя этишлари устидан назорат қилиш;

барқарор пул муомаласини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган пулнинг харид қобилиятини сақлаш;

банк ишлари билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш;

республика пул ва кредит тизимига раҳбарлик қилиш; миллий валютани жорий қилиш ва у билан республика халқ хужалигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг рубль зонасига кирувчи давлатлар ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, уларнинг марказий ва миллий банкларида, халқаро банкларида ва бошқа молия-кредит ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш;

республиканинг олтин заҳираси ва олмос фондини шакллантириш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта фондини вужудга келтириш, давлат валютасини тартибга солиб турувчи ва назорат қилувчи бош ижроия идора вазифасини бажариш;

чакана савдо ва чет эл валютасида хизматлар кўрсатишга рухсатнома бериш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз зиммасига юклатилган вазифаларни рўёбга чиқариш учун тегишли хизматлар ва муассасалар очиш ҳуқуқига эга.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисобдорлиги ва уни бошқариш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши олдида ҳисобдор бўлиб, бошқарувчи ва ижро этувчи давлат ҳокимияти идоралари олдида мустақилдир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига раҳбарликни Раис, унинг муовинлари ва аъзоларидан иборат Бошқарув амалга оширади. Бошқарув Раисини Ўзбекистон Республикаси Президенти тайинлаб, сўнгра уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тегишли қўмитаси ёки унинг топшириғи билан аудитор ташкилотлари томонидан текширилиши мумкин.

10-модда. Банк фондлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган ва ўз мажбуриятларининг гарови бўлиб хизмат қиладиган устав фондини ташкил этади. Устав фонди миқдорини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки устав фондини чет эл валютасида ҳам тузиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олган фойда ҳисобидан бошқа турли мақсадлар учун мўлжалланган фондлар ташкил этилади, уларни банк ўз уставига мувофиқ равишда бошқаради, улардан фойдаланади ва тасарруф этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига йиллик ҳисобот ва фойдани тақсимлашга доир ўз таклифларини тақдим этади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фойдасини тақсимлаш

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасалари резерв системаси вазифасини бажариш натижасида ҳосил бўладиган фойдадан олинadиган солиқлардан, йиғимлар ҳамда давлат божларидан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фойдаси ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тақсимланади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари

Ягона пул-ҳисоб-китоби, кредит, валюта инвестицияси, эмиссия-касса сиёсати ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк фаолияти масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида республика ҳудудида жойлашган барча банклар ва банк муассасалари учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқаради.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг кредит ресурслари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг кредит ресурслари тубандагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида вужудга келтирилган устав, резерв ва бошқа фондларнинг маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкидаги пул омонатлари;

республика тижорат банклари томонидан мажбурий ажратмалардан ташқари қўшимча равишда ўтказилган омонатлар;

бошқа мамлакатлар банклари ва ҳукуматларининг омонатлари;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки уставида кўзда тутилган бошқа маблағлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларига тўловли кредит ресурслари беради.

14-модда. Пул муомаласини ташкил этиш

Миллий валюта жорий этилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги рублдир. Бу рубль 100 тийиндан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рубль ягона тўлов воситаси ҳисобланади. Республиканинг ўз валютаси жорий этилишида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пулни муомалага чиқариш ва муомаладан қайтиб олиш мутлақ ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул белгиларини муомалага чиқаради, уларни инкассация қилиш, сақлаш ва ташишни ташкил этади, ўзининг муассасала-

рида пул белгилари резерв фондларини вужудга келти-
ради.

Республика инкассация бошкармаси ўзининг барча бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тасарруфида бўлади.

15-модда. Пул-кредит орқали тартибга солиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит орқали республика иқтисодиёти, муомаладаги пул массасининг миқдори ва структурасини тартибга солиб турувчи идора ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган тартибда тасдиқланадиган давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишлари асосида пул массаси ҳажми ва структурасини тартибга солади.

Муомаладаги пул массасини тартибга солиш тижорат банкларига бериладиган кредитларнинг миқдорини ўзгартириш, қимматли қоғозларни ва чет эл валютасини харид қилиш ва сотиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида жойлаштирилладиган тижорат банкларининг мажбурий резервлари нормасини ҳамда фоиз ставкаларини ўзгартириш йўллари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари учун охириги бўгин кредитор бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси жамлама пул обороти ҳажмларини, пул ва давлатнинг бошқа қимматбаҳо қоғозлар эмиссиясини мустақил белгилайди.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг операциялари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

а) тижорат банкларига улар билан келишилган муддатга кредит бериш;

б) тўлаш қобилияти аниқ бўлган, шу бўйича мажбуриятли уч шахснинг имзоси бўлган векселларни ва чекларни харид қилиш, сотиш ва улар билан бошқа битимларни амалга ошириш, бунда тўлаш вақти билан сотиб олинган кун орасидаги муддат уч ой бўлиши керак;

в) қимматли қоғозларни сотиб олиш, сақлаш ва сотиш, шунингдек қимматбаҳо металлар бозорида операциялар бажариш;

г) тўлаш муддати уч ойдан ошмаслиги шарти билан, қимматли қоғозларни ва векселларни гаровга олиб,

уларнинг номинал қийматидан 90 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда кредит бериш;

д) республиканинг олтин заҳирасини шакллантириш, унинг бус-бутунлигини таъминлаш ва ундан халқ хўжалиги ҳамда ташқи савдо оборотида фойдаланиш учун олтин-кумушлар бериш;

е) чакана савдони амалга ошириш ва чет эл валюта-сида хизмат кўрсатиш учун рухсатнома бериш;

ж) пул белгилари ва тангалар тайёрлашни, ташилиши ва сақланишини ташкил этиш;

з) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ушбу Қонунда ва банк уставида назарда тутилган вазифаларига кирувчи бошқа операцияларни ва битимларни амалга ошириш;

и) рубль зонасига кирувчи давлатларнинг марказий ва миллий банклари ҳамда бошқа давлатларнинг банклари билан алоқалар ўрнатиш;

к) республика номидан халқаро молия ташкилотларига аъзолик билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан белгиланган миқдорда, умумий шартлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига кредит бериши мумкин. Ушбу миқдор доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қимматли қоғозларни келгусида жойлаштириш учун сотиб олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки республика ҳудудидаги ўз муассасалари ва тижорат банклари орқали Ўзбекистон Республикаси бюджетининг касса ижросини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа давлатларнинг банклари билан муносабатларда, халқаро банклар ва ҳамкорлик марказий банклар даражасида бўлиши назарда тутилган ўзга молия-кредит ташкилотларида республика манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати билан келишилган ҳолда давлат заёмларини жойлаштириш, уларнинг қийматини тўлаш ва улар бўйича фоизлар тўлаш билан боғлиқ операцияларни амалга оширган ҳолда (миллий ва чет эл валютасидаги) давлат қарзлари ҳисобини юритади.

17-модда. Чет эл валютаси билан операциялар қилиш ва ташқи иқтисодий фаолият

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ келган ва халқаро амалиётда фойдаланиладиган чет эл валютасидаги ҳар қандай операцияларни республикада ва чет элларда амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, валюта ва ўзга манфаатларини таъминлашга кўмаклашган ҳолда ҳукуматлараро савдо, тўлов битимларининг (шартномаларнинг, мўлжал баёнларининг) валюта-молия шартларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ҳукуматлараро битимларга (шартномаларга, мўлжал баёнларига) мувофиқ равишда рубль зонасига кирувчи давлатлар ва бошқа давлатларнинг марказий ҳамда миллий банклари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузиш;

чет эл валютасида акциялар, облигациялар ва ўзга қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш, чет эл валютасидаги фойдадан валюта фондлари ҳосил қилиш;

ташқи иқтисодий операциялар бўйича банкларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси пул бирлигининг чет эл валютасига нисбатан бўлган курсини тартибга солиш, бу пул бирлигини мустақкамлаш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ва уларни амалга ошириш;

лицензиялар бериш қоидаларини белгилаш ва тижорат ҳамда чет эл банкларига (уларнинг филиаллари ва ваколатхоналарига), шунингдек, чет эл капитали иштирокидаги банкларга валюта бойликлари билан банк операциялари ўтказишга лицензиялар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит сиёсатига мувофиқ равишда банклар учун чет эллардан кредитлар жалб этиш ҳажмларини ва улар бўйича фоиз ставкалари даражасини чеклашни жорий этиш;

ўз ҳуқуқларининг муайян қисмини тижорат банкларига ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

18-модда. Лицензияга тааллуқли вазифалар

1. Тижорат банклари, шунингдек чет эл капитали иштирокидаги банклар очиш тартиби, уларни ташкил этиш учун топшириладиган ҳужжатларнинг мазмунига қўйиладиган талаблар ва рухсатнома бериш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистондаги банкларни рўйхатга олишнинг умумреспублика китобини юритади. Янги ташкил этилаётган тижорат банклари банкларни рўйхатга олиш умумреспублика китобида қайд этилган пайдан бошлаб юридик шахс мақомини оладилар.

3. Тижорат банкни очишга рухсатнома олиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:

лицензия бериш тўғрисидаги илтимоснома;

таъсис ҳужжатлари: таъсис шартномаси, банк устави, устав қабул қилинганлиги ва банкнинг раҳбар органлари тайинланганлиги тўғрисида мажлис баёни;

иқтисодий асослар ва зарур ҳисоб-китоблар;

муассисларнинг молиявий аҳволи тўғрисида аудитор ташкилотининг хулосаси;

муассислар таклиф қилаётган банк раҳбарларининг (бошқарувчи ва бош мухосиб) касб жиҳатдан мувофиқлиги тўғрисида маълумотлар;

тижорат банки жойлашган ердаги давлат банки муассасасининг ушбу ҳудудида тижорат банкни очиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқловчи хулосаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тижорат банкни очишга розилиги ҳақидаги маълумот.

Раҳбарият таркибида ўзгаришлар содир бўлган тақдирда банк янги тайинланган мансабдор шахсларнинг профессионал маҳоратини тасдиқловчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка тақдим этади.

4. Чет мамлакатларнинг юридик ва жисмоний шахслари билан биргаликда тижорат банкни тузишга рухсатнома олиш учун ушбу модданинг 3-бандида қайд этиб ўтилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

а) ажнабий юридик шахслар:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этишда қатнашиш ёки унинг филиалини очиш тўғрисида ажнабий муассис (иштирокчи) нинг тегишли органи қабул қилган қарор;

ажнабий муассис (иштирокчи) жойлашган мамлакат назорат органининг муассис (иштирокчи) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ёки унинг филиалини очишга ёзма розилиги, агар шу талаб тегишли мамлакатнинг қонунларида кўрсатилган бўлса;

чет эллик муассис — банкнинг фаолияти тўғрисида эълон қилинган ҳисобот, республиканинг чет элдаги консуллик муассасалари (республиканинг консуллик муассасаси очилгунга қадар Россиянинг консуллик муассасаси) белгиланган тартибда тасдиқланган (устав капитали кўрсатилган ҳолда) унинг устави, бошқа чет эл муассисларига нисбатан эса ана шу муассис мамлакатнинг савдо реестридан кўчирма ёки чет эл муассиснинг юридик мақомини ва обрў-эътиборини исботловчи ўзга бир ҳужжат;

б) ажнабий фуқаролар:

ушбу шахснинг тўлов қобилиятига эга эканлиги ҳақидаги хориждаги биринчи даражали банкнинг тасдиқномаси;

хориждаги энг камида иккита юридик шахсдан ёки тўлов қобилиятига эгаллиги маълум бўлган фуқаролардан тавсиянома.

Ҳамма банкларнинг рақобат қилиш учун тенг имкониятга эга бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ажнабий банкларнинг ва чет эл капитали иштирок этадиган банкларнинг муассисларига банклар устав капиталининг энг кам ва энг юқори миқдорларига нисбатан қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки чет эл валютасида операциялар бажаришга лицензия бериш учун керакли қўшимча маълумотлар талаб қилишга ҳақлидир.

6. Лицензия бериш тўғрисидаги илтимосномалар ушбу қонунда кўрсатилган керакли ҳамма ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг икки ойдан ортиқ бўлмаган муддат ичида кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқарилган тегишли қарор жўнатилган кундан бошлаб илтимоснома кўриб чиқилган ҳисобланади.

Таъсис шартномаси ва уставнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилиб турган қонунларга мувофиқ келмаслиги, муассисларнинг иқтисодий аҳволи банк мижозлари ва омонатчиларининг манфаатларига хавф туғдирадиган даражада ёмон бўлиши, шунингдек банкнинг тавсия этилган раҳбарлари профессионал номувофиқлиги лицензия беришни рад этиш учун асос бўлади.

7. Бошқа давлатларнинг тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ўз филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари, минтақаларо банклар ташкил этишлари мумкин. Уларни рўйхатдан ўтказиш

тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади. Тижорат банкларининг филиаллари ва ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлабгина, банк операцияларини амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тижорат банкларининг филиаллари ва ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасининг "Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида"ги Қонунга асосан фойдадан, хўжалик ҳисоби даромадидан республика бюджетига солиқ тўлайди, бу солиқ тижорат банки фойдасининг, хўжалик ҳисоби даромадининг республика ҳудудида оладиган улушига мос бўлади.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк операцияларини ўтказиш учун берилган лицензияларни қуйидаги ҳолларда қайтариб олиши мумкин:

а) лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг ёлгонлиги аён бўлиб қолса;

б) лицензия олинган кундан бошлаб бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фаолият бошланмаса;

в) банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясида кўзда тутилмаган операцияларни амалга оширса;

г) банк ушбу Қонуннинг 19-моддасида назарда тутилган ҳисоботда ёлгон маълумотларни берса;

д) ушбу Қонуннинг 19-моддасида кўрсатилган асосларда.

Лицензиянинг қайтариб олиниши банкнинг тугатилишини билдиради.

Лицензияни қайтариб олиш энг охириги чора бўлиб, ундан олдин тартиб бузишларни бартараф этишга қаратилган огоҳлантириш чоралари кўрилиши керак.

9. Чет эл банклари ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рўйхат китобидан ўтганларидан сўнггина ўз фаолиятларини бошлашлари мумкин. Чет эл банкларининг ваколатхоналари ҳам ушбу китобда рўйхатдан ўтишлари шарт.

Устав фонди ажнабий ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг маблағи ҳисобига тузиладиган банкларни очиш ва улар фаолиятини тўхтатиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан тартибга солиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида чет эл банкларининг ваколатхоналарини рўйхатдан ўтказиши.

10. Банк фаолияти тўхтатилганда, чет эл банкининг филиали ёки ваколатхонаси ёхуд бошқа кредит муассасаси

тугатилганда рўйхатга олиш китобида қайд этилган ёзувлар бекор қилинади.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий жиҳатдан қай даражада мақсадга мувофиқлигига ва банкнинг бу ишга қай даражада тайёр эканлигига асосланган ҳолда, банкнинг аризасига кўра, тижорат банкларига Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга рухсат этади.

12. Тижорат банклари таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритилганидан кейин бир ой ичида ўзгартирилган ҳужжатларнинг нотариал идоралар томонидан тасдиқланган нусхаларини тақдим этишлари шарт.

13. Тижорат банклари ёки уларнинг муассислари, лицензия бериш ёки уни қайтариб олиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарори юзасидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг назорат вазибалари билан боғлиқ бошқа масалалар юзасидан судга ёки Олий ҳакамлик судига шикоят қилишлари мумкин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари фаолиятининг тартибга солиб турилиши

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг иш фаолиятида тижорат банкларининг ишлаши ва банклар ўртасида ҳалол рақобат принциплари жорий этилиши учун шарт-шароитлар яратилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг кундалик фаолиятига аралашмайди.

2. Тижорат банкларининг молиявий жиҳатдан мустақамлигини таъминлаш, уларнинг кредит олувчилари ва омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари учун қуйидаги иқтисодий нормативларни белгилайди: янгидан ташкил этилаётган тижорат банклари учун устав фондининг энг кам миқдори — 50 миллион сўм, кооператив ва хусусий банклар учун — 5 миллион сўм бўлиб, бу пул банк иш бошлагунга қадар муассислар томонидан тўланган бўлиши керак;

банкнинг ўз маблағлари миқдори билан унинг активлари суммаси ўртасидаги йўл қўйиладиган энг катта нисбат;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жойлаштириладиган мажбурий резервларнинг миқдори;

бир қарз олувчига таваккал қилиб бериладиган қарз-нинг энг катта миқдори;

баланс барқарорлигининг кўрсаткичи;

фуқаролар омонатлари суғуртасининг умумий банк фондига ва ўз резерв фондига фойдадан ажратмалар нормативлари;

валюта ва курс таваккаллари миқдорларини чеклаш.

3. Тижорат банки иқтисодий нормативларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ана шу ҳолга барҳам бериш муддатлари ва шартларини белгилайди.

Нормативлар мунтазам равишда бузилган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк операцияларини нормативларга мувофиқлаштириш муддатлари ва шартларига доир кўрсатмалари бажарилмаган, йил зарар кўриб яқунланган, банк кредиторлари манфаатларига хавф соладиган аҳвол юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банки муассислари (қатнашчилари) олдига ёки, башарти банк давлат-тижорат банки бўлса, тегишли идора олдига:

банкни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирларини кўриш;

банкни қайта ташкил этиш;

банкни тугатиш ҳақида масала қўйиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ушбу моддада белгиланган нормативларни бузаётган банклар учун иқтисодий жазо сифатида:

банкнинг қонунни бузиш орқали олган қўшимча даромади миқдорида жарима пули ундириши;

мажбурий резервларнинг нормаларини ошириши;

банк операцияларини амалга ошириш учун берган лицензияни қайтариб олиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари ва уларнинг филиаллари учун улар таҳлил ва назорат вазифаларини бажаришида зарур бўлган ҳисобот ва бошқа материалларнинг характери ҳамда ҳажмини белгилайди. Тижорат банклари ва филиаллари қайд этилган материалларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган муддатларда тақдим этишлари шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган тижорат банклари, уларнинг филиаллари ва бошқа давлатлар банкларининг филиаллари фаолияти устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ушбу Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг уставига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки назорат вазифаларини амалга ошириш йўлида тижорат банклари операцияларини ёппасига ёки оралатиб, танлаб текшириб тайинлашга ҳақлидир. Банклар фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизими мутахассислари ва аудитор ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

III БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

19¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ҳукуматнинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини рўйбга чиқарувчи, ташқи иқтисодий фаолиятга хизмат кўрсатишни таъминловчи ва валюта маблағларини жамловчи ихтисослаштирилган банкдир.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки республика Марказий банки ва Ҳукуматнинг топшириғига биноан:

экспорт товарлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун чет эл валютасида кредитлар беради, Ўзбекистон Республикасига чет эл валютасида етказиб берилаётган ва республика чет эл валютасида олаётган давлат заёмлари ва кредитларига хизмат кўрсатади, улар юзасидан ҳисоботлар қилади;

халқаро валюта-кредит бозорларида операциялар бажаради;

контракт шартларини бажаришлари вақтида чет эл банклари, концернлари, фирмалари ва бошқа шериклар айби билан олинмай қолган маблағларни ундиришга кўмаклашади;

ҳукуматлараро битимларнинг тўлов шартларини ишлаб чиқишда қатнашади;

уставда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Мар-

казий банки томонидан рўйхатга олинадиган ўз устави асосида амал қилади.

IV БЎЛИМ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ

20-модда. Тижорат банкининг вазифалари

Тижорат (акцияли, пай асосидаги ва хусусий) банклар юридик ва хусусий шахсларга ушбу Қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосларида кредит-ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизмати кўрсатадилар.

Тижорат банклари устав капитали кимга қарашли эканлигига ва уни шакллантириш услубига қараб, бажарилаётган операцияларнинг тури, фаолият кўрсатиш ҳудуди ва тармоқ белгисига қараб бир-биридан фарқланади.

Республика, минтақа дастурлари ва ўзга дастурларни пул билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва шартларда махсус тижорат банклари ташкил этилиши мумкин.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан тегишли лицензия олганларидан кейин чет эл валютасида операциялар амалга оширадилар.

21-модда. Тижорат банкларини тузиш тартиби

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинади.

Рўйхатга олиш пулладир. Уставни рўйхатга олиш хусусидаги ҳужжат банк фаолиятини бошлашга берилган рухсатдир.

22-модда. Тижорат банкларининг уставлари

1. Тижорат банклари ўз уставлари асосида иш олиб борадилар. Давлат тижорат банкининг устави банкни тузишга қарор қилган орган томонидан тасдиқланади. Шерикчилик асосида тузилган тижорат банкининг устави муассислар (қатнашувчилар) йиғилиши томонидан тасдиқланади.

2. Банкнинг уставида:

банкнинг номи ва у жойлашган ер (алоқа манзилгоҳи);
банк амалга оширадиган операцияларнинг рўйхати;

банк ташкил этадиган фондларнинг рўйхати, устав фондининг миқдори;

банк ҳуқуқий шахс эканлиги ва у тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи молия билан таъминлаши негизда ишлаши тўғрисидаги низом;

банкнинг бошқарув идоралари, уларнинг таркиби ва тузиш тартиби тўғрисидаги низом;

банкка қарашли муассасаларнинг рўйхати, уларнинг мақоми;

банк ва унинг филиалларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби;

фаолият тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мажбурияти (тартиби); Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ўзаро муносабатлари акс эттирилган бўлиши лозим.

3. Шерикчилик асосида тузилган банкнинг устави шу моддада келтириб ўтилган талаблардан ташқари, акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги амалдаги қонунларда кўрсатилган талабларга жавоб бериши лозим.

4. Уставга банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бошқа қоидалар ҳам киритилган бўлиши мумкин. Уставга ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўзгаришлар муносабати билан киритилади.

23-модда. Тижорат банкларининг устав фондларини ташкил этиш

Тижорат банкларининг устав фонди қатнашчиларнинг бадаллари, акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобига вужудга келтирилади.

24-модда. Тижорат банкларининг муассислари, акционерлари (қатнашчилари)

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳамма босқичлари ва уларнинг ижроия органлари, сиёсий ташкилотлар ва ихтисослашган жамоат фондларидан ташқари барча ҳуқуқий ва хусусий шахслар тижорат банкларининг муассислари, акционерлари (қатнашчилари) бўлишлари мумкин.

Ҳар бир муассис, акционер (қатнашчилар)нинг улушлари устав капитал миқдорининг 35 фоизидан ошмаслиги керак.

25-модда. Банкларнинг ажнабий муассислари

Чет эл банкларини ва чет эл капитали иштирокидаги банкларни ташкил этиш вақтида чет эллик муассисларнинг бири банк бўлиши керак.

26-модда. Банкларнинг мустақиллиги

Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банклари банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш вақтида давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига бўйсунмайдилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг ходимлари банклар бошқарув идораларида қатнашишлари (ўриндошлик асосида лавозим эгаллашлари) тақиқланади.

27-модда. Тижорат банкларига солиқ солиш

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги амалдаги қонунларига мувофиқ солиқлар тўлайдилар.

28-модда. Тижорат банкларининг мулкый жавобгарлиги

Тижорат банклари ўзларига қарашли барча мол-мулклар билан мажбуриятлари бўйича жавобгардирлар. Улар муассислар ва иштирокчиларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар. Муассислар ва иштирокчилар банк мажбуриятлари бўйича ўз улушлари доирасида жавобгардирлар, башарти уларнинг уставларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

Ҳ БЎЛИМ

БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲҚАМЛИГИ ВА УНИНГ МИЖОЗЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

29-модда. Тижорат банклари учун белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этиш

Банкнинг молиявий жиҳатдан мустаҳқамлигини таъминлаш ва унинг миждозлари манфаатларини ҳимоя қилиш учун тижорат банклари ушбу Қонуннинг 19-моддасида санаб ўтилган нормативларга риоя этишлари шарт.

30-модда. Банкнинг ўз маблағлари

Қуйидагилар банкнинг ўз маблағлари ҳисобланади:
устав фонди;

резервлар ва фойда ҳисобига вужудга келадиган ҳамда
банкнинг балансида турадиган бошқа фондлар;

тақсимланмаган фойда, акциячилар ёки пайчилар
ўртасида акцияларни тақсимлаш ҳисобига ёхуд пай
миқдорини ошириш ҳисобига олинган маблағ.

31-модда. Банк активлари

Қуйидагилар банк активлари ҳисобланади:

ҳуқуқий ва хусусий шахсларга бериладиган қарзлар;

қимматли қоғозларга инвестициялар;

кўчмас мол-мулкка инвестициялар;

бошқа активлар.

32-модда. Йўл қўйилиши мумкин бўлган йўқотиш-
лар ўрнини қоплаш учун резервлар

Тижорат банклари йўл қўйилиши мумкин бўлган
йўқотишлар ўрнини қоплаш учун олинадиган фойдадан
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
белгилаб қўйилган тартибда суғурта ва резерв фондлари
ташкил этадилар.

33-модда. Банк сир

1. Ўзбекистон Республикасидаги банklar ўз мижозлари
ва гумашталарининг операциялари, ҳисоб рақамлари
ҳамда омонатлари бўйича сирни сақлаш кафолатини
берадилар. Банкнинг барча хизматчилари, банкнинг, банк
мижозлари ва гумашталарининг операциялари, ҳисоб
рақамлари ва омонатларини сир сақлашлари шарт.

2. Ҳуқуқий ва хусусий шахсларнинг операциялари
ҳамда ҳисоб рақамларига доир маълумотлар ҳуқуқий ва
хусусий шахсларнинг ўзларига қонунларда назарда тутил-
ган ҳолларда судларга, тергов органларига, ҳакамлик
идораларига ва аудитор ташкилотларига, солиқ солиш
масалалари юзасидан молия ва солиқ идораларига бери-
лиши мумкин.

3. Фуқароларнинг ҳисоб рақамлари ва омонатлари
бўйича маълумотлар мижозларнинг ўзлари ёки уларнинг
вакилларидан ташқари суд ва тергов органларига ҳам
уларнинг қарамоғида бўлган ишлар бўйича мижозларнинг
ҳисоб рақамларидаги ва омонатларидаги пул маблағлари
ва бошқа бойликлари хатланиши, улардан ҳақ ундирили-

ши ёки мол-мулки мусодара қилиниши мумкин бўлган ҳолларда.

4. Ҳисоб рақамлари ва омонатларининг эгалари вафот этган тақдирда уларга қарашли ҳисоб рақамлари ва омонатлари тўғрисидаги маълумотлар ана шу ҳисоб рақамлари ва омонатларнинг эгалари банк учун қолдирган васиятномада кўрсатилган шахсларга, давлат нотариал идораларига (уларнинг ихтиёридаги вафот этган омонатчининг омонати бўйича меросхўрлик ишига тааллуқли бўлса), шунингдек хорижий мамлакатларнинг консуллик муассасаларига берилади.

34-модда. Банклардаги пул маблағларини ва бошқа бойликларни хатлаш ва ундириб олиш

1. Ҳуқуқий шахсларнинг, чет эл ва халқаро ташкилотларнинг банкда сақланаётган пул маблағлари ва бошқа бойликларини хатлаш фақат суд қарори, тергов органлари ёки ҳакамлик органлари қарори билан, шунингдек шу бойликлардан ҳақ ундириб олиш эса — фақат судлар томонидан берилган ижро варақалари, ҳакамлик идораларининг буйруғига ҳамда бошқа ижро ҳужжатларига биноан, шунингдек давлат солиқ органларининг талабига биноан амалга оширилади.

2. Фуқароларнинг банкларда сақланаётган пул маблағлари ва бошқа бойликларини хатлаш ва ҳақ ундириб олиш фақат суд ҳукми ёки қарори билан амалга оширилиши мумкин.

Фуқароларнинг пул маблағлари ва бошқа бойликларини мусодара қилиш фақат мусодара қилиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган ҳукм ёки мол-мулкни мусодара қилиш ҳақида қонунга мувофиқ чиқарилган қарор асосида амалга оширилиши мумкин.

VI БЎЛИМ

БАНКЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

35-модда. Банкларо депозит, кредит ва бошқа операциялар

1. Тижорат банклари шартнома асосларида бир-бирларининг маблағларини депозит, кредит шаклида жалб этишлари, жойлаштиришлари, ўз уставларида кўрсатилган бошқа ўзаро операцияларни амалга оширишлари мумкин.

2. Мижозларга кредит бериш ва ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш учун маблағ етишмай қолган тақдирда тижорат банклари кредит ресурслари олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мурожаат қилишлари мумкин.

36-модда. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз ставкалари

Тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил белгиланади, ammo бу ставкалар давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишларида белгилаб бериладиган фоиз ставкалари сиёсатига асосланган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлмаслиги керак.

37-модда. Банк ва унинг мижози орасидаги муносабатнинг шартномавий характери

1. Банклар билан мижозлар ўртасидаги муносабат шартномавий характерга эгадир.

2. Мижозлар ўзларига кредит-ҳисоб-китоб ва касса хизматини кўрсатадиган банкни мустақил танлайдилар.

38-модда. Монополияга қарши қоидалар

1. Банкларнинг фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорларини белгилаш масалаларида банк операциялари бозорини монополиялаштириш, банк ишида рақобатни чеклаш мақсадларида ўзларининг иттифоқларидан, уюшмаларидан ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиши тақиқланади.

2. Монополияга қарши қоидаларга риоя қилишни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, шунингдек монополияга қарши қонунларга мувофиқ шу мақсадда ташкил қилинган органлар назорат қилади.

39-модда. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар

1. Банклар ўртасидаги ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз муассасаларида тижорат банклари учун гумашталиқ ҳисоб рақами очади.

2. Банклар ҳисоб-китобларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган шаклларда амалга оширадилар.

40-модда. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш

Банклар кредитни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш борасида мижозларнинг гаровларини, кафолатларини, ишончномаларини ва бошқа шаклдаги мажбуриятларни қабул қиладилар.

Банклар кредитни моддий бойликлар билан таъминланмаган ҳолда (бланкадаги кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

41-модда. Қарздорларни тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиш

Банкдан олган кредитларни ўз вақтида қайтариш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаган қарздорларни банк тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиб, асосий кредит берганларга, юқори турувчи идорага, корхона рўйхатга олинган маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига қарздор (қатнашчи)ларни таъсис этувчиларга хабар бериши мумкин.

42-модда. Тўловга қобилиятсиз деб топилган қарздорга нисбатан кўриладиган чора-тадбирлар

Тўловга қобилиятсиз деб топилган қарздорга нисбатан, банкнинг таклифига биноан, қуйидаги чора-тадбирлар қўлланилиши мумкин:

оператив бошқарувни банк-кредитор иштирокида тайинланган маъмуриятга топшириш;

қайта ташкил этиш.

Банк таклиф этган чора-тадбирлар қарздорнинг ҳуқуқий мақомига қараб унинг юқори органи, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси, муассислар (қатнашчилар) томонидан амалга оширилади.

43-модда. Гаров

1. Банклар гаровга қўйилмаган моддий-товар бойликларни, мижоз ишлаб чиқарадиган маҳсулотни, қимматли қоғозларни, товар-тақсимот ҳужжатларини ва бошқа бойликларни гаровга қабул қилишлари мумкин. Ҳамма гаровга олинган бойликлар мижоз ҳисобидан суғурта қилинган бўлиши керак.

2. Асосий воситаларга кирувчи бинолар, иншоотлар, ускуналар, бошқа мол-мулк, башарти мижоз қонунларга мувофиқ ўзига қарашли барча мол-мулк билан мажбури-

ятлари юзасидан жавоб берса, гаров сифатида қабул қилиниши мумкин.

3. Моддий-товар бойликларни гаровга қўйиш орқали таъминланган қарзлар бўйича тўлов муддати анча (60 кундан ортиққа) ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, банк корхона гаровга қўйган мол-мулкни сотишдан тушган пулни ушбу қарзни тўлаш учун сарфлаш ҳуқуқига эгадир.

4. Банкка гаровга қўйилган мол-мулк банкнинг суд ёки ҳакамликка мурожаат қилмай туриб берган кўрсатмасига биноан сотилади.

5. Банкка гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағ банкка гаров билан таъминланган қарзни тўлаш учун ўтказилади, бунда банк бошқа ҳуқуқий ва хусусий шахсларнинг даъволарига нисбатан устунликка эга бўлади.

VI БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖАМҒАРМА ИШЛАРИ

44-модда. Аҳолининг жамғарма омонатлари

1. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг жамғарма омонатлари барча тижорат банклари томонидан қабул қилиниши мумкин.

2. Банklar аҳолидан омонатлар қабул қилиб олиш бўйича операцияларни бажаришда ўз шартларини мустақил белгилайдилар. Пул муомаласи мустаҳкамлигини таъминлаш ва пул қадрсизланиб нарх ошишининг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки омонатлар ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича чеклашлар жорий этиши мумкин.

3. Омонатлар бўйича олинадиган даромадларга солиқ солинмайди.

4. Омонатлар бўйича пул қабул қилиб олиш банklar томонидан амалга оширилади ва омонатчига жамғарма ҳужжати берилади.

45-модда. Омонатларнинг сақланишини таъминлаш бўйича банklarнинг мажбуриятлари

Аҳолидан омонатларни қабул қилувчи тижорат банклари жалб этилган маблағлардан шундай фойдаланиши керакки, натижада омонатчилар олдидаги мажбуриятлар

ўз вақтида бажарилсин ва маблағларнинг сақланиши таъминлансин.

Шу мақсадда тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаб қўядиган тартибда ва шартлар асосида аҳолининг омонатларини суғурта қиладиган банклараро фондларни тузишлари шарт.

46-модда. Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш банки

1. Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш банки (Ўзбекистон Жамғарма банки) аҳоли маблағларини банкларга жалб қилиш ва уларни жойлаштириш операцияларини амалга оширадиган ихтисослаштирилган давлат-тижорат банкидир.

2. Жамғарма банкида аҳоли омонатлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини Ўзбекистон Республикаси кафолатлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки жалб этган пул маблағлари халқ хўжалигининг кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилади ва Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки томонидан Жамғарма банки муассасалари бевосита хизмат кўрсатадиган аҳоли ва юридик шахсларга кредит беришдан фойдаланилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қарз мажбуриятларига жойлаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинadиган ўз устави асосида фаолият кўрсатади.

47-модда. Омонат қўювчилар

1. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар омонат қўювчилар бўлиши мумкин.

2. Омонатчилар ўз жамғармаларини сақлаш учун ўзлари хоҳлаган банкни танлаб оладилар, улар бир ва бир неча банкка омонатларини қўйишлари мумкин.

3. Омонатчилар ўз жамғармаларини тасарруф этишлари, омонатлар бўйича фоиз тарзида ёки банк таклиф этадиган бошқа кўринишда фойда олишлари, нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишлари мумкин.

4. Омонат қўювчи вафот этган тақдирда омонатни истаган шахсга ёки давлатга бериш тўғрисида банкка топшириқ бериши мумкин.

Омонат қўювчи вафот этган тақдирда банклар топшириқ берилмаган омонатни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда меросхўрларга берадилар.

48-модда. Вояга етмаганларнинг омонатларга доир ҳуқуқлари

1. Ўз номига ўзи омонат қўйган вояга етмаган шахс бу омонатни мустақил тасарруф этади.

2. Кимдир томонидан вояга етмаган шахс номига қўйилган омонатларни:

а) вояга етмаган шахс 15 ёшга тўлгунига қадар — вояга етмаган шахснинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари;

б) вояга етмаган шахс 15 ёшга тўлганда — ота-онаси ёки бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан вояга етмаган шахснинг ўзи тасарруф қилади.

VIII БЎЛИМ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ БЕРИШ ҲАМДА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

49-модда. Тижорат банкларида ҳисоб ва ҳисобот бериш

Тижорат банкларида мухосибот ҳисоби ва ҳисобот бериш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган ягона қоидалар асосида амалга оширилади.

50-модда. Йиллик баланс, кўрилган фойда ва зарар ҳисобларини эълон қилиш

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган шакл ва муддатларда йиллик баланс, кўрилган фойда ва зарар ҳисобларини бу ҳисобларда берилган маълумотларнинг тўғрилигини аудитор ташкилотлар тасдиқлаганидан кейин эълон қиладилар.

51-модда. Аудитор текширувлар

Қонунларга мувофиқ текширувларни ўтказиш ваколати берилган аудитор ташкилотлар тижорат банкларининг фаолиятини текшириши керак.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 15 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING Қ О Н У Н И

КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил № 8, 191-модда), 1992 йил 14 январдаги ва 1992 йил 2 июлдаги Қонунларига биноан киритилган ўзгартишлар билан)

"Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджетининг ҳамда маҳаллий бюджетларнинг солиқлар тарзидаги даромадлар манбаларини белгилаб беради, бу солиқларни жорий этишдан кўзланган мақсад давлат ижтимоий кафолатларининг молиявий базасини таъминлашдан, ҳуқуқий шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишдан, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланишни ва атроф муҳитни муҳофаза этишни рағбатлантиришдан иборатдир.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи солиқлар, солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари, солиқларни тўлаш тартиби, солиқ солиш юзасидан берилadиган имтиёзлар, қонунни бузганлик учун жавобгарлик ҳамда солиқлар тўлаш муносабати билан келиб чиқadиган низоларни ҳал этишнинг умумий тартиби белгиланади. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг фаолиятини солиқ йўли билан тартибга солиш қуйидаги умумий қоидалар асосида амалга оширилади:

— манбаларидан қатъи назар барча даромадлардан солиқ тўланиши мажбурийлиги;

— барча ҳудудий-маъмурий поғоналар учун ягона бўлган умумдавлат солиқ сиёсатини маҳаллий ҳокимият идораларининг умумдавлат солиқ сиёсати доирасида солиқларга оид қонун чиқариш фаолиятидаги мустақиллиги билан уйғун ҳолда амалга ошириш;

— ўз фаолияти билан энг муҳим ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этишга кўмаклашаётган

самарали ишловчи корхоналарга имтиёз бериш, шунингдек хўжалик юритишнинг илғор шакллари рағбатлантириш системаси орқали солиқ мезонларининг рағбатлантирувчи аҳамиятини таъминлаш;

— декларациялар ҳамда танлаб ўтказиладиган текшириш ва тафтишларни уюштириш асосида барча субъектларнинг солиқ тўловлари юзасидан олган мажбуриятлари устидан молиявий назорат қилиш, қонунларни бузувчиларга нисбатан иқтисодий чоралар кўриш.

Ушбу Қонунга мувофиқ даромад келтирадиган тадбиркорлик фаолияти ва ўзга фаолият билан шуғулланувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида қуйидаги солиқларни тўлайдилар:

корхоналар даромадига солинадиган солиқ;

қўшилган қиймат учун солиқ;

акциз солиғи;

корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқ;

экспорт-импорт солиғи;

жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш фондига солинадиган солиқ.

Солиқ тўловларининг суммаси Ўзбекистон Республикаси бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар, Тошкент шаҳри бюджетларига ва бошқа маҳаллий бюджетларга ҳар йили келаси молиявий йил учун бюджет тасдиқланаётганида белгиланадиган нормативлар бўйича ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига биноан ўз ҳудудида корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқларни белгилайди.

Ҳокимиятнинг маҳаллий идоралари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ва солиқ сиёсатининг умумий йўналишига асосланган ҳолда ўз ҳудудларида олинадиган маҳаллий солиқларни белгилайдилар.

Солиқнинг аниқ турини белгиланган ҳокимият идораси ёки у вакил қилган бошқа идора:

— солиқ тўловчини;

— солиқ солинадиган объектни;

— солиқ ставкаларини;

— солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини;

— солиқ солиш бўйича имтиёзларни;

— солиқнинг амал қилиш муддатини белгилайди.

КОРХОНАЛАР ДАРОМАДИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

1-модда. Солиқ тўловчилар

Қуйидагилар солиқ тўловчилар ҳисобланади:

юридик шахс бўлган (2-моддада санаб ўтилганлардан ташқари) мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек юридик шахс бўлмаган, лекин мустақил балансига ҳамда банк муассасаларида ҳисоб-китоб счегага эга бўлган корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа мустақил бўлинмалари;

хўжалик ҳисобида турмайдиган, лекин хўжалик (тижорат) фаолиятдан даромад оладиган ташкилотлар, бюджетдаги илмий-текшириш ташкилотлари бундан мустаснодир;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳамда уларнинг филиаллари ва шўьбалари; хўжалик (тижорат) фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга ошираётган халқаро бирлашмалар, ўзга давлатлар ҳудудида жойлашган корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги филиаллари ва шўьбалари;

хўжалик (тижорат) фаолиятини амалга ошираётган ҳукумат тасарруфида бўлмаган халқаро ташкилотлар (бирлашмалар);

банклар, суғурта идоралари.

Ушбу моддада кўрсатилган солиқ тўловчилар бундан буён "корхоналар" деб аталади.

2-модда. Тўловчиларнинг алоҳида тоифалари

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, деҳқон (фермер) хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналари фақат қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган фаолиятдан келган даромадлари бўйича, қишлоқ хўжалигига оид бўлган фаолиятнинг эса тўловчининг ўз тасарруфидаги ер билан таъминланмаган қисми бўйича олинган даромадлар юзасидан даромад солиги тўловчи ҳисобланадилар. Тўловчиларнинг алоҳида тоифалари: ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан бюджетни тасдиқлаш чоғида қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

3-модда. Солиқ солиш объекти

1. Корхонанинг ҳисобот давридаги ялпи даромади солиқ солиш объекти бўлади.

Солиқ солиш мақсадларида корхонанинг ҳисоблаб чиқилган ялпи даромади маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни, ўзга моддий бойликларни реализация қилишдан келган тушум суммасидан ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операцияларнинг натижасидан иборат бўлади.

2. Ушбу Қонунда маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан келган тушум деганда ортиб жўнатилган маҳсулот ва бажарилган иш ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўланган счётлар бўйича сумма, шунингдек реализация қилинган маҳсулот учун ҳақ сифатида солиқ солинадиган давр тугагунга қадар корхоналарнинг банкдаги счётларига, кассаларга амалда тушган пул маблағлари ва бошқа тушумлар тушунилади, башарти махсус норматив ҳужжатларда ўзгача тартиб кўзда тутилмаган бўлса.

3. Харид моллари билан савдо қилувчи корхоналар учун солиқ солиш мақсадларида реализация (тушум)дан олинadиган даромадлар деганда реализация қилинган товарларнинг сотиб олинган ва сотилган қиймати ўртасидаги фарқ тушунилади.

4. Воситачилик фаолиятдан (комиссион мукофот сифатида) даромад олаётган корхоналар учун солиқ ундириш мақсадларида реализациядан олинadиган даромадлар деганда солиқ олинadиган даврда амалга оширилган барча битимлар юзасидан олинган комиссион мукофотлар (фоизлар) суммаси тушунилади.

5. Реализацияга оид бўлмаган операцияларнинг натижалари деганда мулкни ижарага топширишдан келган тушумлар, олинган жарималар ва неустойкалар, облигациялардан олинган даромадлар, берилган ссудалар бўйича олинган фоизлар ва даромадларга кирувчи бошқа тушумлар тушунилади.

Солиқ солиш мақсадларида ҳисоблаб чиқиладиган реализацияга оид бўлмаган операцияларнинг натижаларига акциялардан олинган дивидендлар ва ўзга корхоналарнинг устав фондларига киритилган капиталдан олинган даромадлар кирмайди.

6. Ҳам бевосита айирбошлаш орқали, ҳам маҳсулотни таннархидан арзонроқ баҳода бериш орқали товар айирбошлаш операцияларини амалга оширувчи корхоналар

учун реализация қилишдан олинган даромад деганда битимнинг суммаси тушунилади, бу сумма худди шундай маҳсулотни реализация қилишда битимни амалга ошириш тариқасида қўлланилган баҳодан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Бунда қатъий белгиланган нархлар ва тарифлар бўйича ишлаётган корхоналар учун ҳисоб-китоб баҳоси деганда қатъий белгиланган нарх тушунилади, бошқа ҳар қандай нархлар ва тарифлар бўйича ишлаётган корхоналар учун эса — давлат статистика идоралари томонидан биржалардаги битимлар ҳажми бўйича тахминан ҳисоблаб чиқилган ўртача биржа нархи тушунилади.

7. Умумий вазифаларни ҳал этиш учун жамланган бадаллар, улушлар ва ўзга аниқ мақсадга қаратилган молиявий маблағлар ана шу умумий вазифаларни ҳал этиш учун махсус тузилган юридик шахсларнинг даромадларига кирмайди ва улар солиқ солиш объекти бўлиши мумкин эмас. Ушбу юридик шахс тижоратдан ёки жамланган маблағни ўзгача тарзда ишлатишдан олган даромад солиқ солиш объекти ҳисобланади.

4-модда. Солиқ солиш базасини ҳисоблаб чиқиш

Ушбу Қонунга мувофиқ солиқ тўловчи деб ҳисобланган корхоналарга солиқ солиш мақсадларида моддий ва унга тенглаштирилган ўзга харажатлар, шунингдек мажбурий тўловлар, чунончи:

қўшимча қиймат солиғи, акцизлар, республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетиладиган хом ашё ресурслари ва маҳсулотларга солинадиган солиқлар, ер солиғи суммаси:

Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш фондига, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фондига ажратиладиган суммалар, мажбурий суғурта тўловлари бўйича киритиладиган суммалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланадиган бошқа мажбурий тўловлар;

муддати ўтказиб юборилган ва муддати кечиктирилган ссудалар бўйича фоизлар суммасидан ташқари банк кредитлари учун тўланадиган фоизлар суммаси;

белгиланган тартибдаги рента тўловлари суммаси;

солиқ тўлаш даврида ҳисоблаб чиқилган ва реализация қилинган маҳсулот таннархининг калькуляциясида ҳисобга олинган асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун сарфланадиган амортизация ажратмаларининг сум-

маси. Бунда ишлаб чиқаришни тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган нормаларга мувофиқ амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияси иштирокида ташкил этилган корхоналар, бундай корхоналарнинг бошқа мамлакатлар ёки республикаларнинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси корхоналари иштирокида ташкил этилган шўъба корхоналари ва филиаллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чет эл корхоналари, башарти халқаро ва республикалараро шартномалар ҳамда амалдаги қонунларда ўзга қоидалар назарда тутилмаган бўлса, асосий ишлаб чиқариш фондларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмаларини республика корхоналари учун белгиланган нормалар бўйича ва тартибда ажратадилар;

ижара тўлови (молия лизинги бўйича ҳисоб-китоб). Бунда асосий фондларнинг ҳаммасини ёки муайян қисмини ижарага олган, шу жумладан бу фондларни мулкдордан сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олган ёки молия лизингидан фойдаланадиган корхоналар ижарага олинган асосий фондларни тўла тиклаш учун амортизация ажратмаларини ижара ҳақиға (молиявий лизинг бўйича ҳисоб-китобларға) қўшадилар;

буюм-натура шаклида бўлмай, аммо корхонаға даромад келтирувчи ёки даромад олиш учун шароит яратувчи сотиб олинадиган номоддий активларнинг суммаси. Номоддий активларнинг таркибига: сотиб олинадиган патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, лицензиялар, "ноу-хау", дастурларни таъминлаш, ўз патентлари ва савдо маркасидан фойдаланиш қиймати қўшилади. "Номоддий активлар" моддаси бўйича қилинадиган харажатларни амортизация ажратмалари сингари ялпи даромаддан чиқариб ташлашға рухсат этилади. Чиқариб ташлаш тартиби тўловчи томонидан белгиланади. Бунда амортизация муддати беш йилдан ошмаслиги керак;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ номоддий активларға бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш билан боғлиқ барча турдаги тўловлар;

маҳсулотлар сертификацияси, маслаҳатлар бериш, ахборот ва аудитор хизматлари кўрсатиш бўйича ишларға ҳақ тўлашға кетадиган харажатлар суммаси;

ёнгиндан сақлаш ва қоровуллик хизмати учун чет корхоналарға тўланадиган ҳақ;

алоқа хизмати ва ҳисоблаш марказлари хизматлари учун ҳақ тўлашга кетган харажатлар суммаси;

амалдаги қонунларга мувофиқ хизмат сафарларига кетган харажатлар суммаси;

амалдаги нормаларга мувофиқ вакиллик қилиш мақсадларига сарфланган суммалар;

реклама учун кетган харажатлар суммаси;

корхона солиқ солиш даври тугаши кунига қадар амалга оширган бўлиб, реализация қилинган маҳсулотлар (хизматлар) қийматига киритилган моддий харажатлар чиқариб ташланган ҳолда корхонанинг ялпи даромади солиқ солиш базаси сифатида белгиланади.

Ушбу модданинг 9, 10, 11 ва 14-қисмларида кўрсатиб ўтилган харажатлар хизматлар учун белгиланган амалдаги нормалар ва тарифлардан ошмайдиган миқдорларда солиқ солиш базасидан (ялпи даромаддан) чиқариб ташланади.

Банкларнинг солиқ солиш базаси юқорида санаб ўтилган харажатлар ва мажбурий тўловлардан ташқари харажатлар ҳамда ажратмаларнинг қуйидаги суммаларига, чунончи:

банклардан вақтинча фойдаланиш учун олинган кредит ресурслари учун тўловлар суммасига, операция сарф-харажатлари, пул маблағлари ва қимматбаҳо ашёларни ташиш ва сақлаш сарф-харажатлари;

ҳисоб-китоб ва жорий счетлар бўйича, депозит счетлар, аҳоли жамғармалари, давлат суғурта счетлари бўйича ҳосил бўлган ва тўланган фоизлар;

банкларнинг резерв ва суғурта фондларига банк устав фондининг 25 фоизига етгунча қилинадиган банклар даромадларининг 20 фоизидан иборат бўлган ажратмалар миқдорига камайтирилади. Омонат банки учун резерв фондига ажратма нормативи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Суғурта ташкилотларининг солиқ солиш базаси, ушбу моддада санаб ўтилган харажатлар ва мажбурий тўловлардан ташқари, харажатлар ва ажратмаларнинг қуйидаги суммаларига, чунончи:

1) суғурталаш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича берилган тўловлар суммасига — улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

қайта суғурта шартномалари бўйича ўтказилган тўловлар суммаси;

ҳисобот йилининг охирига келиб амал қилиши тўхтамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўловлар суммаси;

суғурта ва қайта суғурта қилиш мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва устама қўйиб ҳисоблаб чиқилган суммалар;

ўтган йилларда юз берган ҳодисалар юзасидан охирига етказилмаган суғурта тўловларининг суммаларини, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар;

суғурта тўлаш ҳоллари рўй бергану, бироқ кўрилган зиён миқдорлари тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммасини ўз ичига оладиган суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари бўйича харажатлар суммалари;

2) суғурта ва резерв фондларига ажратмалар суммасига.

Суғурта ва резерв фондларига ажратмалар даромад суммасидан фоизлар тарзида амалга оширилади. Ажратмалар фоизи суғурта ташкилоти томонидан суғуртанинг ҳар бир тури учун тузилган суғурта шартномаларининг миқдори ва амал қилиш муддатига, суғурта мажбуриятларининг ҳажмига, суғурта ишларидаги таваккалчиликнинг характериға, аввал амал қилган шартномалар бўйича амалга оширилган тўловларнинг миқдорига ҳамда суғуртанинг муайян туридаги ва умуман суғурта ташкилоти фаолиятида юзага келадиган ўзга алоҳидаликларга асосланиб, мавжуд лицензияларга мувофиқ ҳолда белгиланадиган нормативларнинг жамламаси бўйича аниқланади.

Бунда суғурта ташкилотининг суғурта ва резерв фондларига ажратмалар миқдори суғурта ташкилоти устав фондининг 25 фоизига етгунича суғурта ташкилотлари даромадларининг 20 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

3) суғурта ташкилоти суғурта тўлашга сабаб бўладиган ҳодисалар юз беришининг олдини олиш ва бу тўғрида огоҳлантириш чора-тадбирларига (эҳтиёт чораларига) сарфлайдиган;

депозитлар бўйича Давлат суғуртаси олган фоизга тенг маблағлар суммасига камайтирилади.

Хорижий юридик шахслар, ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг даромадлари бўйича солиққа тортиладиган базаси резерв фонди ва шунга ўхшаш фондларга қаратилган даромадлари 20 фоизгача камайтирилади. Фақат бу фондларга қаратилган даромад устав фондининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

5-модда. Моддий харажатлар

1. Солиқ солиш базасини ҳисоблаб чиқиш чоғида корхонанинг моддий харажатларига (ишлаб чиқаришнинг қайси босқичида қилинишидан қатъи назар) тўланган ва реализация қилинган маҳсулот таннархининг калькуляциясида ҳисобга олинган қуйидаги харажатлар киради, чунончи:

четдан сотиб олинadиган ҳамда мазкур корхонада ишлов берилadиган, қайта ишланадиган хом ашё ва материалларга (қайта сотиш мақсадида сотиб олинadиган хом ашё ва материаллардан ташқари) кетадиган харажатлар;

корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган материалларни сотиб олишга кетадиган харажатлар;

асосий фондларга кирмайдиган асбоблар, мосламалар, инвентарлар, ускуналар, коржомалар ҳамда реализация қилинган маҳсулот таннархига киритилadиган, нархи паст ҳамда тез ишдан чиқадиган бошқа ашёларнинг эскириши билан боғлиқ харажатлар;

сотиб олиниб, корхонада монтаж қилиниши ва қўшимча равишда ишлов берилиши лозим бўлган комплектловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотларга қилинадиган харажатлар;

чет корхоналар ёки корхонанинг ўз мустақил балансига эга бўлган бўлинмаси томонидан бажариладиган ишлаб чиқариш характеридаги ишлар ва хизматларга кетадиган харажатлар. Ўз мустақил балансига эга бўлган бўлинма бажарадиган ишлар ва кўрсатадиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ ана шундай бўлинманинг даромадлари таркибига қўшилади;

технология мақсадларига, бошқа турдаги энергия ҳосил қилиш, иситиш, ўз транспорти учун фойдаланиш мақсадида сарфланадиган барча турдаги ёқилгини четдан сотиб олишга кетадиган харажатлар;

корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги энергияни сотиб олишга, шу жумладан бу энергияни хўжалик ичида трансформациялаш ва узатишга кетадиган харажатлар;

геология-разведка ва геология-қидирув ишлари;

асосий ишлаб чиқариш фондларини таъмирлашнинг барча турларини (жорий, ўртача, тубдан таъмирлаш) ўтказишга қилинадиган харажатлар;

ерларни рекультивациялаш, шу жумладан чет ташкилотлар томонидан бажариладиган рекультивация ишлари; табиий хом ашёдан фойдаланиш, илдизи билан сотиладиган дарахтлар учун, белгиланган лимитлар доирасида сув хўжалиги тизимидан олинадиган сув учун тўланадиган ҳақ. Бунда табиий ресурслар учун бошқа турдаги тўловлар, шу жумладан ижара шаклидаги тўловлар ва жарималар корхоналарда қоладиган даромад ҳисобидан амалга оширилади;

сотиб олинаётган ресурсларнинг нархига киритилмаган идишлар ва ўраш материалларининг қиймати;

мол етказиб берувчининг кучи билан молларни ташиш, етказиб бериш ва сақлашга қилинадиган харажатлар. (Башарти молларни ташиш, етказиб бериш, шу жумладан ортиш-тушириш, сақлаш ишлари учинчи ташкилотлар ёхуд пул тўловчининг ўз кучи билан амалга оширилса, молнинг нархига қўшилмайди, бироқ ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли моддаларига киритилади).

2. Моддий ресурсларга қилинадиган, маҳсулотларнинг таннархига қўшиладиган харажатлардан қайта тикланадиган чиқитларнинг қиймати чиқариб ташланади.

3. Моддий харажатларнинг калькуляция қилиш пайтида таннархга қўшиладиган барча қолган моддалари солиқ солиш базасини ҳисоблаб чиқиш чоғида корхона ялпи даромадидан чиқариб ташланмаслиги керак.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси моддий харажатлар ва уларга тенглаштирилган харажатлар рўйхатига аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ аниқликларни киритишга ҳақли.

6-модда. Солиқ ставкалари

4-моддага мувофиқ ҳисоблаб чиқилган солиқ солиш базасига қуйидаги тарзда солиқ солинади:

1) мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналарнинг даромадларига, ушбу модданинг 2, 3, 4 ва 5-бандларида санаб ўтилганларидан ташқари, 18 фоиз ставка бўйича солиқ солинади.

Халқ хўжалигининг айрим тармоқлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан энг камида 12 фоизгача пасайтирилган ставкалар ва кўпи билан 30 фоизгача оширилган ставкалар белгиланиши мумкин;

2) банклар, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, давлат тасарруфида бўлмаган тижорат суғурта ташкилотларининг даромадларига 30 фоизгача ставка бўйича солиқ белгиланади. Банк ва суғурта идораларига солиқ солишнинг ўзига хос жиҳатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

3) видеосалонлар (видео кўрсатувлар), ким ошди савдолари, казинолар, пул ютуғи чиқадиган ўйин автоматлари, давлатга қарашли бўлмаган идоралар ўтказадиган лотерея ўйинларидан ва оммавий концерт-томоша тадбирлари ўтказишдан олинадиган даромадларга 60 фоиз ставка бўйича солиқ солинади;

4) чет эл капиталининг улуши устав фондининг 30 фоиздан камни ташкил этган қўшма корхоналарнинг даромадларига ушбу модданинг 1-бандига мувофиқ, устав фондида чет эл капиталининг улуши 30 фоиздан кўп бўлган корхоналарнинг, шунингдек чет эл корхоналарининг, улар филиалларининг, ваколатхоналарининг ва шўба корхоналарининг даромадларига эса 10 фоиз ставка бўйича солиқ солинади;

Устав фондида чет эл капитали бўлган қўшма корхоналар хорижий қатнашчиларининг даромадлари чет элга ўтказилаётганда, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, уларга 15 фоиз ҳажмда солиқ солиниши керак.

Даромадлар чет элга ўтказилаётганда солиқ тўловининг суммаси ўтказилаётган даромад валютасида тўланади;

5) ажнабий юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятга боғлиқ бўлмаган даромадлар олганларида дивидендлардан, фоизлардан, муаллифлик ҳуқуқлари ва лицензиялардан, фрахтдан, ижара тўловларидан ҳамда манбаи Ўзбекистон Республикасида бўлган ва Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган ўзга даромадлардан, башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, доимий ваколатхоналар орқали даромаднинг 20 фоизи (фрахтдан олинган даромаддан ташқари) миқдоридagi ставка бўйича солиқ тўлайдилар;

6) халқаро ташиш ишларини амалга оширганлиги учун ажнабий юридик шахсларга тўланадиган фрахт даромади суммасига 6 фоиз ставка бўйича солиқ солинади;

7) корхонанинг акциялар бўйича олинган дивидендлардан тушадиган даромадига ҳамда ўзга корхоналарнинг

устав фондига киритган капиталдан олган бошқа даромадларига 15 фоиз ставка бўйича солиқ солинади.

7-модда. Солиқ ставкаларини ўзгартириш

Солиқ ставкаларининг миқдори, шунингдек солиқ имтиёзларининг таркиби ва бу имтиёзларни бериш тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши келгуси молиявий йил учун бюджет тасдиқланаётганида аниқлик киритиши мумкин.

8-модда. Солиқ тўловларини бюджетга ўтказиш

Солиқ тўловларининг суммаси ҳар йили қонуний тартибда белгиланадиган нормативлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг бюджетига, Қорақалпоғистон Республикасининг бюджетига, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва бошқа маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

II б о б

КОРХОНАЛАР ДАРОМАДЛАРИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

9-модда. Солиқдан озод этиш

Қуйидаги корхоналар даромад солиғи тўлашдан озод этиладилар:

а) ходимларнинг умумий сонига:

ногиронлар камида 50 фоиз бўлган;

ўрта мактаб ўқувчилари ва ҳунар-техника билим юртининг талабалари камида 75 фоиз бўлган корхоналар;

б) протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез тайёрлаб беришга ихтисослашган корхоналар;

в) тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга оширишдан даромад оладиган корхоналар;

г) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари;

д) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, уларга қарашли муассасалар, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари;

е) Қизил Ярим ой жамияти, Уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти, Афғонистон фахрийларининг иттифоқи, "Орол", "Наврўз", тadbirkorлар мадади, Улуғбек, Навоий, Ойбек, Қодирий номидаги жамғармалар, ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларга ёрдам жам-

гармаси, Халқ дипломатияси бош миссияси жамғармаси, Ўзбекистон маданияти уюшмаси, Байналмилалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бошқа хайрия жамғармалари ва уюшмалари, уларнинг бўлинмалари, шунингдек ёшлар жамғармалари ўз устав фаолиятларини амалга оширишга қаратиладиган даромадлари бўйича;

ж) олий, ўрта махсус ўқув юртлари, ўрта ва ҳунар-техника билим юртлари ҳузурида ёшлар, касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан тузилган корхоналарнинг талабалар ва ўқувчилар ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратиладиган даромадлари;

з) деҳқон бозорларининг қурилишга ва ўз моддий-техника базасини кенгайтиришга, ўзига қарашли меҳмонхоналарни ривожлантиришга, ободонлаштиришга, бозорларни ишлатиш харажатларини қоплашга қаратиладиган даромадлари;

и) шаҳар пассажир транспортининг даромадлари (таксидан ташқари);

е) матбуот тарқатиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатишдан келадиган даромадлар;

л) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишларидан олинган даромадлар;

м) уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашлари ҳузурида тузилган уруш ва меҳнат ветеранларининг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари, башарти, уларда ишлатганларнинг камида 50 фоизини пенсия ёшига етганлар (пенсионерлар) ташкил этса;

н) ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг корхоналари;

о) Қизил Ярим ой жамиятининг корхона, ташкилот ва муассасалари, бу маблағлардан Жамиятнинг устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилиш шарти билан.

10-модда. Янги тузилган корхоналар учун имтиёзлар

Янги ташкил қилинган корхона (биржалар, тайёрлов, улгуржи, таъминловчи-сотувчи, воситачи ва савдо-тижорат корхоналаридан ташқари) тузилган (рўйхатдан ўтган) пайтдан бошлаб биринчи йили белгиланган ставкадан 25 фоиз миқдорда ва иккинчи йили 50 фоиз миқдорда солиқ тўлайдилар.

Аввал амал қилиб турган корхоналар, уларнинг филиаллари ва тармоқ бўлинмалари асосида тузилган корхоналар учун, шунингдек корхоналар, бирлашмалар ва

ташкilotлар ҳузурида тузилган бўлиб, улардан ижарага олинган ускуналар ёрдамида ишлаётган корхоналарга ушбу имтиёз тааллуқли эмас.

Корхона фаолияти уч йиллик муддат ўтмай туриб тўхтатилган тақдирда солиқ суммаси унинг бутун фаолият даври учун тўла миқдорда ҳисобланади.

11-модда. Солиқдан вақтинча озод этиш

Қуйидагилар:

1) корхона — оладиган даромад ва валюта тушуми икки йил давомида, яъни:

а) патент эгаси ўз ишлаб чиқаришида ихтиролардан фойдаланишдан ва унга лицензия сотишдан — ихтиродан фойдаланган ёки лицензия сотилган санадан бошлаб патент амал қиладиган муддат атрофида;

б) лицензия сотиб олиш натижасида ихтиродан фойдаланишдан, ихтиродан фойдаланила бошланган санадан бошлаб;

в) ёки патентланган ихтирони қўллаб янги техника тайёрлаш учун махсус яратиладиган янги ишлаб чиқариш билан, корхона ёки янги ишлаб чиқариш ишга туширилган санадан бошлаб;

2) хорижий қатнашчининг устав фондидаги улуши 30 фоиздан ортиқ бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаб чиқаришга (узум винолари ва мева-резавор винолари, маст қилувчи ичимликлар тайёрлашдан ташқари), халқ истеъмоли моллари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга, тиббиёт ускуналари, қишлоқ хўжалиги, снгий ва озиқ-овқат саноати учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаришга, иккиламчи хом ашёни ва рўзгор чиқиндиларини тайёрлаш, қайта ишлашга ихтисослашган қўшма корхоналар, уларнинг филиаллари ва шўъбалари рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб икки йил давомида солиқ солишдан озод этиладилар.

Агар қўшма корхона икки йил давомида ўз устав фондиди шакллантирмаса ёки солиқ тўлашдан озод этилган корхона уч йиллик муддат ичида тугатилган тақдирда солиқ суммаси умумий белгиланган тартибда ва тўла миқдорда унинг бутун фаолият кўрсатган даври учун ундирилади.

3) деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусий корхоналар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлаш, халқ истеъмоли моллари чиқариш ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш бўйича —

рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида солиқ солишдан озод қилинади.

12-модда. Солиқ солиш базасининг камайтирилиши

Солиқ солиш базаси қуйидаги суммага камайтирилади: корхоналар балансида турувчи соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари ва уй-жой фондини сақлаш бўйича маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланган нормативларга мувофиқ қилинган харажатлар суммасига, шунингдек корхоналарнинг санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улушбай асосида иштирок этганида қилган харажатлари суммасига;

озиқ-овқат, бинокорлик материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун инвестицияга, шунингдек инвестицияни амалга ошириш мақсадида олинган кредитларни тўлаш учун қилинган харажатларнинг 30 фоизига. Қайд этиб ўтилган имтиёз инвестицияни амалга ошириш учун ўзларидаги мавжуд амортизация ажратмаларини бутунлай ишлатиб бўлган корхоналарга берилади;

алоқа корхоналарига капитал маблағ сарфларининг корхоналар тасарруфида қолдириладиган даромадлар қопламайдиган миқдорини пул билан таъминлаш учун берилган кредитни тўлаш мақсадида фойдаланилган даромад суммасига;

табиатни қўриқлаш чора-тадбирларини амалга оширишга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажаришга, янги технологиялар ва маҳсулот турларини ўзлаштиришга қилинаётган харажатларнинг 30 фоизига;

корхоналар аввалги йилнинг тегишли даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли буюмлари, болалар буюмлари, болалар учун озиқ-овқат ва дори-дармонлар ишлаб чиқариш физик ҳажмларини оширганлиги ҳисобига олган даромаднинг 20 фоизига;

маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун экология, соғломлаштириш ва ўзга хайрия жамғармаларига (башарти улар рўйхатдан ўтган юридик шахслар бўлса) киритган бадаллар суммасига, лекин солиқ солинадиган даромаднинг кўпи билан 1 фоизига;

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ва жамоат ташкилотлари ҳамда бирлашмаларининг (касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), ижодий уюшмалар, хайрия жамғармаларининг ана шу ташкилотлар, жамиятлар, бирлашмалар, уюшмалар ва жамғармалар устав фаолиятини амалга оширишга қаратиладиган даромадларидан қилинадиган ажратмалар суммасига;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасининг авариялар, фалокатлар ва табиий офатлар чоғида қутқариш ишларини олиб бориш билан боғлиқ бўлган ихтисослашган авария-қутқарув бўлинмаларининг моддий-техника базасини тайёрлашга, жиҳозлашга қаратиладиган харажатларнинг 30 фоизига;

ходимларга касб ўргатишга, уларнинг малакасини оширишга, стажировкасига ва ўсмирлар орасида мактабдан ташқари ишлар олиб боришга сарфланадиган харажатлар суммасига;

вақтли матбуот нашрлари, болалар нашрлари, ўқув, кам тиражли (2000 нусхагача), илмий ва техника адабиёти, кам сонли халқлар тилида чиқарилган адабиётлар ва сенсор нуқсонлари бор шахслар учун нашрлар чиқаришдан келадиган даромадларнинг 20 фоизига;

ижтимоий соҳага мўлжалланган объектлар барпо этувчи қурилиш ташкилотлари даромадининг 15 фоизига;

умумий фойдаланишдаги йўлларни сақлаб туриш, ремонт қилиш ва қуришга қилинган ажратмаларга;

Қизил Ярим ой жамиятига киритилган бадаллар ва ўзга хайрияларга камайтирилади.

13-модда. Ажнабий шерикларга имтиёзлар бериш тартиби

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузилган, устав фондида чет эл капитали бўлган қўшма корхонанинг Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномага мувофиқ тақсимот тартибига кўра ўзига тегишли даромаддан солиқ тўлашдан бутунлай ёки қисман озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий қатнашчиси солиқни камайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ариза тақдим этади. Агар ариза даромад чет элга ўтказилганидан кейин берилса, у даромад ўтказилган кундан бошлаб календарь йил ичида тақдим этилиши лозим. Бир йил муддат ўтиб кетгач берилган аризалар қараб чиқилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига биноан Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан оладиган даромадидан солиқ тўлашдан бутунлай ёки қисман озод этилиш ҳуқуқига эга бўлган ажнабий юридик шахслар ушбу ҳуқуқдан мазкур модданинг 1-бандида баён этилган тартибда фойдаланадилар.

14-модда. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг имтиёзлар бериш тартиби

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари даромадлардан олинadиган солиқлар юзасидан ўз ҳудудларидаги тўловчилардан олинadиган ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган солиқ суммалари доирасида қўшимча имтиёзлар беришлари мумкин.

15-модда. Давлатнинг қимматли қоғозларидан келадиган даромадларга солиқ солиш

Давлат облигациялари ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари бўйича олинadиган фоизлар ва дивидендлар солиқ солишдан озод қилинади.

III б о б

Қўшилган қийматга солинадиган солиқ

Қўшилган қийматга солинадиган солиқ товарларни сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида янги ҳосил қилинган қийматга асосланган ҳолда соф даромаднинг бир қисмини бюджет даромадига олиб қўйишнинг бир шаклидир.

16-модда. Солиқ тўловчилар

Мулкчиликнинг барча шаклларига кирувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар, ушбу Қонуннинг 1-моддасида санаб ўтилган уларнинг мустақил бўлинмалари ва филиаллари солиқ тўловчилардир, банклар ва суғурта ташкилотлари бундан мустасно.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳамма турлари билан шуғулланадиган ва юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган шахслар ҳам қўшилган қийматдан солиқ тўловчилар бўладилар.

17-модда. Солиқ солиш объекти

Маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни реализация қилиш оборотлари солиқ солиш объектларидир.

Ўзи ишлаб чиқарган товарларни ҳам, четдан сотиб олинган ва четда тайёрланган товарларни ҳам сотиш оборотларига солиқ солиниши керак.

Қуйидагилар ҳам солиқ солиш объектлари бўлади:

корхонанинг ичида ўз истеъмоли учун амалга оширилиб, харажатларини маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритмайдиган ҳолда, шу жумладан ўз ходимларига товарлар ва хизматларни реализация қилиш оборотлари;

товарларни бевосита пул тўламасдан бошқа товарлар (хизматлар)га айирбошлаш йўли билан сотиш оборотлари;

товарларни бошқа корхоналар ёки шахсларга текинга бериш ёки қисман ҳақ олиб бериш бўйича оборотлар, бюджетда турадиган муассасаларга ва бошқа ташкилотларга хайрия мақсадларида бериш ҳоллари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар)ни чет эл валютасида реализация қилиш оборотлари.

18-модда. Солиқ ставкалари

Қўшилган қийматга солиқ 30 фоиз ставка бўйича тўланади.

19-модда. Солиқ имтиёзлари

Қуйидагилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадилар:

1) экспорт қилинадиган моллар (ишлар, хизматлар);
2) экспорт қилинадиган молларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган чет эл юкларини (транзит юк ташиш) ташиш, ортиш, тушириш, қайта юклаш юзасидан кўрсатилган хизматлар;

3) шаҳар пассажир транспорти (таксидан ташқари) кўрсатадиган хизматлар, шунингдек темир йўл, автомобиль ва дарё транспортида шаҳар атрофи қатновида йўловчилар ташиш юзасидан кўрсатиладиган хизматлар;

4) чакана савдо, умумий овқатланиш хизматлари, тайёрлов, улгуржи ҳамда таъминот-сотиш корхоналарининг хизматлари;

5) аҳолига кўрсатиладиган уй-жой-коммунал хизмати ва уй-жойдан фойдаланиш хизмати (бунга ижара ҳақи ва ётоқхоналарда яшаганлик учун тўланадиган ҳақ ҳам кирази);

6) хусусийлаштириш тарзида сотиб олиннадиган мол-мулк қиймати, шунингдек давлат корхоналари негизида

ташқил этилган ижара корхоналари бўйича тўланган ижара ҳақи;

7) сугурта ва қайта сугурта юмушлари, шу жумладан сугурта бўйича воситачилар ва агентлар амалга оширадиган ана шундай юмушлар билан боғлиқ хизматлар;

8) ссуда бериш ва ссуда ўтказиш;

9) пул жамғармалари, жорий счётлар, пул тўловлари, пул ўтказиш, чеклар ва бошқа қимматли қоғозларга тааллуқли юмушлар;

10) қонунга кўра тўлов воситалари ҳисобланмиш валюталар, пуллар ва банкнотлар муомаласига тааллуқли юмушлар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиган валюталар, пуллар ва банкнотлар бундан мустасно;

11) қимматли қоғозлар: акциялар, облигациялар, сертификатлар, векселлар, чеклар, лотерея билетлари муомаласига тааллуқли юмушлар. Қимматли қоғозлар тайёрлаш ва сақлашга доир юмушлар бундан мустасно;

12) почта маркалари (коллекция учун мўлжалланганларидан ташқари), маркаси бор открыткалар, конвертлар сотиш;

13) махсус вакил қилинган идораларнинг кўрсатган хизмати учун давлат пошлинаси ундириб олинadиган ишлари;

14) казино, ўйин автоматларининг оборотлари, отчопарларда ўртага тикилган сумма юзасидан ютуқлар;

15) мактабгача тарбия муассасаларида болалар таъминоти юзасидан, беморлар ва кексаларни боқиш ҳамда парваришлаш юзасидан кўрсатилган хизматлар;

16) дафн бюрolari, қабристон ва крематорийларда кўрсатиладиган маросим хизматлари;

17) халқ таълими соҳасида ўқув-ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизматлар;

18) ҳақини бевосита аҳолининг ўзи тўлайдиган курслар, тўгараклар, секциялар, студия ёки дарслар;

19) кашфиёт учун патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, лицензиялар бериш, бериб туриш ва олиш;

20) адвокатлар ҳайъатлари аъзоларининг одил судлов соҳасида кўрсатадиган хизматлари;

21) диний ташкилотлар томонидан ўтказиладиган расм-русм ва маросимлар;

22) пенсия ва нафақалар тўлашга доир алоқа хизматлари;

23) гидрометеорология ва аэрология ишлари;

24) геология ва топография ишлари;

25) умумий фойдаланишдаги йўлларни ишлатиш ва уларни таъмир этиш юзасидан бажарилган ишлар ҳажмидан тушган пул;

26) якка тартибда кийим-кечак ва пойабзал тикиш, таъмирлаш, трикотаж буюмларини, мураккаб рўзғор техникасини, соатларни, мебелларни таъмирлаш, прокатга бериш, болалар трикотаж буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш, кийим-кечакларни кимёвий усулда тозалаш бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматлар, сартарошлик хизматлари ва ҳаммомлар хизмати;

27) тиббий, санаторий-курорт ва соғломлаштириш, туристик-экскурсия хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари, пионер лагерлари хизматлари;

28) протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг маҳсулотли, ногиронларга мўлжалланган анжомлар ва ортопедик протезлаш хизмати кўрсатиш;

29) нашриётларнинг, рўзнома ва ойнома муҳарририятларининг, матбаачилик ва китоб савдоси корхоналарининг, Давлат телерадиокомпаниясининг, Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг маҳсулотлари ва хизматлари;

30) Қизил Ярим ой жамияти корхоналарининг маҳсулотлари ва хизматлари (ушбу маблағлар Жамиятнинг устав вазифаларини бажаришга ишлатилиши шарти билан).

Солиқ ставкаларининг миқдори ва солиқ имтиёзлари таркиби ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан келгуси молиявий йил учун бюджетни тасдиқлаш вақтида аниқлаштирилиши мумкин.

IV б о б АКЦИЗ СОЛИҒИ

20-модда. Солиқ солиш объекти

Сотиладиган товарларнинг натура ёки қиймат ифодасидаги ҳажми солиқ солиш объекти бўлади.

21-модда. Солиқ тўловчилар

Мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб бўлиб, акциз солиғи солинадиган товарларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар солиқ тўловчилардир.

22-модда. Солиқ ставкалари

Акциз солиғи солинадиган товарлар рўйхатини, акциз солиғи ставкаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

23-модда. Солиқ бўйича имтиёзлар

Ўзи ишлаб чиқарган молларни чет элларга етказиб берилганда, Қизил Ярим ой жамиятининг корхоналари ва ташкилотлари ишлаб чиқарадиган моллардан (бу маблағлар бутунлай Жамият устав вазифаларини бажаришга ишлатилиши шarti) билан акциз олинмайди.

24-модда. Солиқ суммасини аниқлаш ва уни тўлаш тартиби

Акцизларнинг суммасини солиқ тўловчи сотилган товарлар рўйхати ва ҳажми ҳамда ана шу товарлар юзасидан белгиланган акциз ставкаларига қараб мустақил белгилайди.

V б о б

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ СОЛИҒИ

25-модда. Солиқ тўловчилар

Экспорт ва импорт солиғини ушбу Қонуннинг 1-моддасида санаб ўтилган ҳамда ташқи савдо алоқаларини амалга оширадиган барча ташкилотлар тўлайдилар. Қизил Ярим ой жамияти ва у таъсис этган корхоналар ва ташкилотлар (ана шу маблағ Жамият устав вазифаларини бажаришга ишлатилиши шarti билан) бундан мустаснодир.

26-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Экспорт ва импорт солиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган ёки унинг ҳудудидан четга чиқариладиган айрим турдаги товарларнинг ташқи савдо нархлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича "рубль"га айлантириб ҳисобланган) билан Ўзбекистон Республикаси ички нархлари даражаси ўртасидаги фарқлар натижасида ҳосил бўладиган соф даромадни давлат даромадига ўтказиш шаклида бўлади.

Экспорт ва импорт солиғи "рубль"да ҳисобланади:

а) товарларни Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали ўтказиш чоғида солиқ солиниши керак бўлган

товарларнинг эгаси (тасарруф қилувчи) божхона декларацияда кўрсатган товарларнинг ташқи савдо (шартнома) қийматига (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича "рубль"га айлантириб ҳисобланган қийматига) нисбатан фоиз ҳисобидаги божлар;

б) экспорт ёки импорт қилинаётган умумдавлат аҳамиятига молик товарлар айрим турларининг ташқи савдо нархлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича "рубль"га айлантириб ҳисобланган) билан Ўзбекистон Республикасининг ички нархлари ўртасида бўладиган, ташқи савдо битимини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлагандан кейин қоладиган фарқ.

Бундай товарларнинг рўйхати, харажатларнинг таркиби, экспорт ва импорт солиғининг миқдорлари, уларни тўлаш тартиби ва муддатлари, шунингдек солиқ бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланадиган тартибда белгиланади.

27-модда. Солиқни ўтказиш тартиби

Экспорт ва импорт солиғи Ўзбекистон Республикаси бюджетига ўтказилади.

VI б о б

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИГА ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛАЁТГАН ХОМ АШЁ РЕСУРСЛАРИ ВА МАҲСУЛОТГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

28-модда. Солиқ тўловчилар

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қошидаги хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси, шунингдек хом ашё ресурсларини ва маҳсулотни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига сотадиган корхоналар солиқ тўловчилар ҳисобланади.

29-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган хом ашё ресурслари ва маҳсулотга солинадиган солиқ моллар айрим турлари баҳосига қўшиладиган ҳамда сотиш чоғида қўшилган қиймат солиғига қўшимча тарзда истеъмолчилардан олинадиган соф даромаднинг бир қисмини олиб қўйишдан иборатдир.

30-модда. Солиқни тўлаш ва бюджетга ўтказиш тартиби

Ташқарига олиб чиқиб кетилаётгани учун солиқ ундириладиган хом ашё ресурсларининг ва маҳсулотларнинг рўйхати, қўшимча харажатлар таркиби, шунингдек солиқ ставкаси, уни тўлаш, бюджетга ўтказиш ва тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан аниқланади.

VII боб

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ АЪЗОЛАРИНИНГ МЕХНАТ ҲАҚИ ФОНДИДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ

31-модда. Солиқ тўловчилар

Жамоа хўжаликлари хўжалик аъзоларининг меҳнат ҳақи фондидан олинадиган солиқни тўловчилардир.

32-модда. Солиқ солиш объекти

Жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондининг солиқ солинмайдиган миқдордан ортиқ қисмига солиқ солинади.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақи фондидан солиқ солинадиган қисмини ҳисоблаб чиқариш чоғида жамоа хўжалиги аъзоларига тўланиши керак бўлган ҳамма ҳақлар, шу жумладан қўшимча ҳақлар, мукофотларнинг барча турлари, шунингдек натура тарзидаги тўловлар ҳам ҳисобга олинади.

Меҳнат ҳақи эвазига бериладиган маҳсулот унинг таннарихи бўйича баҳоланади.

33-модда. Солиқ ставкаси ва уни бюджетга ўтказиш

Солиқни барча жамоа хўжаликлари хўжалик аъзолари меҳнат ҳақи фондининг солиқ солинадиган қисмидан 8 фоиз миқдорида тўлайдилар. Солиқ суммалари маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

34-модда. Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби ва уни тўлаш муддатлари

Жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондининг солиқ солинадиган қисми хўжаликнинг барча тармоқларида ҳисоблаб ёзилган жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи умумий фонди асосида, шу жумладан жамоа

хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақи ҳисобига харид нархлари баҳосида бериладиган натура ҳолидаги маҳсулот қиймати ҳам қўшиб ҳисоблаб чиқарилади.

Жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондининг солиқ солинадиган қисми жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи учун ҳисоблаб ёзилган пул суммаси, шу жумладан натура ҳолидаги маҳсулот қиймати (харид нархлари баҳосида) билан меҳнат ҳақи фондининг солиқ солинмайдиган қисми ўртасидаги фарқ тарзида аниқланади, солиқ солинмайдиган қисми белгилаб қўйилган солиқ солинмайдиган энг кам ойлик тарзида ҳисоблаб чиқилади.

Йилнинг I, II ва III чорақлари учун тўланадиган солиқ миқдорлари меҳнати ҳақи бўйича йил бошидан буён жамоа хўжалиги аъзолари меҳнатига тўлаш учун фоиз тарзида ҳисобланган ҳақнинг умумий фонди миқдоридан жамоа хўжалиги аъзолари билан қилинган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. Мазкур фоиз жамоа хўжалиги аъзоларининг ўтган йилги меҳнат ҳақи фонди солиқ солинадиган қисмидан олинадиган даромад солиғи суммасининг ўша даврдаги умумий фонд суммасига нисбати тарзида белгиланади. Бунда жорий йилнинг ўтган даврида ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ҳисобга олинади.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг йилнинг IV чорагида тўланиши лозим бўлган меҳнат ҳақи фондига солинадиган солиқ суммаси йил учун кутилаётган жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондидан I, II, III чорақлардаги солиқни ҳисоблаб чиқариш учун белгиланган фоиз бўйича аввалги чорақлардаги тўловларни эътиборга олиб ҳисоблаб чиқарилади. Жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондининг солиқ солинадиган қисми бўйича узил-кесил ҳисоб-китоб жамоа хўжалигининг йиллик ҳисоботи маълумотлари бўйича йил давомида жамоа хўжалиги аъзоларига амалда ҳисобланган меҳнат ҳақи фонди ҳамда жамоа хўжалигида ишлаган жамоа хўжалиги аъзоларининг йиллик ўртача сони асосида амалга оширилади.

Жамоа хўжалиги аъзоларининг меҳнат ҳақи фондидан даромад солиғи жамоа хўжаликлари йил чораги тугагандан кейинги ҳар ойнинг 25-кунигача, жамоа хўжалиги аъзолари меҳнат ҳақи фондидан тегишли квартал ҳисоботи бўйича ҳисоблаб чиқарилган миқдорда тўлайдилар.

**КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА
СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ**

35-модда. Солиқ тўловчилар

Барча мулкчилик шакллارининг юридик шахслари, шунингдек, юридик шахс ҳисобланмай, лекин ўз мустақил балансига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхона, бирлашма ва ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа ажралиб чиққан бўлинмалари корхона мол-мулки учун солиқ тўловчилар ҳисобланади.

36-модда. Солиқ солиш объекти ва солиқни ҳисоблаб чиқариш тартиби

Солиқ тўловчининг қийматда ифодаланган мол-мулки солиқ солиш объекти ҳисобланади. Бу қиймат солиқ тўловчи бухгалтерия баланси активининг якуни сифатида аниқланиб, ундан:

асосий воситаларнинг ейилиши;
арзон ва тез ейиладиган воситаларнинг ейилиши;
капитал маблағ сарфлари ва аванслар;
кредитлар ва бошқа қарз маблағлари;
ҳисоб-китоблар ва бошқа пасивлар;
ишлатилган фойда (даромад) чиқариб ташланади.

Солиқ солинадиган база:

солиқ тўловчининг балансида бутунлай ёки қисман турадиган уй-жой, коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш ва ёнғинга қарши мақсадларда фойдаланиладиган объектларнинг;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва селекцияси учун, балиқ боқиш, овлаш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиган мол-мулкнинг;

озиқ-овқат узаткичлар, йўллар (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек уларга туташ ерларнинг, ушбу объектларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадларида ишга тушириладиган иншоотларнинг;

корхоналар автотранспорт воситаларининг;

алоқа йўлдошларининг;

республика ҳукуматининг қарорларига биноан тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг баланс қийматига камайтирилади.

Банклар, суғурта ташкилотлари, биржалар, шунингдек халқ хўжалигининг баъзи тармоқларига солиқ солишнинг ўзига хос жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

37-модда. Солиқ ставкалари

Корхоналарнинг мол-мулкига 0,5 фоиз ставка бўйича солиқ солинади.

Солиқ тўловининг ҳисоблаб чиқилган суммаси солиқ тўловчининг тасарруфида қолган даромаддан биринчи навбатда тўланади.

38-модда. Солиқ имтиёзлари

Корхоналар мол-мулкига солинадиган солиқ қуйидаги мол-мулкларга солинмайди:

а) бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг, давлат бошқаруви идораларининг мол-мулкига;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, селекциялаш ва сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш соҳасидаги корхоналарнинг мол-мулкига;

в) халқ таълими ва маданият муассасаларининг эҳтиёжлари учун ишлатиладиган мол-мулкка;

г) диний бирлашмалар ва ташкилотлар, Қизил Ярим ой жамияти ва у таъсис этган корхоналар ва ташкилотлар мол-мулкига, ушбу маблағлар жамиятнинг устав вазифаларини бажаришга ишлатилиши шарти билан;

д) умуман фуқароларга мўлжалланган уй-жой, коммунал ва шаҳар хўжалигидаги ўзга мол-мулкка;

е) янги тузилган корхоналарнинг мол-мулкига рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки икки йил давомида;

"е" кичик бандида кўрсатилган солиқ имтиёзи тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналарнинг, улар филиаллари ва тармоқ бўлинмалари асосида тузилган корхоналарга, шунингдек корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар ҳузурида тузилган корхоналарга (башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган ускуналар билан ишласа) тааллуқли эмас.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари мол-мулки ўз ҳудудларида жойлашган солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёзлар беришлари мумкин.

39-модда. Тўловларни бюджетга киритиш

Мол-мулкка солинган солиқ маҳаллий бюджетга киритилади.

40-модда. Ажнабий юридик шахсларга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятлари

1. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундаги қоидалардан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Ушбу Қонуннинг қоидалари халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган махсус битимларида белгилаб қўйилган солиқ соҳасидаги имтиёзларга тегишли бўлмайди.

2. Ажнабий юридик шахсларнинг даромадларидан солиқ олиш тегишли чет давлатда худди шундай ёки шунга ўхшаш солиқлар юзасидан ўзбекистонлик юридик шахсларига нисбатан айнан шундай чора-тадбирлар амалга ошириш белгиланган ҳолларда ўзаро келишув асосида тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин, бу ҳол ушбу давлатнинг солиқ идоралари томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

3. Ажнабий фирмалар билан тижорат битимларини тузиш чоғида даромад тўлаётган корхона, муассаса ёки ташкилот ажнабий юридик шахсларнинг даромадидан солиқ тўлаш борасидаги харажатларни ўз зиммасига олиш ҳақидаги солиқ шартларини шартномага қўшишга рухсат берилмайди.

41-модда. Икки томонлама солиқ солинишини бар-
тараф этиш

Чет элда олинган даромад суммаси Ўзбекистон Республикасида солиқ солиниши керак бўлган даромаднинг умумий суммасига киритилади ҳамда солиқ миқдорини белгилаш чоғида ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида олинган даромаддан чет мамлакатлар қонунларига мувофиқ чет элдаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар тўлаган солиқ суммаси улар Ўзбекистон Республикасида даромаддан солиқ тўлаётган пайтларида ҳисобга олинади. Бунда ҳисобга олинган маблағларнинг миқдори чет элда олинган даромадга нисбатан Ўзбекистон Республикасида тўланиши керак бўлган даромадга солинган солиқ ҳажмидан ошиб кетмаслиги лозим.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТ
 ҲАМДА МАСЪУЛИЯТЛАРИ ВА СОЛИҚЛАР
 ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ
 НАЗОРАТ ҚИЛИШ

42-модда. Солиқ тўловчиларнинг вазифалари

1. Ушбу Қонунда кўзда тутилган солиқларни тўловчилар:

а) молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида белгилаб қўйилган тартибда бухгалтерлик ҳисобини ва ҳисоботларини юритишлари ҳамда молия идораларига бухгалтерлик ҳисоботлари ва балансларини, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳамда солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотларни беришлари;

б) солиқлар соҳасида имтиёزلарга эга бўлиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни кўрсатишлари, тегишли ҳолларда эса топширишлари;

в) тўланиши керак бўлган солиқ суммаларини ўз вақтида ва тўла-тўкис тўлаб туришлари;

г) молия идораларининг мансабдор шахсларига даромадлар олиш билан ёки солиқ солинадиган объектларни сақлаш билан боғлиқ бўлган биноларни текшириб чиқиш учун, шунингдек солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш масалалари юзасидан текширишлар ўтказиш учун имконият яратиб беришлари шарт.

2. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва тегишли мансабдор шахслари солиқ идораси ўтказган текшириш ҳақидаги ҳужжатни имзолашлари, ҳужжатда баён этилган фактларга рози бўлмаганлари тақдирда эса рози бўлмаслик сабаблари ҳақида ёзма тушунтириш тақдим этишлари шарт. Улар солиқ идорасининг солиқлар тўғрисидаги қонунлар борасида аниқланган бузилишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларини бажаришга ҳам мажбурдирлар.

3. Ўзбекистон Республикаси қонунларида солиқларга оид бухгалтерлик ҳисоботларини ва балансларини, солиқларга оид ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни солиқ идораларига тақдим этиш мажбурияти белгилаб қўйилган солиқ тўловчилар уларни молиявий фаолиятни текширувчи хўжалик ҳисобидаги ташкилот текширгач, ҳисобот йилидан кейинги бир йил

давомида солиқ идорасига текшириш ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишлари шарт.

Мазкур ҳужжатларни тақдим этмаган солиқ тўловчига ушбу Қонуннинг 43-моддасида кўзда тутилган чоралар қўлланилади. Башарти, текшириш солиқ тўловчи айбдор бўлмаган ҳолда белгиланган муддатларда ўтказилмаган бўлса, мазкур чоралар қўлланилмайди.

43-модда. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги

1. Солиқларни тўғри ҳисоблаб чиқариш, уларни бюджетга ўз вақтида тўлаш ва солиқ солиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш учун масъулият солиқ тўловчиларга ва уларнинг мансабдор шахсларига юклатилади.

2. Ушбу Қонунда кўзда тутилган, солиқ тўлаш учун белгилаб қўйилган муддатда бухгалтерлик ҳисоботлари ва балансларига, тегишли ҳисобот даври учун оборот солиғи бўйича белгилаб қўйилган нусхада ҳисоб-китобларга эга бўлмаган солиқ тўловчилар олдинги ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг 110 фоизи миқдорида солиқ тўлайдилар. Мазкур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин амалда олинган фойдага, солиқ солинадиган оборотга ва бошқа солиқ солинадиган объектларга асосланган ҳолда солиқ қайтадан ҳисоблаб чиқилади.

3. Солиқ тўловчилар олинган даромад ҳисобга олиб борилмаганлиги ёки ҳисоб белгиланган тартибни бузиб олиб борилганлиги учун, шунингдек солиқ идораларига ҳисоботларни, ҳисоб-китобларни ҳамда солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун керакли бошқа зарур ҳужжатларни умуман ёки ўз вақтида тақдим этмаганликлари учун бюджетга тўланиши керак бўлган солиқ миқдорларининг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайдилар.

4. Даромад яшириб қолинган (камайтириб кўрсатилган) ёки солиқ солинадиган бошқа объектлар яширилган ҳолларда солиқ тўловчилардан бюджет даромадига яширилган (камайтириб кўрсатилган) даромаднинг тўлиқ суммаси ёки солиқ солинадиган яширилган объект учун солиқ суммаси, шунингдек ўша сумма миқдорида жарима, тартиб такрор бузилган ҳолларда эса — икки баравар миқдорда жарима ундириб олинади. Яширилган (камайтириб кўрсатилган) даромаднинг суммалари, шунингдек солиқ солинадиган бошқа объектни яширганлик учун солиқ ва жарима суммалари солиқ тўловчи ихтиёрида қоладиган даромад ҳисобидан бюджетга тўланади.

5. Эркин алмаштириладиган валюта билан олинган даромадни яшириб қолиш, агар Ўзбекистон Республикаси

қонунларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, даромадлар суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг махсус курси бўйича қайта ҳисоблашга сабаб бўлади. Яширилган (камайтириб кўрсатилган) даромад суммаси ёки солиқ солинадиган бошқа яширилган объектдан олинadиган солиқ суммаси, шунингдек жарима солиқ тўловчилар томонидан солиқ идораларининг мансабдор шахслари тартибни бузиш аниқланганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тузганларидан кейин 10 кун муддат ичида бюджетга тўланиши керак.

6. Ушбу Қонунга мувофиқ солиқ тўловчи корхоналар бўйича яширилган (камайтириб кўрсатилган) даромад ҳамда жарима суммаси бюджет даромадига Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ўтказилади.

7. Даромадни яширишда (камайтириб кўрсатишда) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яширишда, шунингдек бухгалтерлик ҳисоботларининг бузилишида, бухгалтерлик ҳисоботлари баланслар, ҳисоб-китоблар ҳамда бюджетга солиқларни ва бошқа тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни тақдим этмасликда, ўз вақтида тақдим этмасликда ёки белгилаб қўйилмаган нусха бўйича тақдим этишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга солиқ идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда маъмурий жарима солинади.

Даромадни атайлаб яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни атайлаб яшириш Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

44-модда. Нотўғри тўланган солиқларни бюджетга ундириб олиш ва бюджетдан қайтариб бериш тартиби

1. Белгиланган муддатларда тўланмаган солиқларнинг суммалари, шунингдек яширилган (камайтириб кўрсатилган) даромад суммаси ёки солиқ солинадиган бошқа яширилган объект учун солиқ суммаси ҳамда даромадни яширганлик (камайтириб кўрсатганлик) ва солиқ солинадиган объектни яширганлик учун жарима солиқлар тўлашдан бош тартиб юрилган бутун давр учун солиқ идораларининг кўрсатмасига мувофиқ қатъий тарзда ундириб олинади.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммаси кечиктирилган ҳар бир кун (тўланган кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда)

учун тўланмаган қарз суммасига 0,5 фоиз миқдорда пеня қўшиб ҳисоблаб, бюджетдан қарздор бўлинган бутун давр учун ундириб олинади.

2. Ушбу Қонуннинг 6-моддасида кўрсатиб ўтилган ажнабий юридик шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ суммаси даромадларни тўлайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан бюджетга ўтказилмаган тақдирда ажнабий даромад олувчига қайси давр учун даромад тўлаганлигидан қатъи назар, бюджет билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ихтиёрида қоладиган маблағлардан қатъий тарзда ундириб олинади.

3. Солиқлар нотўғри ҳисоблаб чиқилиши ёки ундириб олиш соҳасида белгилаб қўйилган тартиб бузилиши натижасида ортиқча тушган солиқлар бўйича тўловлар суммаси қайтариб берилиши ёки, улар тушган кундан бошлаб бир йил муддат ўтмаган бўлса, солиқ тўловчидан олиниши керак бўлган бошқа тўловлар ўрнига ўтказилиши керак. Ортиқча тушган суммани қайтариб бериш ҳақида ариза топшириш мазкур муддат ўтишини тўхтатиб қўяди. Нотўғри тўланган солиқларни бюджетдан қайтариб бериш нотўғри тўлов аниқлангандан аввалги кўпи билан 1 йил учун амалга оширилади.

45-модда. Солиқ идораларининг назорати

Солиқ тўғрисидаги қонунларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни солиқ идоралари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширадилар.

Корхоналар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари солиқ идоралари ҳамда уларнинг ўз хизмат бурчларини бажариб турган мансабдор шахсларининг ушбу Қонундан келиб чиқадиган талаблари, кўрсатмалари ва фармойишларини бажармаслиги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

46-модда. Солиқ идоралари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

1. Солиқ идоралари мансабдор шахсларининг солиқларни ундириш чоғидаги хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар ана шу шахслар бевосита бўйсунadиган идорага берилади. Шикоятлар шикоят тушган пайтдан бошлаб кечи билан 30 кун муддат ичида кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Шикоятлар юзасидан

чиқарилган қарорлар хусусида бир ой муддат ичида юқори солиқ идорасига шикоят қилиниши мумкин.

2. Солиқ идоралари мансабдор шахсларининг маъмурий жазо бериш борасидаги хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш Ўзбекистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

3. Шикоят берилиши солиқларнинг ундириб олинишини тўхтатиб қўймайди. Шикоятни кўраётган идора шикоят ҳал қилингунга қадар солиқнинг тегишли суммасини ундириб олишни тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

47-модда. Ушбу Қонунни қўллашга оид йўриқномалар

Ушбу Қонунни қўллашга оид йўриқномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан чиқарилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигига кафолат беради, уларнинг ҳуқуқ ва масъулиятини аниқлайди, тадбиркорларнинг бошқа корхоналар ва ташкилотлар, давлат бошқаруви идоралари билан муносабатларини тартибга солади.

Қонун фуқароларнинг тадбиркорлик қобилиятини бутун чоралар билан ишга солиш, уларнинг ишбилармонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаш асосида бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилгандир.

Қонун мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларини эркин танлаш, бу шаклларнинг тенгҳуқуқлилик асосида амал қилиши, ўзаро ҳамкорлик ва эркин рақобатлашув таъминланадиган шароитларнинг яратилишига кўмаклашади.

1-модда. Тадбиркорлик

Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишидир.

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик:

тадбиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;

тадбиркорнинг бошқа фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиши асосида;

тадбиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиши асосида;

юқорида қайд этилган шаклларни қўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ва мулкдор билан бўлган муносабатларнинг характеридан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, хўжаликни тўлиқ юритиш ҳуқуқи асосида (ана шу ҳуқуқ чегаралари мулк эгаси томонидан белгиланган ҳолда) мулкдорнинг мол-мулкни идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этишига ва (ёки) бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш йўли билан фойдаланишига асосланиши мумкин.

2-модда. Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар, мулкчиликнинг шаклидан, фаолият туридан, қайси соҳага ихтисослашишидан қатъи назар, ушбу Қонун билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган давлат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш ташкилотларига, жамоат ва диний ташкилотларга ҳамда ўзга ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ қилинади.

3-модда. Тадбиркорликнинг умумий қоидалари

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

қонун билан тақиқланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш эркинлиги;

тадбиркорнинг хўжалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият маҳсулини тақсимлашдаги мустақиллиги;

тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритишда, мулк шаклларидан қатъи назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги;

тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай бўлишидан қатъи назар, солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декларатив) шакли, тадбиркорларнинг

даромадларини яшириб қолганлик (пасайтириб кўрсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан моддий жавобгарлиги.

4-модда. Тадбиркорлик субъектлари

Қуйидагилар тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкин:

— қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай фуқароси;

— фуқаролар гуруҳи (шериклар), шу жумладан давлат, кооператив ва бошқа корхоналарнинг меҳнат жамоаси — жамоа тадбиркорлари;

— қонунларда кўзда тутилган ваколатлар доирасида бошқа ажнабий давлатларнинг фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар;

— аралаш мулк субъектлари.

Давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идораларининг раҳбар ходимлари ва қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган шахсларнинг бу фаолият билан шуғулланишига рухсат берилмайди.

5-модда. Тадбиркорлик шакллари

Тадбиркорлик шакллари қуйидагилардан иборат:

— якка тартибдаги меҳнат фаолияти асосида;

— айрим фуқаро томонидан ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик;

— бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги;

— юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз мулклари ва мулкрий ҳуқуқларини бирлаштириш асосида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги тадбиркорлик.

6-модда. Тадбиркорлик ташкилоти (ширкати) ва унинг фаолияти асослари

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик ташкилотлари (ширкатларини) тузади. Тадбиркорлик ташкилотларини (ширкатларини) тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар туғрида"ги Қонуни билан тартибга солинади.

7-модда. Тадбиркорнинг ҳуқуқлари

Ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда:

— қонунларда белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда корхоналар ва ташкилотларни вужудга келтириш, таъсис этиш, сотиб олиш ва қайта тузиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва давом эттириш;

— тадбиркор турли даражада мулкый жавобгар бўладиган ўз тадбиркорлик ташкилотини таъсис этиш;

— бу фаолиятни бажариш учун бошқа юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағларини ихтиёрий асосларда жалб этиш;

— қонунларга мувофиқ ходимларни мустақил ёллаш ва ишдан бўшатиш;

— тадбиркорликдан қонунларда белгиланган тартибда солиқ солинадиган чексиз миқдорда шахсий даромад орттириш;

— қонунларга мувофиқ ижтимоий таъминланиш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқларига эга.

Тадбиркор ёки у вакил қилган шахслар хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари ва тадбиркорга қилаётган даъволари ҳамда белгиланган тартибда бериладиган жазо чоралари хусусида баҳслашишга ҳақли, қонунларга мувофиқ ҳеч сўзсиз қўлланадиганлари бундан мустаснодир.

8-модда. Тадбиркорнинг мажбуриятлари

Тадбиркор:

— амалдаги қонунлардан ҳамда ўзи тузган битимлардан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариши;

— ёлланиб ишлаётган ходимлар билан қонунларга мувофиқ меҳнат шартномалари (битимлар) тузиши;

— ишга жалб этилган барча ходимлар билан тузилган битимга мувофиқ, корхонанинг молиявий аҳволидан қатъи назар, тўла ҳисоб-китоб қилиши;

— ёлланиб ишлаётган ходимларни ижтимоий ва тиббий суғурта қилиши;

— қонунларга мувофиқ махсус билим ва кўникма талаб қилинадиган ишга фақатгина зарур тайёргарликка эга, касб-кори жиҳатидан яроқли ва тегишли маълумотга эга бўлган шахсларнигина жалб этиши шарт.

9-модда. Тадбиркорнинг масъулияти

Солиқ ва кредит мажбуриятларининг, тузилган битимларнинг ижроси, бошқа субъектларнинг мулккий ҳуқуқларни бузганлиги, бехатар меҳнат шароитларига риоя этмаслиги, истеъмомчиларга одамларнинг саломатлигига зарар етказадиган маҳсулот етказиб берганлиги, атроф-муҳитга зарар етказганлиги, якка ҳокимликка қарши қонунларни бузганлиги учун, тадбиркор ўз мол-мулки доирасида амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўлади.

Қонунларни бузганлик учун тадбиркор мулккий ёки қонунларда кўзда тутилган асосларда, суд тартибида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатишга қадар ўзга тарзда жавобгар бўлади.

Мулккий даъволар тадбиркорнинг меросхўрларига ҳам тааллуқли бўлади, лекин улар мерос қилиб қолдирилган мол-мулк ҳажмидан ошмаслиги керак.

10-модда. Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Қонуни ва ушбу Қонун, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган тадбиркорларнинг мулкчилик муносабатлари барқарор бўлишига кафолат беради. Давлат тадбиркорлар мулккий ҳуқуқларига кафолат беради.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мулкдорнинг ҳуқуқини тўхтатадиган қонун ҳужжатларини қабул этган тақдирда, шу ҳужжатлар қабул этилиши натижасида мулкдорга етказилган зарар суднинг қарорига биноан тегишли ҳокимият ёки бошқарув идораси ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда ва тартибда мулкдорнинг мажбуриятлари юзасидан унинг мол-мулкига жазо чораси белгиланган тақдирдагина давлатнинг тадбиркорлик ташкилоти ихтиёридаги мол-мулкни мулкдордан тортиб олишига йўл қўйилади.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1991 йил 15 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг ягона ташқи иқтисодий сиёсатини ўтказиш, ташқи бозорда умумдавлат манфаатларини таъминлаш, чет мамлакатлар билан иқтисодий, техникавий ва савдо ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бу соҳада бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро миқёсдаги самарали ишда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитети негизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилсин.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги қошида Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалиги ютуқлари кўرғазмаси негизда Тижорат-реклама маркази ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ишлаб чиқариш фирмалари амалга оширадиган четга чиқариладиган ва четдан олинадиган товарлар экспертизасини ўтказиш, чет элларда кўрғазмалар ва ярмаркалар ташкил этиш, шунингдек реклама хизматлари кўрсатиш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг республика учун устивор йўналишларини белгилаш асосида давлат ташқи иқтисодий сиёсатини шакллантириш ва ўтказиш, ташқи савдони рағбатлантириш воситаларини ишлаб чиқиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни давлат йўли билан тартибга солиб туриш, ташқи иқтисодий фаолиятнинг Ўзбекистон ҳудудида иш кўраётган қатнашчилари ана шу фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибига қандай риоя этаётганликларини назорат қилиш;

Ўзбекистонда ва ундан ташқарида республиканинг ташқи иқтисодий манфаатларини ифодалаш;

ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

Ўзбекистонни жаҳон хўжалик алоқаларига фаол жалб этиш йўли билан республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг хорижий мамлакатлар маҳсулотига бўлган эҳтиёжини қондириш;

ташқи иқтисодий алоқалар тармоқлари мажмуини ривожлантириш, жумладан ахборот тизимларини вужудга келтириш, транспорт-экспедиторлик хизматини таъминлаш, четга чиқариладиган ва четдан олинадиган товарларга шаҳодатнома бериш;

республиканинг четга мол чиқариш қувватини оширишга оид таклифларни ишлаб чиқиш;

республика иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, жумҳуриятнинг маблағларини чет элларда оқилона жойлаштириш;

республикада, шунингдек чет элларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолияти қатнашчиларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатлар билан, шунингдек бошқа хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар масалаларида ҳамжиҳатликни таъминлаш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ўз ваколати доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин, вазирлик тузилмасини ва унинг ҳақидаги низомни тасдиқласин, республика ҳукуматининг меъёрий ҳужжатларини ушбу Фармонга мувофиқлаштирасин.

5. "Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий алоқалар давлат комитетини ташкил этиш тўғрисида" 1990 йил 12 июлдаги Фармон ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1992 йил 21 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ, ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятни авж олдириш, ички бозорни энг зарур моллар билан тўлдириш, қўшимча капитал маблағларни, илғор техникани ва бошқариш тажрибасини жалб этиш, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ишончли кафолатларни таъминлаш, республиканинг экспорт имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 августидан бошлаб:

республикага олиб келинадиган барча турдаги молларнинг импортига солиқлар 1994 йилнинг 1 январига қадар бекор қилинсин;

республикага олиб келинадиган, халқ истеъмол қиладиган импорт моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, тиббиёт техникаси, шунингдек машина-ускуналар, бутловчи буюмлар ва уларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган хом ашё учун иловага мувофиқ 1994 йил 1 январига қадар бож тўлашдан озод қилинсин.

2. Хорижий юридик шахслар ва фуқароларга республика ҳудудида савдо уйлари, фирма дўконларини очиш ёки ихтисослаштирилган қўшма корхоналарни барпо этиш йўли билан молларни сўмга ва валютага сотишни ташкил қилишга рухсат берилсин. Бу ишларни мувофиқлаштириш "Ўзбексавдо" давлат-акционерлик уюшмасининг зиммасига юклансин.

Белгилаб қўйилсинки:

мазкур савдодан олинадиган сўм ҳисобидаги фойдани улар қўшма корхоналарни маблағ билан таъминлашга, шунингдек Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг лицензияси билан кейинчалик чет элга олиб кетиш

мақсадида республиканинг биржаларидан моллар харид қилишга сарфлашлари мумкин;

молларни валютага сотишдан олинadиган даромад республиканинг амалдаги қонунларига мувофиқ фойдаланилади.

3. Марказий банк 1992 йилнинг 15 августидан бошлаб ҳамма турдаги битимлар ва операциялар учун республика ҳудудида валюта бозоридаги жорий курс асосида белгиладиган чет эл валюталарининг ягона курсини жорий этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида валюта билан боғлиқ ишларни тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддат ичида лицензия берилadиган экспорт ва импорт моллар (ишлар, хизматлар)нинг рўйхатини ҳамда лицензия бериш тартибини тасдиқласин;

лицензия берилadиган ва кейинчалик экспорт қилинадиган молларни биржалар орқали сотиш миқдорларини белгиласин;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини икки ой муддат ичида ишлаб чиқиб, эълон қилсин. Дастурда республика ҳаёт фаолиятининг долзарб муаммолари ҳал қилинишини таъминладиган халқ хўжалигининг устивор тармоқларига маблағ сарфлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларнинг рўйхати ва техникавий-иқтисодий таърифи берилиши зарур.

5. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги:

миқдори белгиланadиган молларни экспорт қилишга лицензияларни кимошди савдосида сотишни амалда жорий этсин;

республиканинг манфаатдор ташкилотлари билан биргаликда, хорижий компанияларни ва халқаро молия ташкилотларини жалб этиб Ўзбекистонда халқаро пахта биржасини ташкил этиш тўғрисидаги масалани пухта ишлаб чиқсин ва ҳал қилсин;

республиканинг транспорт ташкилотлари билан биргаликда ташқи савдога хизмат кўрсатиш ва ташқи савдо транспорт корхоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун транспорт-экспедитор акционерлик компаниясини ташкил қилсин.

6. Божхона комитети Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги билан биргаликда 1992 йилнинг 1 сентябригача божхона кодекси ҳақидаги, бож тарифи тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур Фармоннинг, шунингдек тузилган ҳукуматлараро битимларнинг қоидаларини эътиборга олган ҳолда бож тарифларининг янги табақалаштирилган миқдорлари ва уларни ундириб олиш тартиби ишлаб чиқилсин ҳамда икки томонлама асосда энг кўп қулайлик яратиб берилсин.

7. Қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоядорларга ва уларнинг шерикларига танлов асосида ва фақат инвестиция мақсадларида ишлаб чиқариш хоналарини, биноларни, машина-ускуналар ва уй-жойларни сотиб олиш, шунингдек ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқи берилсин.

Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш комитети Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳокимиятлари билан биргаликда мазкур бандни амалга ошириш борасидаги таклифни ўн кун муддат ичида ишлаб чиқиб, тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ: хорижий сармоя иштирок этаётган корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, технологияни янгилашга ва ижтимоий дастурларни рўёбга чиқаришга сарфланадиган қисми солиқдан озод қилинсин;

хорижий сармоя иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга капитал маблағ сарфлаётган корхоналарнинг дастлабки беш йил ишлаши даврида улар даромаддан солиқ тўлашдан озод қилинсин;

хорижий сармоядорнинг чет элга ўтказиладиган даромадига 10 фоиз миқдорда солиқ белгилансин.

9. Хорижий сармоядорларнинг зарур молиявий-иқтисодий кафолатларини таъминлаш учун хорижий сармояларни ҳимоя қилувчи Миллий суғурта Жамғармаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси валюта бойликларининг бир қисмини чет эл банкларида депозитга қўйиш, республика ҳудудида хорижий сармоя иштирокидаги суғурта компанияларини очиш йўли билан шундай Жамғарма ташкил қилинсин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан ўн кун муддат ичида қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1992 йил 24 июль

1992 йил 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ БОЖХОНА
ПОШЛИНАЛАРИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН
ИМПОРТ МОЛЛАР
РЎЙХАТИ

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари

Гушт ва гушт маҳсулотлари
Овқатбоп мол ёғлари (шу жумладан сигир мойи)
Тухум ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари
Янги ва яқинда музлатилган балиқлар
Тузланган балиқ
Дудланган балиқ
Балиқ консервалари
Қисқичбақасимонлардан тайёрланган консервалар
Балиқ увилдириғи
Денгиздан овладиган маҳсулотлар ва улардан тайёр-
ланган консервалар
Тегирмончилик корхонаси маҳсулотлари
Дуккакли ўсимликлар маҳсулотлари
Нон-булка маҳсулотлари
Картошка
Қанд-шакар
Овқатбоп ўсимлик мойи
Овқатга ишлатиладиган бошқа ёғлар
Тамаки маҳсулотлари

2. Озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун хом ашё

Дон
Дон-ёрма
Бошқа донли ўсимликлар
Зайтун уруғи
Кофе, какао, чой
Зираворлар
Қанд-шакар хом ашёси ва крахмал-қийём саноати
маҳсулотлари
Ёғлар
Маргарин ишлаб чиқариш маҳсулотлари
Тамаки (хом ашё)

3. Тирик ҳайвонлар

Иш ҳайвонлари
Наслдор моллар
Тирик парранда ва зотдор паррандалар тухуми
Балиқ увилдириғи ва тирик балиқлар
Бошқа тирик ҳайвонлар

4. Дори-дармонлар

Бактерияли препаратлар
Тиббиёт материаллари ва резина буюмлар
Санитария ва гигиена буюмлари
Дорихона идишлари
Витаминлар
Тиббиёт эҳтиёжлари учун наркотик даволаш восита-
лари
Дори-дармонлар

5. Саноат халқ истеъмоли моллари

Зигир толасидан ва зигирсимон толадан тўқилган мато
Устки ва ички кийимлар (трикотаждан ташқари)
Ошхона кийимлари, сочиқ
Пайпоқ буюмлари
Совун ва тиш пастаси
Матбаачилик маҳсулотлари
Муסיқа асбоблари
Спорт ва овчилик буюмлари
Чизмачилик ва канцелярия буюмлари
Қоғоз
Картон

6. Хом ашё ва материаллар

Жун
Йигирув хом ашёси
Йигирув хом ашёсидан ярим тайёр маҳсулотлар
Мўйна хом ашё
Чарм хом ашё
Ишланган ва ярим ишланган чармлар
Донли, ёрма ва дуккакли ўсимликлар уруғлари
Мойли экинлар уруғлари
Эфир мойли ва техника экинлари уруғлари
Сабзавот экинлари уруғлари
Озуқабон ўт уруғлари
Бошқа уруғлар ва кўчатлар

Эфир мойи ва хушбӯй табиий моддалар
Синтетик хушбӯй моддалар
Тиббий ва шифобахш-техник хом ашё
Техникабоп мол ёғи
Техникабоп балиқ мойи
Техникабоп ўсимлик мойи
Бошқа техникабоп мойлар ва мум
Кунжара ва тахта кунжара
Тегирмончилик саноати чиқиндилари
Ҳажмдор озуқа
Озуқабоп оқсил ачитқилар
Минерал озуқа
Бошқа озуқалар
Дағал жун, мол қили ва ҳайвонлардан олинадиган
бошқа хом ашё
Тери ўрнида ишлатиладиган материаллар, сунъий
ичаклар ва бошқа сунъий хом ашё
Йўғон арқонлар, балиқ овлаш турлари, техникабоп
мовут ва бошқа материаллар
Бошқа хом ашё

7. Қурилиш материаллари ва деталлари

Ёғоч ғулалар
Ёғоч-тахта материаллар
Фанера ва дурадгорлик плиталари
Ёғоч буюмлар
Боғловчи материаллар
Листли ойна
Томга ёпиладиган материаллар
Деворни қоплаш ва пардозлаш материаллари
Ўтга чидамли материаллар
Бошқа қурилиш материаллари
Стандарт уйлар
Ёғочдан тайёрланган қурилиш деталлари
Металлдан тайёрланган қурилиш деталлари
Пластмассадан тайёрланган қурилиш деталлари
Шиша-фаянсдан тайёрланган қурилиш деталлари
Бошқа материаллардан тайёрланган қурилиш деталлари

8. Машиналар, асбоб-ускуналар, приборлар, ўлчаш техникаси ва транспорт воситалари

Электротехника асбоб-ускуналари
Электрод маҳсулотлар
Электр кабели ва симлари

Фойдали қазилмаларни ер остида ва очиқ ҳолда қазиб олиш учун асбоб-ускуналар

Кокс асбоб-ускуналари ва газ саноати учун асбоб-ускуналар

Нефтни қайта ишлаш саноати асбоб-ускуналари

Қудуқларни кавлаш, ишлатиш ҳамда геологик қидирув учун машиналар, асбоб-ускуналар ва қурилмалар

Бекитиш арматураси

Чет эл технологик асбоб-ускуналари учун эҳтиёт қисмлар

Кон, металлургия ва бошқа нефть асбоб-ускуналари

Электрокарлар, мотокарлар ва ерда ишлатиладиган бошқа ишлаб чиқариш транспорти

Озиқ-овқат саноати асбоб-ускуналари

Музлатиш ва ҳавони совутиш асбоб-ускуналари

Тўқимачилик саноати учун асбоб-ускуналар

Тикувчилик саноати учун асбоб-ускуналар

Чарм, пойабзал ва мўйначилик саноати учун асбоб-ускуналар

Енгил саноат учун бошқа асбоб-ускуналар

Кимё саноати асбоб-ускуналари

Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати асбоб-ускуналари

Ёғочсозлик дастгоҳлари

Бинокорлик материаллари саноати асбоб-ускуналари

Йўл ва йўл қурилиш асбоб-ускуна ҳамда машиналари

Насос — компрессор асбоб-ускуналари

Коммунал, савдо ва ёнғинга қарши асбоб-ускуналар

Матбаачилик саноати асбоб-ускуналари

Алоқа асбоб-ускуналари

Электр ўлчов ва радио ўлчов асбоблари

Физикавий тадқиқотлар учун асбоблар, оптика — механика асбоблари ва аппаратлари, вақт асбоблари

Тиббиёт асбоб-ускуналари ва анжомлари, кимё-доришunosлик саноати асбоб-ускуналаридан ташқари

Подшипниклар

Қаттиқ қотишмалар

Юк машиналари ва гараж асбоб-ускуналари

9. Ёқилғи, минерал хом ашё, металллар

Тошкўмир (шихта ҳам) ва антрацит

Тошкўмир кокси

Қўнғир кўмир

Қўнғир кўмир кокси ва чала кокси

Бошқа қаттиқ ёқилғилар

Ишлов берилмаган нефть
Бензин
Авиация ёқилғиси компонентлари, эталонлар ва конт-
роль ёнилғи
Керосин ва реактив ёнилғи
Дизель ёнилғиси
Мазут
Мойлаш ёғлари
Консистент мойлар
Бошқа нефть маҳсулотлари
Рангли металллар концентратлари
Чўян ва чўян қуймалар
Қора металл прокати
Қувурлар
Металл буюмлар
Қора металлдан тайёрланган бошқа буюмлар
Рангли металллар ва қуймалар
Рангли металллар парчалари ва чиқиндилари
Рангли металл буюмлари
Қимматбаҳо металллар

10. Кимёвий маҳсулотлар, ўғитлар, каучук

Органик ва ноорганик кислоталар
Сода маҳсулотлари ва бошқа ишқорлар
Кокс ва нефть-кимё саноати маҳсулотлари
Пластмассалар ва пластмасса ишлаб чиқариш учун
материаллар
Ноорганик оксидлар, чала оксидлар, пероксидлар ва
гидратлар
Бошқа кимёвий маҳсулотлар
Органик ва синтетик бўёқлар ҳамда табиий нил
бўёқлар
Лок-бўёқ материаллари
Ўсимликдан тайёрланган тери ошлаш ва бўяш мате-
риаллари
Тери ошлаш учун табиий ва сунъий экстрактлар
Кино-фотоплёнкалар
Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш
учун дорилар
Каучук
Покришкалар, камералар ва флеплар
Транспортёр ленталари ва узатма қайишлар
Резина енглар ва шланглар
Резина пластиналар ва полотнолар
Резина-асбест буюмлар ва арматурали полотнолар
Бошқа изоляция ва резина-техника буюмлари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги Қонунга, МДХ давлатларининг бож сиёсати принциплари тўғрисида 1992 йил 13 мартдаги Битимга мувофиқ ҳамда ягона давлат бож сиёсатини ўтказиш, республиканинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, наркотик моддалар, қуро-л-ярог, ўқ-дори, портловчи моддалар контрабандасига қарши кураш самардорлигини ошириш, шунингдек тақиқланган буюмларнинг қонунга хилоф равишда олиб келиниши ҳамда моддий ва маданий бойликлар олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилиши устидан назорат қилувчи Давлат инспекциясининг Бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикасининг Давлат Божхона қўмитаси ташкил этилиб, у бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига бўйсундирилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Давлат Божхона қўмитасининг Бошқармалари ташкил этилсин ва улар бевосита Ўзбекистон Республикасининг Давлат Божхона қўмитасига бўйсундирилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Божхона қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўзларининг амалий фаолиятида халқаро ҳуқуқ меъёрларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган битимларига, Ўзбекистон Республикаси

қонунарига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маъкамасининг қарорларига амал қиладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат эканлиги белгилаб қўйилсин:

берилган ҳуқуқлар доирасида республиканиннг иқтисодий хавфсизлигини пухта таъминлаш, бошқа давлатлар билан савдо ва валюта-молия муносабатларининг божга бид ишларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маъкамаси белгилайдиган тартиб ва миқдорда бож йиғимлари, пошлиналар, солиқлар ва бошқа тўловларни республика бюджетига ўз вақтида ўтказиш;

божхона ишлари масалалари бўйича республиканиннг халқаро ҳамкорликда қатнашувини таъминлаш, божхона хизмати тармоқларини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг божхона статистикасини шакллантириш ва юритиш;

республиканиннг ички бозорини муҳофаза қилиш, хом ашё, материаллар, маҳсулот, қимматбаҳо буюмлар ва товарлар, шунингдек маданий ва тарихий мерос буюмлари, маънавий мулк объектлари гайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилишига йўл қўймаслик;

контрабандага ва божхона қоидалари бузилишига қарши кураш, наркотик моддалар, руҳиятга салбий таъсир қилувчи ва портловчи моддалар, қурол-яроғ қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига чек қўйиш;

Ўзбекистон Республикасининг божхонага оид қонунида белгиланадиган бошқа вазифалар.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Божхона қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Ўзбекистон Республикасининг қонунарига мувофиқ товар-моддий бойликларни олиб келиш ҳамда уларни олиб чиқиб кетишга доир божхона қоидаларини ҳар қандай бузиш ҳолларига чек қўйиш, контрабанда буюмларини ва бошқа моддий бойликларни мусодара қилиш;

— республика Молия вазирлиги билан биргаликда савдога дахлдор бўлмаган муомалада Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган ва унга олиб келинадиган буюмларга бож пошлиналари миқдорларига ўзгартишлар киритиш;

— Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргалликда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган валютанинг чекланган меъёрини кўриб чиқиш;

— Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига буюмларни олиб келиш ҳамда шу ҳудудга вақтинча олиб келинган буюмларни олиб чиқиб кетиш юзасидан белгиланган муддатни узайтириш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган (мулкчилик шаклидан ва қайси идорага қарашли бўлишидан қатъи назар), вазирликлардан, идоралардан, ташкилотлардан, маҳаллий ҳокимият органларидан, ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларидан ташқи иқтисодий фаолиятни бож-тариф нуқтаи назаридан тартибга солиш вазифаларини ҳал қилиш, юклар ва мол-мулкни бир жойдан иккинчи жойга олиб боришда қонунийликни белгилаш, шунингдек тегишли бож тўловлари ва йиғимларини республика бюджетига тўлаш учун бухгалтерия маълумотлари, ҳисоботлар, маълумотномалар ҳамда бошқа материалларни олиш;

— республика ҳудудида рўйхатга олинган ташқи иқтисодий алоқаларнинг қатнашчиларини улар Ўзбекистон Республикасининг божга оид қонунларига қандай риоя этаётганликларини текшириб туриш;

— божхона иши масалалари бўйича МДҲ мамлакатлари ҳамда хорижий давлатларнинг божхона хизматлари билан ҳамкорлик қилиш, республика Ҳукуматининг топшириғига биноан божга оид битимлар ва шартномаларни имзолаш.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг амалдаги қонунларга мувофиқ қабул қилган қарорларини барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажаришга мажбурдирлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг ходимлари ўқ отиш қуролини, махсус воситалар ҳамда якка ҳимоя воситаларини сақлаш ва олиб юриш ҳуқуқига ва зарур ҳолларда ички ишлар органларининг ходимлари учун белгиланган қоидаларга мувофиқ уларни қўлланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси тизимининг ходимлари учун махсус кийим-бош жорий этилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органи ходимлари учун белгиланган барча ҳуқуқлар ва имтиёзлар, хизматни ўташ, жумладан махсус ва шахсий унвонлар бериш, мансаб маошларига ва кўп йиллик

хизматига устама ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Давлат Божхона қўмитасининг ходимларига татбиқ этилади.

9. Божхона қўмитасининг ҳамда товар-моддий бойликлар олиб чиқиб кетилиши устидан назорат қилувчи Давлат инспекцияси Бош бошқармасининг ва уларга қарашли ҳудудий органларнинг балансида бўлган бинолар, иншоотлар, техника, қурооллар, автотранспорт, алоқа воситалари ва бошқа мол-мулк Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг тасарруфига бепул топширилсин.

10. Моддий-техника базасини ривожлантириш, ижтимоий дастурларни таъминлаш ва божхона хизматларининг ходимларига моддий ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг махсус жамғармаси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу жамғарма асосли ва қонуний равишда мусодара қилинган товар-моддий бойликлар тўла сотилб, бюджетга тегишли тўловлар ўтказилган тақдирда шулардан тушган маблағнинг 20 фоизи, шунингдек савдога дахлдор бўлмаган муомалада бож йиғимлари, пошлиналар тарзида, контрабанда буюмларини сотишда хизмат кўрсатишдан олинadиган режадан ташқари даромадлар ҳисобига ташкил қилинади.

11. Ўзбекистон Республикасининг божхонага оид қонуни қабул қилингунга қадар "Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 июндаги Фармонида, шунингдек СССР Божхона кодексининг ва "Бож тарифи тўғрисида" СССР қонунининг ушбу Фармонга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган қондаларига амал қилинсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида" 1991 йил 25 октябрда чиқарган Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси 15 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри
1992 йил 10 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БИРЖА ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Биржалар фаолиятини такрорлашга барҳам бериш, унга бир томонлама ёндашувга йўл қўймаслик ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, шунингдек бозор тармоқлари мажмуини ривожлантиришга, хўжалик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, республикани истеъмол моллари ва моддий-техника ресурслари билан тўлдиришга биржалар қўшадиган ҳиссани кўпайтириш мақсадида:

1. Республика ҳудудида биржа фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида Биржалар кенгаши тузилсин. Белгилаб қўйилсинки, мазкур Кенгаш ҳозирги вақтда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган биржаларнинг раисларидан ташкил топади.

2. Биржаларни давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги зиммасига юклансин. Шу нарса белгилансинки, республика ҳудудида янгидан ташкил этиладиган биржалар 1-бандда кўрсатилган Биржалар кенгаши билан келишиб олинганидан кейингина рўйхатдан ўтказилади.

3. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни рўёбга чиқаришга оид ташкилий тадбирларни амалга оширсин ва бир ой муддат ичида "Ўзбекистон Республикасида биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига тақдим этсин.

*Ўзбекистон Республикасининг
Президенти*

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 27 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси

Қ А Р О Р

1991 йил 12 ноябрь № 290

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ
САРМОЯЛАР БИЛАН КОРХОНАЛАР,
ШУ ЖУМЛАДАН, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР,
ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР,
ШУНИНГДЕК, УЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ
БЎЛИНМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, ФАОЛИЯТИ
ВА УЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республи-
касининг Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида" ва
"Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар ҳақи-
да"ги қонунларига мувофиқ, ташқи иқтисодий ҳам-
корликни кенгайтириш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётига
хориждан сармоя сарфлашни кўпайтириш учун зарур
шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси
қ а р о р қ и л а д и :

1. Илова қилинаётган "Ўзбекистон Республикасида хо-
рижий сармоялар билан корхоналар, халқаро бирлашмалар
ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлин-
маларини ташкил этиш ва фаолияти тартиби тўғрисида"
Низом ҳамда "Хорижий сармоялар билан ташкил этилган
корхоналарни, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларни,
шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмаларини давлат
томонидан рўйхатга олиш тартиби тўғрисида" Низом
тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,
халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари
ижроия қўмиталари икки ҳафта муддат ичида таъсис
ҳужжатларини экспертиза қилиш ва халқаро бирлашма-
лар, ташкилотлар, Ўзбекистон ҳамда хорижий юридик
шахслар ва фуқаролар иштирокида тузиладиган қўшма
корхоналар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлинма-
ларининг самарали фаолиятини ташкил этишга кўмак-
лашиш комиссияларини тузсинлар. (Вакиллари комиссия
таркибига кирадиган ташкилотларнинг тахминий рўйхати
— иловага мувофиқ).

Комиссиялар қабул қилган қарорлар кечиктирилмасдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига юборилсин.

3. Молия вазирлиги (ўртоқ Боқибоев) зарур ҳужжатлар олинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида қўшма корхоналар ва уларнинг таркибий бўлинмаларига рўйхатга олиш номери беришни таъминласин.

Ишнинг ушбу соҳаси топшириладиган мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилсин.

4. Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитаси* (ўртоқ Султонов) зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг уларни етти кундан кечиктирмай кўриб чиқсин ҳамда қўшма корхоналар ва уларнинг бўлинмаларига ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси деган рўйхатга олиш гувоҳномасини топширсин.

5. Молия вазирлиги (ўртоқ Боқибоев), Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитаси (ўртоқ Султонов) республикада ташкил этилаётган қўшма корхоналарга хизмат кўрсатишга ихтисослашган эксперт-маслаҳат ташкилотларининг кенг тармоғини тузиш чораларини кўрсинлар.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган халқаро бирлашмалар ва ташкилотларнинг, хорижий корхоналар ва қўшма корхоналарнинг бўлинмалари, шу жумладан, Ўзбекистон ва хорижий юридик шахслар ҳамда фуқаролар иштирокида бош корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган қўшма корхоналарнинг бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши шарт. Мазкур бўлинмаларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтмай Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатиши тақиқланади.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Умумиқтисодий комплекс (ўртоқ Ҳамидов)га ва Президент Аппаратининг Ташқи иқтисодий алоқалар бўлими (ўртоқ Сафоев)га юклатилсин.

*Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси*

И. КАРИМОВ

* Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони, 164-бет.

Ўзбекистон Республикасида хорижий
сармоялар билан корхоналар,
халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар,
шунингдек, уларнинг таркибий
бўлинмаларини ташкил этиш
ва фаолияти тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1. ТАШКИЛ ЭТИШ, ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ВА ТУГАТИШНИНГ УМУМИЙ ТАРТИБИ

1. Мазкур Низом "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ишлаб чиқилган. У Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар билан ишловчи корхоналарни, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларни (бундан кейин корхона деб аталади), шунингдек улардан ажралиб чиққан корхоналарни, филиалларни ва бошқа бўлинмаларни ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича юридик шахс ҳисобланадилар. Улар ўз номидан шартномалар тузишлари, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни сотиб олишлари ҳамда улар бўйича жавоб беришлари, судда, ҳакамлик судида ва воситачилик судида даъвогар ва жавобгар бўлишлари мумкин. Корхона мустақил балансга эга бўлади ҳамда валюта билан ўз харажатларини ўзи тўлиқ қоплаш ва ўзини ўзи молиявий таъминлаш асосида ишлайди.

3. Корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тақиқланмаган ва ўзларининг уставларида назарда тутилган мақсадларга жавоб берувчи фаолиятнинг барча турларини амалга оширишлари мумкин.

Корхоналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан аниқланадиган фаолиятнинг айрим турлари билан фақат махсус рухсатнома асосида шуғулланишлари мумкин.

4. Корхоналар исталган ҳилда, шу жумладан, хусусий фирма, акционерлик жамияти, жавобгарлиги чекланган жамият, кичик корхона, корпорациялар ва Ўзбекистон

Республикаси қонунчилик актларига зид келмайдиган бошқа хилда тузилиши мумкин.

5. Корхоналар, фаолият кўрсатиши Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тақиқланган айрим ҳудудлардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишлари мумкин.

6. Корхоналар таъсисчи тасдиқлайдиган Устав асосида ишлайдилар. Устав корхоналар фаолиятининг соҳасини ва мақсадларини, унинг жойлашган ўрнини, устав фонди миқдорини, устав фондидини шакллантириш тартибидини, тузилишини, таркибидини ва корхоналарни бошқариш органларининг ҳуқуқ доирасини, қарорлар қабул қилиш тартибидини ва қарор қабул қилишда яқдиллик талаб қилинадиган масалалар доирасини, шунингдек, уни тугатиш тартибидини белгилайди. Уставга Ўзбекистон Республикаси қонуналарига зид келмайдиган ва корхона фаолиятининг хусусиятларига тегишли бошқа қондалар ҳам киритилиши мумкин.

7. Корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати корхонанинг уставида белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади. Корхона ташкил этилиши тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

9. Корхонанинг устав фонди унинг таъсисчилари қўшадиган улуш ҳисобига ҳосил бўлади. У корхонанинг тадбиркорлик фаолияти ва бошқа фаолиятдан олиннадиган фойда ҳисобига, зарурат бўлганда эса унинг таъсисчиларининг қўшимча улушлари ҳисобига ҳам тўлдирилиши мумкин.

10. Корхонанинг устав фондига қўшиладиган улушлар жумласига мулкӣ ва интеллектуал бойликларнинг исталган тури киритилиши мумкин.

11. Таъсисчилар томонидан корхонанинг устав фондига улуш сифатида қўшиладиган мол-мулкнинг қиймати жаҳон бозори нархлари бўйича, бундай нархлар бўлмаганда эса таъсисчилар ўртасидаги келишув бўйича баҳоланади. Улушнинг қиймати СССР Давлат банкнинг* тижорат валюта курси бўйича корхонани тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланган кунда ёки унинг таъсисчилари

* Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида Ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Фармони, 166-бет.

томонидан келишилган бошқа санада сўмларга айлантириб ҳисобланади.

12. Корхоналарнинг таъсисчилари томонидан устав фондига ўз улушлари ҳисобига Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ускуналар, материаллар ва бошқа мол-мулклар божхона пошлиналари тўлашдан озод қилинади ва импорт учун солиқ солинмайди.

13. Корхонанинг мол-мулкани ва таваккал ишларини суғурта қилиш унинг хоҳишига қараб амалга оширилади.

14. Корхона ўз фаолиятининг мақсадларига ва мол-мулкнинг вазифаларига кўра Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ўз мол-мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Уларнинг мол-мулки мажбурий равишда давлат ихтиёрига олинмайди ёки маъмурий тартибда мусодара қилинмайди.

Корхоналарнинг мулкый ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси қонунларининг давлат корхоналари учун белгиланган қоидаларига мувофиқ муҳофаза қилинади. Корхоналарнинг мол-мулкига Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ корхоналарнинг иштирокида низоларни кўриб чиқиш мумкин бўлган органларнинг қарорлари бўйичагина жарима солиниши мумкин.

15. Корхонага тегишли саноатга эгалик ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, шу жумладан, патентлар шаклида ҳам муҳофаза қилинади. Саноатга эгалик ҳуқуқларини бошқа юридик шахсларга ва фуқароларга, шунингдек, бу ҳуқуқларни тижорат асосида фойдаланишга бериш ва уларни чет элларда ҳимоя қилиш тартиби корхонанинг устави билан белгиланади.

16. Корхоналар ўз мажбуриятлари бўйича барча ўзига тегишли мол-мулк ва активлар билан жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси уларнинг мажбуриятлари учун жавоб бермайди, корхоналар эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар.

17. Корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари (мулкчилик шаклларидан қатъи назар), Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан низолари, бошқа корхоналар ўртасидаги ўзларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан низолар Ўзбекистон Республикаси судларида, ҳакамлик судида ва вакиллик судида кўриб чиқилади.

18. Корхоналар бошқарув органларининг таркибини ва ҳуқуқ доирасини, қарорлар қабул қилиш тартибини ва

ҳал этишда яқдиллик талаб қилинадиган бир қатор масалаларни мустақил равишда белгилайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳам, ҳамжамиятдаги бошқа давлатнинг ва хорижий давлатнинг фуқароси ҳам корхона раҳбари бўлиши мумкин.

19. Корхона ўз хўжалик фаолиятининг дастурини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

20. Корхонага ўз хўжалик фаолияти учун зарур бўлган экспорт ва импорт операцияларини мустақил равишда юритиш ҳуқуқи берилган.

Корхона рухсатнома олмасдан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилиш ва маҳсулотни ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун импорт орқали олиш ҳуқуқига эга.

21. Корхоналарнинг чет эл валютасидаги барча харажатлари уларнинг ўз валюта тушумлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан рухсат берилган чет эл валютаси олишнинг бошқа манбалари ҳисобига таъмиъланиши керак.

22. Корхоналар ўз фаолиятини амалга ошириш учун валюта ва сўм ҳисобидаги кредитлардан фойдаланадилар.

23. Корхонада резерв фонди ҳамда ўзининг фаолияти ва жамоани ижтимоий ривожлантириш учун зарур бўлган бошқа фондлар тузилади.

Бошқа фондларнинг рўйхати, уларни ҳосил қилиш ва сарфлаш тартиби корхона уставида белгиланади.

24. Корхонанинг солиқлар миқдори ва Ўзбекистон Республикаси бюджетига бошқа тўловлар ҳамда фондларни тузишга ва тўлдиришга йўналтириладиган пуллар ҳисобдан чиқарилгандан кейин қолган даромади корхона таъсисчилари ўртасида устав фондига қўшилган улушга мутаносиб равишда тақсимланади.

25. Хорижий инвесторларга корхона фаолиятдан олинadиган фойдани тақсимлаш натижасида уларга тегадиган пулни хорижий валютада чет элга кўчиришга кафолат берилади.

26. Корхоналар Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун белгиланган нормаларда ва тартибда, агар уларнинг уставида бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, тўла тиклаш учун амортизация маблағлари ажратадилар.

27. Корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловлар тўлайдилар.

28. Корхоналар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ оператив, бухгалтерия ва статистика ҳисоби ва ҳисоботини олиб борадилар.

29. Корхоналарнинг молия-хужалик ва тижорат фаолиятини текшириш давлат солиқ идоралари ва бошқа идоралар ҳамда аудиторлик ташкилотлари томонидан, ўзларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳуқуқлари доирасида амалга оширилади.

30. Корхоналарнинг ходимлари асосан Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан иборат бўлади. Корхоналар маъмурияти корхоналарда тузиладиган касаба уюшмалари ташкилотлари билан коллектив шартномалар тузиши шарт. Ушбу шартномаларнинг, жумладан, жамоанинг ижтимоий ривожланиши тўғрисидаги низомларнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва корхоналар устави билан белгиланади.

31. Ходимларни ишга ёллаш ва бўшатиш масалалари, меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек, моддий рағбатлантириш шакллари ва миқдорлари корхона томонидан мустақил равишда ҳал қилинади.

32. Корхона ўзининг уставида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг қарори бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг судлари, ҳакамлик суди тақдимномаси бўйича тугатилиши мумкин. Тугатиш тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

II. ХОРИЖИЙ КОРХОНАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ВА УЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

33. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий сармоялар мол-мулкнинг 100 фоизини ташкил этадиган корхоналар ва ташкилотлар хорижий корхоналар ҳисобланади.

34. Хорижий корхона бир ёки бир неча хорижий инвестор томонидан ташкил этилиши мумкин.

35. Хорижий корхоналарни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлар техникавий-иқтисодий асослар ва таъсис ҳужжатларининг лойиҳалари билан биргаликда хорижий инвестор (ёки унинг ваколат олган вакили) томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига (бундан кейин давлат органи деб аталади) киритилади, унинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий корхоналарни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

36. Хорижий инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ишлаб турган корхонани тула мулк қилиб сотиб олиши учун у корхона эгаси билан келишилган тегишли шартнома матнини, мол-мулкни ва фойдаланиш

ҳуқуқини сотиб олишда эса мулк эгаси билан келишилган олди-сотди ёки ижара шартномаси матнини кўрсатади.

**III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ХАЛҚАРО
БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР
ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ
ВА УЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

37. Уставга мувофиқ ўз фаолияти Ўзбекистон Республикаси ва бир ёки бир неча хорижий давлатнинг ҳудудига тарқаладиган бирлашма халқаро бирлашма (ташкилот) ҳисобланади.

38. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулкида ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ҳамда фуқаролар қатнашадиган корхоналар ва ташкилотлар қўшма корхоналар (бундан кейин ҚК деб аталади) ҳисобланади.

39. Халқаро бирлашмалар ҚК учун белгиланган тартибда тузилади, ўз фаолиятини амалга оширади ва тугатилади.

40. Янги юридик шахсни тузиш йўли билан ёки хорижий юридик шахслар ва фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикасининг ишлаб турган корхоналарининг бир қисmini сотиб олиш йўли билан ҚКлар ташкил этилади.

41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига акционерлик жамиятлари ва жавобгарлиги чекланган жамиятлар шаклида ҚКларни ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва уларни тугатиш мазкур Низомда, шунингдек, акционерлик жамиятлари, жавобгарлиги чекланган жамиятлар ва қимматбаҳо қоғозлар тўғрисидаги бошқа амалдаги қонунлар ва норматив актларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

42. ҚКлар уларнинг иштирокчилари ўртасида тузилган шартномалар асосида ташкил этилади.

43. ҚК ташкил этиш ҳақидаги қарор бевосита ўзбекистонлик ва хорижий қатнашчилар томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ҚК ташкил этиш тўғрисидаги ёки ишлаб турган асосий фондлари 100 млн сўмдан ошадиган Ўзбекистон корхонасининг акцияларини ёки пайларини хорижий инвесторга сотиш йўли билан Ўзбекистон корхонасини ҚКга айлантириш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг розилиги билан ўзбекистонлик қатнашчи томонидан қабул қилинади.

44. Бир ёки бир неча ўзбекистонлик юридик шахслар ва фуқаролар ҳамда бир ёки бир неча хорижий юридик

шахслар ва фуқаролар ҚКларнинг қатнашчилари бўлишлари мумкин.

45. Ўзбекистонлик ва хорижий қатнашчиларнинг ҚК устав фондидаги улуши улар ўртасидаги келишув бўйича белгиланади.

46. ҚКлар қатнашчилари ҚКлардаги ўз улушларини ўзаро келишувга кўра учинчи шахсларга тўла ёки қисман бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистонлик қатнашчилар хорижий қатнашчиларнинг улушларини сотиб олишда устун ҳуқуққа эгадирлар.

ҚК қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисларга ўтади.

47. ҚКларнинг қатнашчилари томонидан тайинланадиган шахслардан иборат бошқарув ҚКнинг юқори органи ҳисобланади. Бошқарув қарорларини қабул қилиш тартиби ҚКларнинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

ҚКларнинг фаолиятига кундалик раҳбарлик қилиш ўзбекистонлик ва хорижий қатнашчилар тузадиган дирекция томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳам, бошқа давлат фуқароси ҳам ҚК ва ижроия органларининг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Бунда хорижий фуқаро кўрсатилган лавозимлардан фақат биттасини эгаллаши мумкин.

48. Хорижий қатнашчи ҚК тугатилганда ёки ундан чиққанда, ўзбекистонлик қатнашчилар ва учинчи шахслар олдидаги ўз мажбуриятларини қоплагандан кейин, тугатилиш ёки чиқиш вақтидаги қолдиқ қиймати бўйича ҚК мол-мулкидаги ўз улушини пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқини олади.

IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЮРИДИК ШАХСЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРИ ИШТИРОКИДА ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, ҚЎШМА КОРХОНАЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ ВА УЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

49. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқаролари иштирокида халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек, қўшма корхоналар (бундан кейин чет эл ҚКлари деб аталади) ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва уларни тугатиш Низомда, шунингдек, улар ташкил этиладиган ва иш олиб борадиган давлатларнинг

қонунчилик актларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

50. Чет эл ҚКларини тузиш тўғрисидаги таклифлар, техник-иқтисодий асослар ва таъсис ҳужжатларининг лойиҳалари билан биргаликда, Ўзбекистонлик қатнашчилар (мулкчилик шаклидан қатъи назар) томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитасига киритилади, унинг розилиги билан бундай қўшма корхоналарни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

51. Чет эл ҚКлари янги юридик шахсни тузиш йўли билан ёки Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан ҳамжамиятнинг бошқа давлатлари ва хорижий давлатларнинг ишлаб турган корхоналаридаги улушни сотиб олиш йўли билан ташкил этилади.

**V. ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ,
ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИНГ АЖРАЛИБ ЧИҚҚАН
КОРХОНАЛАРИНИ, ФИЛИАЛЛАРИНИ ВА БОШҚА
БЎЛИНМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ
КЎРСАТИШИ ВА УЛАРНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

52. Халқаро ташкилотлар, ҚКлар, чет эл ҚКлари ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам унинг ҳудудидан ташқарида ажралиб чиққан корхоналар, филиаллар ва бошқа бўлинмалар тузишлари мумкин, бунинг учун таъсис ҳужжатларида уларга шундай ҳуқуқ берилган бўлиши керак.

53. Бошқа корхона томонидан тўла хўжалик юритишга ўз мол-мулкининг бир қисмини бериш йўли билан юридик шахс сифатида ташкил этилган корхона ажралиб чиққан корхона ҳисобланади.

Таъсисчи ажралиб чиққан корхонанинг уставини тасдиқлайди, унинг раҳбарини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик актларида назарда тутилган мулкдорнинг ажралиб чиққан корхонага нисбатан бошқа ҳуқуқларини амалга оширади.

54. Халқаро ташкилот, ҚК ва чет эл ҚКсининг турган жойдан ташқарида жойлашган ва уларнинг барча ёки бир қисм вазифаларини бажарувчи алоҳида бўлинмаси филиал ҳисобланади.

55. Халқаро ташкилотлар, ҚК, чет эл ҚКси ҳамда бошқа юридик шахслар (мулкчилик шаклидан қатъи назар) ва фуқаролар ўртасида ташкил этиладиган корхоналар халқаро ташкилотларнинг, ҚКларнинг, чет эл

ҚКларининг ажралиб чиққан корхонаси, филиали ва бошқа бўлинмалари деб эътироф этилмайди.

56. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро ташкилотларнинг, ҚКларнинг ажралиб чиққан корхоналарини, филиалларини ва бошқа бўлинмаларини ташкил этиш, тугатиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши ҚКларга татбиқан мазкур Низомда, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик актларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномаларида, шунингдек, бош корхонанинг юқори органи тасдиқлаган Низомда (уставда) белгиланган истиснолар билан амалга оширилади.

57. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган ва ишлаётган халқаро ташкилотларнинг, ҚКларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги ажралиб чиққан корхоналарини ташкил этиш, тугатиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши чет эл ҚКларига татбиқан мазкур Низомда, шунингдек, бошқа давлатларнинг қонунчилик актларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

58. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида ташкил этилган ва ишлаётган халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, ҚКлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ажралиб чиққан корхоналарни ташкил этишлари мумкин.

Бундай ажралиб чиққан корхоналарни ташкил этиш, тугатиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши ҚКларга татбиқан, мазкур Низомда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик актларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномаларида, шунингдек, бош корхонанинг юқори органи тасдиқлаган уставда белгиланган истиснолар билан амалга оширилади.

59. Ажралиб чиққан корхоналар халқаро бирлашмалар ва ташкилотларнинг, ҚКларнинг мажбуриятлари учун, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, ҚКлар эса ажралиб чиққан корхоналарнинг мажбуриятлари учун жавоб берадилар.

60. Ҳамжамиятнинг бошқа давлатлари ва хорижий давлатлар ҳудудида жойлашган халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, ҚКларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган филиалларини, ваколатхоналарини ва бошқа бўлинмаларни ташкил этиш тақиқланади.

Хорижий сармоялар билан ташкил этилган
корхоналарни, халқаро бирлашмалар ва
ташкilotларни, шунингдек, уларнинг таркибий
бўлинмаларини давлат томонидан рўйхатга олиш
тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом қуйидагиларни ташкил этиш ва тугатишни давлат томонидан рўйхатга, шунингдек, қайта рўйхатга олиш тартибини белгилайди:

хорижий сармояли корхоналар (хорижий корхоналар, ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокида тузилган қўшма корхоналар);

халқаро бирлашмалар ва ташкilotлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган хорижий корхоналардан ажралиб чиққан корхоналар, филиаллар ва бошқа бўлинмалар, бош корхоналари ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам унинг ҳудуди ташқарисида жойлашган корхоналар;

бош корхоналари (ташкilotлари) ҳам Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам унинг ҳудудидан ташқарида жойлашган ўзбекистонлик ҳамда хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, халқаро бирлашмалар ва ташкilotлар иштирокида ташкил этиладиган қўшма корхоналарнинг ажралиб чиққан корхоналари, филиаллари ва бошқа бўлинмалари ҳам (бундан кейин ҚКларнинг мамлакатдаги бўлинмалари деб аталади);

хорижий давлатнинг ҳудудида ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналарнинг ажралиб чиққан корхоналари, филиаллари ва бошқа бўлинмалари (бундан кейин ҚКларнинг чет эл бўлинмалари деб аталади).

Бундан кейин юқорида саналганларнинг барчаси биргаликда рўйхатга олинувчи корхоналар деб аталади.

2. Ташкил этиладиган халқаро бирлашмалар ва ташкilotларнинг, ўзбекистонлик ҳамда хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг, шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмаларининг

таъсис ҳужжатларини пухта ва ҳар томонлама экспертиза қилиш, ишларни самарали ташкил этишда уларга амалий ёрдам бериш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ижроия қўмиталари вилоят марказларида ҳамда Тошкент ва Нукус шаҳарларида маҳаллий алоқадор органларнинг вакилларида иборат ваколатли эксперт комиссиялари тузилди.

Комиссиялар ташкил этиладиган халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, қўшма корхоналар, шунингдек, уларнинг таркибий бўлинмалари бўйича эксперт хулосаларини ариза олинган вақтдан бошлаб ўн иш кунидан кечиктирмасдан берадилар, бунда таъсис ҳужжатлари тўлиқ ва тўғри расмийлаштирилган бўлиши ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келиши керак.

3. Рўйхатга олинадиган корхоналарни ташкил этиш ва тугатишни давлат томонидан рўйхатга олиш, шунингдек, қайта рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан (бундан кейин рўйхатга олувчи орган деб аталади), зарур ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинган рўйхатга олиш ёки қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза олинган пайтдан бошлаб (Молия вазирлиги иш юритиш бўлинмасининг келувчи ҳужжатлар номерига мувофиқ) ўн иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

4. Рўйхатга олиш органида давлат томонидан рўйхатга олинган ва юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган пайтдан бошлаб рўйхатга олинувчи корхона ўз муҳрини тайёрлаш, ОКПО кодини ўзлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида сўм ва валюта счётларини очиш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномаси олиш учун рўйхатга олинувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитасига зарур ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим этадилар. Тақдим қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати, гувоҳнома бериш тўғрисидаги ариза олинган пайтдан бошлаб, етти иш кунидан ошмаслиги керак.

6. Давлат рўйхатига олиш юзасидан ваколатли комиссиялар томонидан эксперт хулосаларини беришда, шунингдек, рўйхатга олинувчи корхоналарга ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси гувоҳномасини беришда, уларни ташкил этишнинг мақсадга номувофиқлиги сабабларига кўра рад қилишга йўл қўйилмайди.

7. Рўйхатга олинувчи корхоналар таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар ёхуд давлат рўйхатига олинадиган бошқа ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида рўйхатга олувчи органни ўз вақтида хабардор қилишга мажбурдирлар.

8. Тугатилиш чоғида рўйхатга олинувчи корхоналар рўйхатга олувчи органга тегишли ариза беришга мажбурдирлар. Бу ҳолда тугатилишни рўйхатга олиш корxonани рўйхатга олган юқори орган мажлисининг баённомасидан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, суд, Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик суди қароридан кўчирма асосида амалга оширилади.

9. Агар тақдим қилинган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ келмаса, рўйхатга олувчи орган рўйхатга олинувчи корxonани рўйхатга олишни тўхтатиб қўйиш ёки рад қилиш ҳуқуқига эга.

10. Хорижий корхоналарни, шунингдек, уларнинг ажралиб чиққан корхоналарини, филиалларини ва бошқа бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишни давлат рўйхатига олганлик, шунингдек, қайта рўйхатга олганлик учун АҚШнинг 500 долларига тенг миқдорда, эркин алмаштириладиган валюта бўйича ҳақ олинади, сўнгра у республика бюджети даромадига ўтказилади.

Халқаро ташкилотларни, қўшма корхоналарни, уларнинг ажралиб чиққан корхоналарини, филиалларини ва бошқа бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишни давлат рўйхатига олганлик, шунингдек, қайта рўйхатга олганлик учун 2500 сўм миқдорида ҳақ олинади, сўнгра у республика бюджети даромадига ўтказилади.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ХОРИЖИЙ КОРХОНАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

11. Хорижий корхоналарни рўйхатга олиш мазкур Низомнинг 3-бандида белгиланган муддатларда амалга оширилади. Рўйхатга олиш учун хорижий корxonанинг таъсисчиларидан бири рўйхатга олувчи органга ёзма ариза беради, у ўзбек (рус) тилига таржима қилиниши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши керак.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари илова қилинади:

— хорижий корхона ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси берган рухсатнома;

— хорижий корхонанинг белгиланган тартибда ўзбек (рус) тилига таржима қилинган устави;

— рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган хорижий корхоналар мазкур Низомнинг 11-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилингандан сўнг рўйхатга олувчи органда қайта рўйхатга олинади.

13. Хорижий корхоналарнинг ажралиб чиққан корхоналари, филиаллари ва бошқа бўлинмалари хорижий корхоналар учун белгиланган тартибда давлат рўйхатига олиндилар.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИ, ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

14. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар исталган турда, шу жумладан, акционерлик жамиятлари, жавобгарлиги чекланган жамиятлар, кичик корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик актларига зид келмайдиган бошқа турларда ташкил этилиши мумкин.

15. Рўйхатга олиш учун қўшма корхонанинг ўзбекистонлик қатнашчиларидан бири рўйхатга олувчи органга ёзма ариза беради.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари илова қилинади:

— қўшма корхонанинг ўзбекистонлик қатнашчилари юқори органларининг қарорлари;

— ваколатли эксперт комиссиясининг хулосаси;

— қўшма корхона тузиш тўғрисидаги шартнома;

— қўшма корхонанинг устави;

— рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция;

— қўшма корхонанинг ҳар бир қатнашчиси томонидан устав фондига улушлар қўшиш тўғрисида квитанция (агар қўшма корхона жавобгарлиги чекланган жамият шаклида ташкил этилган тақдирда бундай ҳужжат тақдим этилади).

16. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган қўшма корхоналар қўйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари илова қилингандан сўнг рўйхатга олувчи органда қайта рўйхатга олинади:

- қўшма корхонани тузиш тўғрисидаги шартнома;
- қўшма корхонанинг устави;
- ишнинг охириги йили юзасидан молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот;
- рўйхатга олиш тўғрисида СССР Молия вазирлиги берган маълумотнома;
- қайта рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция.

17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар (халқаро жамоатчилик бирлашмалари бундан мустасно) қўшма корхоналар учун белгиланган тартибда рўйхатга олинадилар.

IV. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАДИГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАРНИ, ХАЛҚАРО БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

18. Бошқа давлатларнинг ҳудудида ўзбекистонлик ҳамда хорижий юридик шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар ушбу давлатларнинг қонунчилик актларига зид келмайдиган шаклларда ташкил этилиши мумкин.

19. Рўйхатга олиш учун қўшма корхонанинг ўзбекистонлик қатнашчиларидан бири рўйхатга олувчи органга ёзма ариза беради.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризага қўйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари илова қилинади:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида қўшма корхона ташкил этишга розилиги;

- қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги шартнома;
- қўшма корхона устави;
- рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция.

20. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ташкил этилган қўшма корхоналар мазкур Низомнинг

19-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин рўйхатга олувчи орган томонидан қайта рўйхатга олинади.

21. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида хўжалик фаолиятини амалга оширувчи халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар (халқаро жамоатчилик бирлашмалари бундан мустасно) қўшма корхоналар учун белгиланган тартибда давлат рўйхатига олиндилар.

В. ҚЎШМА КОРХОНА (ҚК)ЛАРНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ БЎЛИНМАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИ

22. Рўйхатга олиш учун ҚКларнинг мамлакатимиздаги бўлинмалари бош корхонаси рўйхатга олувчи органга ёзма ариза беради.

Рўйхатга олиш тўғрисида аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари илова қилинади:

— ҚКнинг мамлакатимиздаги бўлинмалари бош корхонасининг мазкур бўлинмани очиш тўғрисидаги қарори;

— ваколатли эксперт комиссиясининг хулосаси;

— бош корхонанинг юқори органи тасдиқлаган ҚКнинг мамлакатимиздаги бўлинмаси тўғрисидаги устав (низом);

— бош корхонани ташкил этиш тўғрисидаги шартнома;

— бош корхона устави;

— рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция.

23. ҚКларнинг мамлакатимиздаги бўлинмалари қуйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари тақдим қилингандан кейин рўйхатга олувчи органда қайта рўйхатга олинади:

— ҚКнинг мамлакатимиздаги бўлинмалари бош корхонасининг мазкур бўлинмани қайта рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори;

— бош корхонанинг юқори органи тасдиқлаган ҚКнинг мамлакатимиздаги бўлинмалари тўғрисида устав (низом);

— ҚКнинг мамлакатимиздаги бўлинмаларининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида йиллик ҳисобот;

— рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция.

VI. ҚЎШМА ҚОРХОНА (ҚК)ЛАРНИНГ ЧЕТ
МАМЛАКАТЛАРДАГИ БЎЛИНМАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТАРТИБИ

24. Рўйхатга олиш учун ҚКнинг чет мамлакатлардаги бўлинмалари бош корхонаси рўйхатга олувчи органга ёзма ариза беради.

Рўйхатга олиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нотариусда тасдиқланган (ёки уларни берувчи органларда тасдиқланган) нусхалари илова қилинади:

— Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитасининг ҚКнинг чет мамлакатлардаги бўлинмаларини ташкил этиш тўғрисидаги розилиги;

— ҚКнинг чет мамлакатлардаги бўлинмалари бош корхонасининг мазкур бўлинмани очиш тўғрисидаги қарорлари;

— бош корхонанинг юқори органи тасдиқлаган ҚКнинг чет мамлакатлардаги бўлинмаси тўғрисидаги устав (низом);

— бош корхонани ташкил этиш тўғрисидаги шартнома;

— бош корхона устави;

— рўйхатга олинганлик учун тўлов тўғрисидаги квитанция.

25. ҚКларнинг чет мамлакатлардаги бўлинмалари мазкур Низомнинг 24-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин рўйхатга олувчи органда қайта рўйхатга олинади.

Вакиллари таъсис ҳужжатларини экспертиза қилиш ҳамда ҚКларни ташкил этишга ва уларнинг самарали ишлашига ёрдам бериш бўйича ваколатли комиссиялар таркибига кирадиган ташкилотларнинг

ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

1. Вилоят ижроия қўмитаси (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси).
2. Вилоят молия бўлими (Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар молия бўлими).
3. Давлат ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқалар қўмитасининг минтақавий бўлими.
4. Вилоят статистика бошқармаси.
5. Вилоят (шаҳар) солиқ инспекцияси.
6. Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг минтақадаги бўлинмаси.

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида	7
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида	16
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида	29
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида	47
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида	65
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида	77
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида	100
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинadиган солиқлар тўғрисида . . .	127
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида	159
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида.	164
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида	166
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Давлат Божхона қўмитаси ташкил этиш тўғрисида	174
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида	178
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори. Ўзбекистон Республикасида хорижий сармоялар билан корхоналар, шу жумладан қўшма корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш, фаолияти ва уларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби ҳақида. 1991 йил 12 ноябрь № 290	179



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

ЗАКОНЫ
И УКАЗЫ

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЯХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О СОБСТВЕННОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О ГРАЖДАНСТВЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О РАЗГОСУДАРСТВЛЕНИИ И ПРИВАТИЗАЦИИ

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О ПРЕДПРИЯТИЯХ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О БАНКАХ И БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О НАЛОГАХ С ПРЕДПРИЯТИЙ И ОБЪЕДИНЕНИЙ

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ ОБРАЗОВАНИИ МИНИСТЕРСТВА ВНЕШНИХ ЭКОНОМИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О МЕРАХ ПО СТИМУЛИРОВАНИЮ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, ПРИВЛЕЧЕНИЮ И ЗАЩИТЕ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОБ ОБРАЗОВАНИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ТАМОЖЕННОГО КОМИТЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

УКАЗ ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН О КООРДИНАЦИИ БИРЖЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ОТ 12 НОЯБРЯ 1991 Г. № 290 "О ПОРЯДКЕ СОЗДАНИЯ, ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН ПРЕДПРИЯТИЙ С ИНОСТРАННЫМИ ИНВЕСТИЦИЯМИ, В ТОМ ЧИСЛЕ СОВМЕСТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ, МЕЖДУНАРОДНЫХ ОБЪЕДИНЕНИЙ И ОРГАНИЗАЦИЙ, А ТАКЖЕ ИХ СТРУКТУРНЫХ ПОДРАЗДЕЛЕНИЙ"

ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

О ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

(с изменениями, внесенными Законом Республики Узбекистан
от 02.07.92)

Настоящий Закон определяет основные принципы и порядок осуществления внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан. Он обеспечивает защиту прав, интересов и имущества участников внешнеэкономических связей вне зависимости от форм собственности, в соответствии с общепризнанными нормами международного права, создает правовую основу для интеграции экономики республики в мировую экономическую систему.

